

# ФАРМАКОИКТИСОДЫЙЕТ

Н.Д.СУЮНОВ



1-қисм



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**Н. Д. СҮЮНОВ**

**ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ  
I қисм**

*5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқарии  
магистратура мутахассислиги учун*

Ўзбекистон Республикаси Согликни сақлаш вазирлиги  
томонидан магистратура талабалари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

**Тошкент – 2020**

615:330(075.8)

52.8я73

С 98

Суюнов, Н. Д.

Фармакоиктисодиёт. / ўкув қўлланма / Н. Д. Суюнов. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020, 200 б.

УЎК 615:330(075.8)

КБК 52.8я73

65.304.9я73

### Тақризчилар:

**Ш.Р.Холмўминов** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Мехнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори.

**А.М.Тухтаева** – Тошкент фармацевтика институти Фармацевтлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармацевтик технология” кафедраси доценти, фармацевтика фанлари номзоди.

Мазкур ўкув қўлланма 5A510502 – *Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш* магистратура мутахассислигининг магистратура талабалари учун Фармакоиктисодиёт фанининг ўкув режа, ишчи ўкув режа ва Фармакоиктисодиёт фан дастури, ишчи фан дастурига мувофиқ тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйругига асосан чоп этилди.

### Аннотация

Фармакоиктисодиёт фанидан ўкув қўлланмада дори воситаларининг самарадорлигини ўрганиш, ножўя таъсирини билиш, нархларини таҳлил килиш бўйича назарий билимлар, амалий кўнималар берилган. Дори воситалари таъминотига услубий ёндашув бўйича назарий таҳлиллар 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш мутахассислиги бўйича магистратура талабаларининг дунёқарашини шакллантиради ҳамда етук кадр бўлиши учун замин яратади.

Мазкур ўкув қўлланма магистратура талабалари ва фармацевтика институти талабалари, мустақил изланувчилар ҳамда фармацевтлар малакасини ошириш факультетларида таҳсил олаётган тингловчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўкув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Соглиқни саклаш вазирлигининг буйруклари ва бошқа меъёрий хужжатлар ўз аксини топган.

Ўкув блокларида 2.00 мутахассислик фанларидан Фармакоиқтисодиёт фани келтирилган. Ўкув қўлланма 1 та график, 1 та диаграмма, 2 та гистограмма, 3 модель, 15 та жадвалдан иборат.

### **Аннотация**

Учебное пособие по фармакоэкономике дает теоретические знания, практические навыки для анализа эффективности лекарственных средств, знания побочных эффектов и умение анализировать цены. Теоретический анализ методологического подхода к обеспечению лекарственными средствами формирует мировоззрение студентов-магистрантов по специальности 5A510502 - Организация и управление фармацевтического дела и создает основу для передовых кадров.

Учебное пособие может быть использовано студентами-магистратуры и студентами Фармацевтического института, исследователями и стажерами фармацевтического факультета.

В учебном пособии отражены Указы, Постановления Президента Республики Узбекистан, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан, приказы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и другие нормативные документы.

В учебной программе 2.00 специальных дисциплин преподаются по предмету фармакоэкономики. Учебный план состоит из 1 диаграммы, 2 гистограмм, 3 моделей, 15 таблиц.

### **Annotation**

The textbook on pharmacoconomics provides theoretical knowledge, practical skills for analyzing the effectiveness of medicines, knowing side effects and analyzing prices. The theoretical analysis of the methodological approach to the provision of medicines forms the worldview of undergraduate students in the specialty 5A510502 - Organization and management of pharmaceutical business and creates the basis for advanced personnel.

The manual can be used by graduate students and students of the Pharmaceutical Institute, researchers and trainees of the Faculty of Pharmacy.

The textbook reflects Decrees, Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan, Decrees of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, orders of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan and other regulatory documents.

In the curriculum, 2.00 special subjects are taught on the subject of pharmacoconomics. The curriculum consists of 1 chart, 2 histograms, 3 models, 15 tables.

**ISBN 978-9943-6349-2-3**

**© Н. Д. Суюнов**

**© Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уи, 2020**

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш стратегиясининг мақсади мамлакатнинг хўжалик тизимини ислоҳ қилиш асосида ҳар бир фуқаронинг соғлом ва тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборат. Шундан келиб чиқкан ҳолда, миллат соғлиғини сақлашни кафолатлаш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиизда тиббиёт соҳасида жадал ривожланиш кузатилмоқда. Жумладан, халқимизнинг соғлиғини сақлаш мақсадида 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимиизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди.

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Дори воситалари. Тиббий буюмлар. Тиббий техника” тўғрисидаги З-боби, “Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиника тадқиқотлари” 10-моддасида таъкидланганидек: “*Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиника тадқиқотлари хавфсизлик ва самарадорликни аниқлаш мақсадида уларнинг фармакологик хоссаларини, ножуя таъсирлари ва бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири самараси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиши учун ўтказилади<sup>1</sup>*”.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётган бир вақтда аҳолига юқори малакали магистр мутахассисларни тайёрлаб бериш, тиббий ёрдам қўрсатиш ва мавжуд касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалари сифатини янада ошириш стратегиясида фармақиқтисодиёт фанини магистратура мутахассислигида таҳсил олаётган талабаларга ўқитиш муҳим роль

---

<sup>1</sup> “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. 2016 йил 4 январь. 2-б.

ўйнайди. Ушбу жараёнларни таҳлил қилиш учун ўқув жараёнида магистратура талабалари фармақоиктисодиёт фанини назарий ўрганишнинг заруратини белгилайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда тиббиёт ва фармацевтика соҳасида жадал ривожланиш кузатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги (ПФ-4947-сон) “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 ноябрдаги (ПФ-5229-сон) “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 20 июндаги (ПФ-5460-сон) “Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги (ПҚ-3489-сон) “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 14 февралдаги (ПҚ-3532-сон) “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги (ПҚ-3775-сон) “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”даги Қарорлари ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу фан муайян даражада хизмат қиласи.

Бугунги кунда дунё миқёсида истеъмолчиларни дори воситалари билан таъминлашда фармақоиктисодиётга қаратилган ўқув ва илмий изланишлар ортиб бормоқда.

Ўзбекистон фармацевтика тизимининг такомиллашуви, бу тизимдаги ислоҳотларнинг самарали ривожи ва халқаро стандартлар миқёсида ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган фармацевт-мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлик.

Хозирги кунда ОТМни битирган ёш фармацевтлар ўзгарувчан бозор шароитида янгича тафаккур асосида фаолият юритишлари учун замонавий билимларга эга, етук кадр бўлиб етишишлари керак. Мутахассисларнинг фармацевтикада дори воситаларининг таъминотини тўғри ташкил этиш ва оптималлаштиришдаги

фаолияти фармакоиктисодиёт фани бўйича олган билим савияси ва кўникмаларининг мукаммаллигига боғлиқ. Шу сабабли, 5A510502 – *Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши* магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган мутахассислик фани ушбу билимларни шакллантиришни кўзда тутади.

Магистратура талабалари фармакоиктисодиёт мутахассислик фани бўйича зарур билим, кўникмаларни олиб, фармацевтика тизими учун юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар сифатида шаклланадилар.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари аҳолиси орасида кенг тарқалган касалликларни самарали дори воситалари билан таъминлаш тиббиёт ва фармацевтика соҳасининг айни пайтдаги энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан эътиборан, кенг тарқалган касалликларда қўлланадиган дори воситаларининг самарадорлигини аниқлашни ўрганиш, нархларини объектив таҳлил қилиш, ножӯя таъсиридининг олдини олиш ва таъминотини такомиллаштириш масалаларини ҳал этишда магистратура мутахассислиги учун фармакоиктисодиёт фани бўйича назарий билимларни ўқув режа ва фандан келиб чиқсан ҳолда олиб борилади.

Дори воситаларидан самарали фойдаланиш, даволаш сифатини юқори даражага кўтариш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш, маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган дори препаратларини ҳисобга олган ҳолда фармакоиктисодий таҳлилларни амалга оширишни тақозо этади.

Фармакоиктисодиёт фани дори воситаларининг самарадорлигини ўрганиш, ножӯя таъсирини билиш, нархларини таҳлил қилиш бўйича назарий билимлар, амалий кўникмалар беради, шунингдек, дори воситалари таъминотига услубий ёндашувни ҳамда магистратура талабалари дунёқарашини шакллантиради ва етук кадр бўлишлари учун замин яратади.

5A510502 – *Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқариши* магистратура мутахассислигида таҳсил олаётган талабалар Фармакоиктисодиёт мутахассислик фани бўйича зарурый билим, кўникмаларни олиб, фармацевтика тизими учун юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар сифатида шаклланадилар.

Ўзбекистон фармацевтика тизимининг такомиллашуви, бу тизимдаги ислоҳотларнинг самарали ривожи ва халқаро стандартлар миқёсида ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган фармацевт-мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ.

Мутахассисларнинг фармацевтикада дори воситаларининг таъминотини тўғри ташкил этиши ва оптималлаштириши мутахассислик фани бўйича олган билим ва қўникмаларининг мукаммаллигига боғлиқ. Шу сабабли, 5A510502 – *Фармацевтика ишини ташкил қилиши ва бошқарии* магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган ихтисослик фани ушбу билимларни шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фармацевтика соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, дори воситалари истеъмолини тартибга солиш борасидаги меъёрий хужжатларнинг ўзгаришини инобатга олиб, муаллиф, амалда ўз кучини сақлаб келаётган ва янги қабул қилинган меъёрий хужжатлар ҳақидаги маълумотларни қўйидаги ахборот порталларидан олишни тавсия этади: <http://www.ispor.org>, <http://www.ziyonet.uz>, [www.agros.uz](http://www.agros.uz), [www.gov.uz](http://www.gov.uz).[www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz), [www.gov.uz](http://www.gov.uz), [www.norma.uz](http://www.norma.uz), [www.lex.uz](http://www.lex.uz), [www.pharm-control.uz](http://www.pharm-control.uz).

Муаллиф ўқув қўлланама ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни, тавсияларни, хато ва камчиликларни ҳамда ўқув қўлланмани такомиллаштириш юзасидан берилган таклифларни мамнунийт билан қабул қиласди.

Ўқув қўлланама Фармацевтика институти магистратура талabalari ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланаётган мутахассислар учун мўлжалланган.

## **I БОБ** **ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ ФАНИГА КИРИШ,** **ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ МЕЗОНЛАРИ**

- 1.1. Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши бўйича иқтисодий сарф-харажатлар ва олиб борилаётган чора-тадбирлар таҳлили.
- 1.2. Фармакоиқтисодиёт фанига кириш, фаннинг мақсади ва вазифалари ҳамда ишлаб чиқаришдаги аҳамияти.
- 1.3. Фармакоиқтисодиёт бўйича ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида бажарилган ишлар таҳлили.
- 1.4. Фармакоиқтисодиёт фанининг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

### **Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши бўйича иқтисодий сарф-харажатлар ва олиб борилаётган чора- тадбирлар таҳлили**

Ҳозирги кунда халқимизнинг турмуш шароити ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигига мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро эксперталар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда “Дунёнинг энг баҳтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини баҳтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-үринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

Ўтган йили таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши

зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпdir.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида жадал ривожланиш кузатилмоқда.

Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларида вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий ташхислаш ҳамда даволаш ускуналари билан жихозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тиббий ёрдам қўрсатиш ва мавжуд касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалари сифатини янада ошириш стратегиясида фармақоиктисодиёт фанини ўрганиш ва ўқитиш муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” маъruzасида таъкидланганидек: “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг қуйидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар:

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши,

эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлик”<sup>2</sup>.

## **2. Фармакоиқтисодиёт фанига кириш, фаннинг мақсади ва вазифалари ҳамда ишлаб чиқаришдаги аҳамияти**

**Фармакоиқтисодиёт бу** – беморларни дори воситалари билан даволаш қийматини комплекс таҳлил қилиш.

Даволаш жараёнида дори воситаларининг қўлланишини, фармакологик самарадорлигини иқтисодий баҳолаш масалалари билан боғлаб шуғулланадиган фан фармакоиқтисодиёт деб аталади.

Фармакоиқтисодиёт алоҳида фан бўлиб, шифохона ва амбулатория шароитларида фармацевтика ёрдамини бериш талабининг ошиши унинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Бунда ёрдамнинг самарадорлиги, ҳаммабоплиги беморлар ҳаёти сифатини ошириш, ишлаш қобилиятини кўтаришга қаратилган бўлиши керак.

Фармакоиқтисодиёт тадқиқотлари дори воситаларидан фойдаланиш ҳамда даволашнинг муқобил – мумкин бўлган қарама-қарши икки ҳолдан бирини танлаб олиш заруриятини, яъни муқобил усусларнинг қийматларини таққослаш билан олиб борилади.

**Фармакоиқтисодий таҳлил** клиник-иқтисодий натижалар комплекси – шифохоналарда аксарият ҳолларда қандай дори воситаларидан фойдаланиш зарурлигини, бемор учун берилган энг яхши ва самарали дори воситасини аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, иккита даволаш усусларини таққослаш мумкинки, бунда ушбу даволаш схемасини қўллашда беморнинг соғлиғи яхшиланиши ҳамда касалликни даволаш учун аниқ воситаларни танлаш мумкин. Юқори самарали ва хавфсиз дори воситаси қўлланилганда даволаш муддати камаяди, умумий даволаш харажатлари тежалади. Бирга қўлланувчи дори воситалари ва уларнинг ножӯя таъсирлари камайиши ҳисобига касалликни бартараф этишга кетадиган харажатлар қисқаради. Бу эса касалликларни стационар ёки амбулатор шароитда даволашдаги

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь, № 243 (6678). 2-б.

харажатларнинг камайишига, беморни тезроқ соғайиши ва иш қобилиятини тиклаган ҳолда жамиятга қайтиши учун келтириши мумкин бўлган фойда ҳисобига эришиладиган ҳолатdir.

Дунё миқёсида касалликларни даволашга қилинаётган харажатлар ҳисобига дори воситалари истеъмоли ҳажми мунтазам ошиб бормоқда. Даволашнинг муқобил усуллари ёрдамида мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш зарур.

Хозирги кунда Дания, Буюк Британия ва Европанинг бошқа давлатларида ҳамда Россия Федерациясида фармакоиқтисодий изланишларга жиддий эътибор берилмоқда.

Фармакоиқтисод XX асрнинг 80 йилларида Канада, Буюк Британия ва АҚШда пайдо бўлиб, ҳозирги кунда турли давлатларда соғлиқни сақлаш тизимининг алоҳида йўналишига айланган. Фармакоиқтисод bemorlarни дori воситалari билан даволаш қийматини, даволашнинг муқобил усулларини комплекс ўрганишга доир илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, клиника текширувлари натижаларини таққослаш ёрдамида амалиётга самарали ва минимал сарф-харажатлар қилиб, максимал даражадаги даволаш усулларини татбиқ этади.

Минимал сарф-харажатлар деганда, нархи энг арzon дori воситаларини эмас, балки юқори самарали ва хавфсиз дori воситаларини тиббиёт амалиётида қўллаб, умумий даволаш сарф-харажатларининг қисқартирилишини тушуниш керак.

Фармакоиқтисод илмий тадқиқотлар натижасида ушбу фан усулларидан тўғри фойдаланиб, минимал сарф-харажатлар билан тиббиёт амалиётида қўлланилиши мақбул бўлган дori воситалари гурухларини аниқлаб беради.

Истеъмолчи ва касалликларни даволовчи шифокорлар учун самарали дori воситаларини тиббиёт амалиётида bemorlarга тавсия этиш имконияти яратилади.

Давлатнинг иқтисодий имкониятлари ҳамда замонавий тиббиётга зарур бўладиган дori воситаларини аниқлаб беришни ва сарф-харажатларни ўрганишни фармакоиқтисодиёт fani асосида тартибга солиш мумкин.

Фармакоиқтисодиёт (*pharmacoeconomics*) – касалликларни дori воситалари билан даволаш ҳамда бошқа тиббиёт ва фармацевтика хизматларида қўлланувчи дori воситалари самарадорлигини иқтисодий баҳолашга йўналтирилган фармацевтика фанидир.

Фармакоиқтисодиёт fani – дori воситаларининг самарадорлигини

ўрганиш, ножўя таъсирини билиш, нархларини таҳлил қилиш, ахоли ва давлат маблағларидан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш, дори воситалари таъминотини шу асосида такомиллаштириш қаби замон талабига жавоб берадиган вазифаларни ўрганади ва бажаради.

Фармақоиқтисодиёт – бу соғлиқни сақлаш тизимида беморларни дори воситалари билан даволаш қийматини таҳлил қилишдир.

Тиббиёт тизими энг ривожланган давлатларда асосий маблағлар касалликларни дори воситалари билан даволаш, bemorlar ташхиси, профилактика ишлари ва стационар даволашга йўналтирилади.

Фармақоиқтисодий таҳлил даволаш-профилактика муассасаларида аксарият ҳолларда қандай дори воситаларидан фойдаланиш зарурлигини, bemor учун берилган энг яхши, самарали ва хавфсиз дори воситасини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, иккита даволаш усулини таққослаш мумкинки, бунда ушбу даволаш схемасини қўллашда bemorning соғлиғи яхшиланиши ҳамда касалликни даволаш учун аниқ дори воситасини танлаш мумкин бўлади.

Фармақоиқтисодиётнинг ўрганувчи соҳа мақсадлари:

- камида икки хил кўринишдаги касалликларни дори воситалари билан даволаш усувларини солишиши асосида хулоса олиш;
- янги дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини аниқлаш;
- касалликларни дори воситалари билан даволаш ва ташхис қўйишида иқтисодий харажатларни ҳисоблаш;
- фармақоэпидемиология статистикаси фармақоиқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиб, бозорда янги ишлаб чиқарилган дори воситаларининг сегменти, заарлилик ва хавфсизлик даражаларини текшириш;
- бир гурух касалликларда дори воситаларининг клиник синовларини ҳужжатлаштириш.

Битта давлат ёки дунё миқёсида олиб қараганимизда, соғлиқни сақлаш тизими харажатлари, яъни даволашга кетадиган харажатлар доимий равишида ошиб бормоқда. Шунинг учун муқобил даволаш усувларини танлаш муаммосини ҳал қилишда иқтисодий омиллар асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда қуйидаги муҳим савол ўз

жавобини топишни талаб этади: дори воситаси акс эттирилган нарх даражасида самарадорликка эгами?

Дори воситаларини иқтисодий баҳолаш – бу нафақат муқобил даволаш усулларининг нархини солишириш, балки даволаш усулларининг клиник жараёнларини, янги дори воситасини қўллагандан унинг оқибатларини, шунингдек, барча асосий даволаш усули, дори воситалари билан бирга ишлатиладиган воситалар (тиббий буюмлар, тиббий техника: аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар ва мажмуалар), тиббий персонал харажатларини ўз ичига олган ҳолда бутун молиявий харажатларни баҳолашдир. Одатда, даволаниш жараёни даволашнинг самарадорлигига, хавфсизлигига кўра баҳоланади. Ушбу мақсадда аниқ касалликларни дори воситалари билан даволаш қўрсаткичлари бўйича даволаш натижаларини баҳолайдиган ёндашувлар ишлаб чиқилган. Масалан, GCP (Good Clinical Practice) стандарти. Шу билан бирга, юқорида қайд этилганидек, дори воситаларининг самарадорлигини ва хавфсизлигини баҳолашда иқтисодий тамойилларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Давлатнинг иқтисодий имкониятлари ҳамда замонавий тиббиётга бўлган эҳтиёжи даражасининг мутаносиблиги фармакоиқтисодий изланишлар асосида тартиба солинади. Фармакоиқтисодиётнинг мақсади минимал иқтисодий харажатларда максимал клиник самарадорликка эришишни таъминлашдир.

Умумий даволаш харажатларидан тежаш – бу юқори самарали ва хавфсиз дори воситасини қўллагандан кейин даволаш муддатининг камайишига, бирга қўлланувчи дори воситаларни ва ножӯя таъсирлари камайиши ҳисобига уларни бартараф қилишга кетадиган харажатлар қисқаришига, стационар ёки амбулатор шароитда даволашдаги харажатларнинг камайишига, bemорни тезроқ соғайиши ва жамиятга иш қобилиятини тиклаган ҳолда қайтиши учун келтириши мумкин бўлган фойда ҳисобига эришиладиган ҳолатdir.

Фармакоиқтисодиётнинг алоҳида фан бўлишига сабаб, шифохона ва амбулатория шароитларида фармацевтика ёрдамини беришга талабнинг ошишидир. Бунда ёрдамнинг самарадорлиги, ҳаммабоплиги bemор ҳаёти сифатини ошириш, ишлаш қобилиятини кўтаришга қаратилган бўлиши керак.

**Фармакоиқтисодиётнинг мақсади минимал иқтисодий**

харажатлардан максимал клиника самарадорлигига эришишни таъминлашдир. Таъкидлаш лозимки, минимал харажатлар дейилганда дори воситаларининг энг арзони назарда тутилмайди. Фармакоиқтисодиётда асосий мақсад дори воситалари қийматидан, нархидан тежаш эмас, балки юқори самарадорликка эга ва хавфсизроқ дори воситасини қўллаган ҳолда умумий даволаш харажатларидан тежашга ҳаракат қилишдир.

Фармакоиқтисодиёт фанини ўрганиш асосида даволаш-профилактика муассасаларида қўлланадиган асосий дори воситалари рўйхатини, шунингдек, Республика, вилоят, шаҳар, туман стационарлари, барча даволаш-профилактика муассасаларидаги ҳар бир касаллик тури учун дори воситаларига бўлган ўртача талаб моделини ишлаб чиқиш мумкин. Бу эса, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган маблағларни иқтисод қилиш, керакли, зарурӣ ўринларга сарфлаш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилашда, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишида муҳим аҳамиятга эга.

Фармакоиқтисодиёт фанининг вазифалари камида икки хил кўринищдаги даволаш усулларини солишириш асосида, фармакотерапевтика хulosасини олиш, янги дори воситаларининг хавфсизлиги, самарадорлигини аниқлаш, касалликни дори воситалари билан даволаш ва ташхис қўйишида иқтисодий харажатларни ҳисоблаш, фармакоэпидемиология, статистика ҳамда дори воситаларини бир гурӯҳ касалликларда клиника синовларини ҳужжатлаштириш каби долзарб масалаларни ўргатишидир.

*Фанни ўқитишидан мақсад* фармацевтика фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш учун малакали бошқарувчи кадрларни тайёрлаш ва ушбу мақсадга эришиш учун фармакоиқтисодиёт фани бўйича билим, кўникмаларни шакллантириш асосида республика аҳолиси ҳамда даволаш-профилактика муассасаларининг дори воситалари, тиббиёт буюмларга бўлган талабини қондиришда самарали, ножӯя таъсири кам, арzon нархлардаги дори воситаларини таъминлашни оптималлаштириш ва уни ривожлантиришни ўргатишидир.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан бўйича мажмуавий билим, кўникмаларни шакллантириш асосида республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситаларига, тиббиёт буюмларига бўлган талабни самарали дори воситалари билан қондириш ҳамда уни ривожлантириш фаннинг асосий

вазифалари ҳисобланади.

Фармакоиктисодиёт фани вазифалари деганда, дори воситаларининг самарадорлигини ўрганиш, ножўя таъсирини билиш, нархларини таҳлил қилиш бўйича назарий билимлар, амалий кўникмалар, дори воситалари таъминотига услубий ёндашув тушунилади.

Фармакоиктисодиёт фани вазифалари бўйича дори воситаларининг самарадорлигини таҳлил қилиш, ножўя таъсиrlарини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва келиб чиқиш сабабларини билиш, дори препаратлари, тиббий буюмларнинг оммабоп нархлари ҳақида аниқ ва равshan тушунчани ҳосил қилишни ўрганиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

Фармакоиктисодиётнинг мезонларини, асосларини, фармакоэпидемиологиянинг асосларини, фармакологик назорат тизими, фармакоинформатика асослари, дори воситаларининг самарадорлиги, қиймати, нархлари ва ножўя таъсирини, бевосита тиббий харажатлар, нотиббий харажатлар таҳлилини билиши ва улардан фойдалана олиши лозим.

Дори воситалари истеъмолида касалланиш қиймати, харажатларни минималлаштириш қийматини таҳлил қилиш, ўтказилган таҳлилларнинг бюджетга ва bemorlarга иқтисодий таъсири методологияси бўйича кўникмаларига эга бўлиш керак.

### **1.3. Фармакоиктисодиёт бўйича ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида бажарилган ишлар таҳлили**

Фармакоиктисодиёт бўйича сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research, Lawrence Square Blvd South, Lawrenceville (АҚШ); Center for Pharmacoeconomic Research, Department of Pharmacy Practice and Pharmacy Administration, College op Pharmacy, University of Illinois at Chicago (АҚШ); University of Southern California Center for the Health Professions, Los Angeles (АҚШ); Center for Pharmacoeconomic and Outcomes Research, Lovelace Respiratory Research Institute (АҚШ); Research Center for Economics and Health, Barcelona, Испания; Insaf Respiratory Research Institute, Wiesbaden (ГФР);

Department of Pharmacology, Delhi (Хиндистон Республикаси); Department of Chronic Diseases and Health Promotion, World Health Organization, Geneva, Switzerland (Швейцария Конфедерацияси)да тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги ишлар аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини самарали дори воситалари билан таъминлаш бўйича фармакоиқтисодий таҳлиллар олиб борилмоқда.

Ушбу муассасаларда фармакоиқтисодий таҳлиллар кенг тарқалган касалликлар мисолида ўтказилган. Булардан, бронхиал астма касаллигининг турли шаклларини даволашда “Рузам” дори препаратининг самарадорлиги статистик таҳлил ва ижтимоий сўровномалар асосида аниқланган (Россия, И.М.Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси). Статистика усулларига таянган ҳолда аҳолини дори воситалари билан таъминлашда импорт ўрнини босувчи дори воситаларини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларни таъминлашда нархлар оммабоп бўлиши асослаб берилган (Россия, Пятигорск давлат фармацевтика академияси).

Сил касаллигига ишлатилидиган дори воситаларида ABC таҳлили ўтказилган. Сўнг VEN-таҳлил усуллари ёрдамида 28 нафар шифокор билан сўровномалар ўтказилиб, истеъмол қилинган ҳаётий муҳим дори воситаларидан кам фойдаланилгани ва давлат маблағига биринчи ўринда сотиб олиниши лозим бўлган дори воситалари аниқланган (Россия, Кубанск давлат тиббиёт академияси). Ҳарбий тиббиёт муассасалари учун фармакоиқтисодий усуллар асосида юрак-қон томир тизими, сурункали гепатит В да ва антибиотик дори воситаларини танлаб сотиб олиш асослаб берилган (Россия, С.М.Киров номидаги ҳарбий тиббиёт академияси). Швеция давлатида дори препаратларини сотилиш ҳажми ўрганилганда, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касалликларида дори воситалари кўпроқ ёш беморлар томонидан сотиб олиниши маълум бўлди (Department of Health Sciences, Lulea Technical University, Lulea, Швеция).

J. Lexchin фармакоиқтисодий таҳлилларига кўра, бренд-препараталарни ишлаб чиқарувчилар нарх бўйича рақобатга эга эмаслиги, генерик дори воситалари оммаболиги асослаб берилган (Канада, Торонто, Emergency Department, University Health Network). Беморлар харажати камайганда ишлаб чиқарувчилар дори воситалари нархларининг жиддий тарзда камайиши (патентланган дори препаратлари учун) рақобатбардош генерик дори воситалари билан тўқнаш келган бренд-препаратлар нархи

тушиши кўрсатилган (АҚШ, Dartmouth College). Ҳиндистоннинг бета худудида дори препарати нархи ва оммаболиги ўрганилганда, энг кўп сотилаётган генерик дори воситалари ва энг паст нархдаги генериклар ҳақида маълумот келтирилган (Ҳиндистон, Department of Pharmacology, Valla Bhai Patel Chest Institute, University of Delhi). Формоторол ва сальметерол дори воситалари мунтазам қабул қилиниш ҳолатлари ўрганилганда аниқландики, катталар орасида формоторол ва сальметерол қўлланилганда ножӯя таъсир 5,1% беморларда, болалар орасида эса 1,3% ҳолатда қайд қилинган. Лекин бронхиал астма билан боғлиқ жиддий ножӯя таъсирлар кам учраган, даволаш билан боғлиқ ўлим ҳолатлари кузатилмаган (Community Health Sciences, University of London, Cranmer Terrace, London, Буюк Британия). Ўпканинг сурункали обструктив касаллигига чалинган bemorlarни даволашда комбинацияланган учлик терапия (сальметерол флутиказон, тиотропиум) қўлланилиши натижалари таҳлил этилганда, касалликнинг оғир даражалари мавжуд bemorларда агрессив дори воситалари терапиясига қараганда, комбинацияланган учлик терапия самаралигининг юқорилиги аниқланган (Рим, Италия, Division of Pulmonary Rehabilitation, San Raffaele Hospital, Velletri). Сўнгги йилларда дори воситалари билан таъминлашда фармакоиктисодий таҳлиллар дунё миқёсида ортиб бормоқда.

Адабиётларда турли мамлакатларда дори воситалари билан таъминланиш даражаси ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар олимларининг изланишлари дори воситалари истеъмолини такомиллаштириш ва фармакоиктисодий таҳлилларга бағишлиланган. Ушбу йўналишда фармакоиктисодий таҳлиллар олиб борган W. Petti, W.W. Farr, K. Arrow, M. Fridmann, A.D. Tice, W.G. Scot, D.A. Hughes, А. Г. Чучалин, Р.И. Ягудина, Е.А. Ушкановай, С.А. Парфейников, С.В. Овчаренко, А.И. Овод, Н.Р. Ляминнинг фармакоиктисодий таҳлиллари муҳим аҳамиятга эга. Э.Р. Тошмуҳамедов, А.Н. Юнусходжаев, Х.С. Зайнутдинов ва бошқа ўзбек олимлари томонидан аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашни оптималлаштириш ҳамда истеъмол истиқболларини баҳолаш ишлари амалга оширилган.

Мисол учун, юрак-қон томир касалликлари ва шу жумладан, артериал гипертензиянинг профилактикаси ва терапиясида қўлга киритилган жиддий муваффақиятларга қарамасдан, бу касалликлар

дунёning бошқа мамлакатларида ҳам ўлим сабабларининг асосийларидан бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш мутахассислари томонидан жиддий ўрганишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам инглиз тилида сұхбатлашадиган давлатларда артериал гипертензия “*silent killer*” деб, сўзма-сўз таржима қилинганда – “тинч қотил” деб номланади. Сабаби, у кўп ҳолларда симптомсиз кечади ва артериал гипертензиянинг хавфли асоратларига, масалан, миокард инфаркти, инсульт, сурункали юрак етишмовчилигига олиб келади.

НОТ (Hypertension Optimal Treatment) [Zanchetti A., et al.] тадқиқотига тегишли 19 минг бемордан 4 йил мобайнида олинган материалларда аниқланганки, юрак-қон томир асоратлари (инсульт ва миокард инфаркти)га учраш тезлиги диатсолик артериал босимни 82 мм. сим. устунигача туширганда камайган. Юрак-қон томир касалликлари сабабли содир бўлган энг кам ўлим ҳолатлари системик артериал босимни 138 мм. сим. уст. гача (диатсолик артериал босим – 86 мм. сим. уст.) туширганда аниқланган.

Артериал гипертензиянинг кардиоваскуляр касалланиш ва ўлимга таъсирини текшириш бутун дунёда жиддий тарзда олиб борилмоқда. Артериал гипертензия юрак-томир континууми учун фундаментал негиз ҳисобланади ва турли касалликлар ҳамда асоратлар ривожланишига салбий таъсир қилувчи қатор сабаблари боғлиқликларига олиб келади. Россия Федерациясида артериал гипертензиянинг кенг тарқалганлиги (катта ёшдаги аҳолида 40%) юрак-томир асоратлари ривожланишининг юқори тезлигини, шу жумладан, ўлимга олиб келишини белгилайди. Айнан артериал гипертензия юракнинг ишемик касаллиги ва инсульт ривожланиши хавфини 2-3 марта оширувчи ва юрак-қон томир касалликлари сабабли ўлимга сабабчи бўлувчи етакчи омил ҳисобланади.

Италияда антигипертензив дори препаратлари харажатлари 56% га яқинлашади (Great study). Европанинг бошқа давлатларида ва Шимолий Америкада артериал гипертензияга хос харажатларнинг фоизи нисбати бир хил бўлиб чиқди. Шу сабабли, артериал гипертензияни ва унинг асоратларини коррекциялашнинг кам харажатли ва самарали услубларини излаш миллий соғлиқни сақлаш тизими учун энг устувор ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, антигипертензив терапия рентабеллигига bemорларнинг ёши ҳам таъсир қиласи – даволашдаги энг юқори самара, ўрта ва катта ёшлардаги bemорларда қайд қилинган,

минимал самара эса – кичик ёшдаги беморларда. Масалан, артериал гипертензияли 45 ёшгача бўлган эркакларда дастлабки диастолик артериал босим 95-99 мм. сим.уст. бўлган ҳолатда сақлаб қолинган бир йил умр нархи 106,849 АҚШ долларини, 45-69 ёшларда – 4,658 долларни, 69 ёшдан катталарда – фақат 1,918 долларни ташкил қилди.

Тўртта антигипертензив воситалар намоёндалари (аналаприл, амлодипин, ацебуталол ва хлорталидон) билан артериал гипертензиянинг даволашни фармакоиқтисодий баҳолашда даволашнинг умумий нархи ҳисобланди. Бунда дori воситаларига кетган харажатларни ҳисоблаш, даволашни назорат қилиш, ножўя таъсирлар ва асоратларни коррекциялаш, шунингдек, ноўрин танланган дori препарати натижасида bemорларни бошқа терапияга ўтказиш учун керакли бўлган қўшимча харажатларни таҳлил қилиши ўз ичига олади. Амлодипин олган bemорлар артериал босимнинг меъёр кўрсаткичларига тезроқ эришган бўлса ҳам, диуретик хлорталидон олган гуруҳ bemорларида харажатлар анча кам (641 АҚШ доллари) бўлиб чиқди. Бошқа антигипертензивлар билан олиб борилган умумий нарх юқори бўлди – ацебуталол, амлодипин ва эналприл гуруҳларига мос равища 920, 946 и 948 АҚШ долларини ташкил этган.

АҚШда 133 624 нафар кекса (65 ёшдан катта) ёшдаги bemорларга тайинланган дori воситаларини кенг текшириш амалга оширилиган. Бунда 2,05 млн. рецепт, дori воситалари нархлари ўрганилганда аниқландики, рецептлар бўйича сотиб олинган 115 хил дori воситалари нархи 48,5 млн. долларни, яъни ҳар бир bemорга 363 долларни ташкил этган. Артериал гипертензияни даволашнинг исботловчи тиббиёт тамойилларига асосланган тавсиялар билан таққосланганда, 40% ҳолатларда bemорлардаги дori воситалари тавсиялари оптимал эмас, дея хулоса қилинган. Артериал гипертензияни даволаш иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи ҳолат бу нафақат дori воситаси нархига, балки унинг самарадорлигига, хавфсизлигига, дозалаш қулайлигига, метаболик параметрлар ва ёндош касалликлар таъсирига ҳам боғлиқ. Артериал гипертензияни даволаш харажатлари структурасида госпитализацияга кетган сарф-харажатнинг 30% ни, антигипертензив дori препаратлари харажати 50% ни ташкил қилиши сабабли, нафақат клиник, балки фармакоиқтисодий

самарадорлик нұқтаи назаридан оптимал дори воситасини танлаш мұхим тиббий ва ижтимоий вазифалар ҳисобланади.

Global Burden of Disease лойиҳасида систолик артериал босимнинг 115 мм. сим. устунигача күтарилганида турли касалликларнинг ривожланиши таҳлил этилганда аниқланғанки, 200 йилда АҚШда барча ўлим ҳолатларининг деярли 12,8 фоизи (7,12 миллион одам), шунингдек, ногиронлик сабабли “умрнинг йўқотилган йиллари” 4,4 фоиз артериал босим ошиши билан боғлиқ бўлган.

Турли гурухдаги антигипертензив воситаларнинг клиник иқтисодий самараси ҳақидағи маълумотлар турлича ва бир-бирига зид. Масалан, артериал гипертензияни назорат қилиш бўйича Буюк Британия тавсияномаларида адреноблокаторларни артериал гипертензияни даволашда биринчи қатордан олиб ташлаш лозимлиги ўқтирилган, шунингдек, артериал гипертензияни даволашнинг биринчи терапиясида қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ эмаслиги айтилган.

АҚШда енгил ва ўртамиёна артериал гипертензиясиға эга беморларда 5:1 нисбатдаги дозаларда каптоприл терапиясидан лизиноприл терапиясиға ўтиш дастурини 4 йил мобайнида амалга ошириш 287 231 \$ тежамкорликни берган.

Амлодипин (“Фармлэнд”) дори воситасини фармақиқтисодий параметрлари ва клиник самарадорлиги бўйича бошқа антигипертензив дори препаратлари билан солиштириш тадқиқотларида аниқланғанки, нарх-самара услубида фармақиқтисодий таҳлил ўтказилганда харажат самарадорлиги коэффициенти бўйича амлодипин эналаприлнинг иккита дори препаратларидан (“Берлиприл” ва “Эналаприл”- “Фармлэнд”) фарқ қилмади. Бу ҳолат амлодипинни артериал гипертензияни даволаш учун танлов дори препарати сифатида қараш имконини берди. Амлодипиннинг клиник самараси бўйича кардиолипин ҳам унга ўхшашиб чиқди. Амлодипин кардиолипинга қараганда 3 марта, норваскга солиштирганда 4,5 марта арzonлигини инобатга олсак, амлодипинни кенг қўллашга тавсия қилиш мумкин. Амлодипин систолик артериал босим ва диастолик артериал босим кўрсаткичларини пасайтириш борасида кальций антогонитлари гурухидаги дори воситалари билан ўхшашиб кўрсаткичларга эга. Антигипертензив воситалар комбинациясининг эндотеиал дисфункцияга таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган

тадқиқотлар күрсатдикі, равел СР+Тенокс фармакотерапиянинг энг самарали варианти эканлигини күрсатди ва уни қўллаш нархининг кичикилиги сабабли тежамкор эканлиги, бундан ташқари, ушбу комбинация ўз ҳолати бўйича узоқ сақланиши мумкинлигини ҳам исботлади.

Артериал ноқисликни амбулатор шароитда бартараф қилиш учун “Каптоприл”, “Нифедипин”, “Моксонидин” ишлатилиши мумкин. Каптоприлнинг 25 мг. дозадаги 40 та таблеткаси нархи 810 беларус рублига teng. Нифедипин “Кордафлекс” қўлланилганда – 728 беларус рубли (10 мг. №50, 36 400 беларус рубли), “Моксонидин” – 4590-9180 беларус рубли (0,2 мг. №30, 137 700 беларус рубли) (нархлар 2015 йил учун келтирилган). Тез тиббий ёрдам чақириш 179 000 беларус рублига teng. Тез тиббий ёрдам томонидан дори воситалари билан ёрдам кўрсатиш ўз ичига қўйидаги дори препаратларини олади: “Фуросемид”, “Диазол”, “Магний сульфат”, “Дроперидол”, “Пропранолол”.

Гипертоник кризисни “Фуросемид” билан бартараф қилиш нархи 1490-2980 беларус рублига, “Диазол” билан – 2170-4340 беларус рублига, “Магний сульфат” билан – 2040-4080 беларус рублига, ”Дроперидол” билан – 4300-8600 беларус рублига, “Пропранолол” билан – 10700-21400 беларус рублига teng. Шприцлар нархи: 1 дона 10 мл. – 1500 беларус рублини, 1 дона 5 мл. – 2000 беларус рублини ташкил қилган (нархлар 2015 йил учун берилган). Агар бемор госпитализация қилинган бўлса, 1 нафар bemorni даволаш учун кетадиган харажат 3 299 437 беларус рублини ташкил қиласи, шулардан тиббий ходимлар иш ҳақи – 1 964 798 беларус рублини, коммунал харажатлар – 207 109 беларус рублини, овқатлантириш – 198 490 беларус рублини ташкил қилган. Стационарда дори воситалари учун кетган харажат 458 440 беларус рублига, текшириш харажатлари – 470 600 беларус рублига teng бўлган. Шундай қилиб, bemorларни мустақил тарзда гипертоник кризисни бартараф қилишга ўргатиш тез тиббий ёрдам чақириш ва стационар даволашда сарфланадиган 179 000 дан 3 299 437 беларус рублигача тежаш имконини беради.

Артериал босим билан боғлиқ юрак-қон томир касалликларини даволаш, артериал гипертензияни дори воситалари билан даволашга қараганда катта харажатларни (инсультларни даволаш 51%, миокард инфарктини даволаш – 47%, антигипертензив дори воситалари – 2%) талаб қиласи. Самарали

антигипертензив дори воситалари билан даволаш юрак-қон томир асоратлари ривожланишини 10-30% га камайтириш имконини беради, бу артериал гипертензияни даволашда сезиларли фармакоиқтисодий фойда олишга имкон беради.

Артериал босимнинг мақсадли даражалариға самарали эришиш учун комбинирланган даволаш айнан фиксацияланган комбинациялар учун муҳим аҳамиятга эга. Фиксацияланган комбинацияларни қўллашнинг фармакоиқтисодий жиҳатини таъкидлаш жоизки, одатда комбинацияларга солиштирганда фиксацияланган комбинацияларнинг нархи bemорлар учун паст бўлади.

Артериал гипертензия даволашнинг иқтисодий самарасини аниқлаб берувчи омил бўлиб, дори препаратини танлаш катта таъсир кўрсатади. Бунда белгиланганки, артериал гипертензияни узоқ вақт даволашда анча фойдали нархли самара нисбатига блокаторлар ва диуретиклар эга. Лекин антигипертензив даволаш иқтисодий самараси қандайдир гуруҳга тааллуқли маълум бир дори препаратининг баҳоси билан аниқланади, бунда бу дори препаратининг ёндош касалликларга таъсири ва юрак-қон томир асоратлари ривожланиши хавфни омиллари ҳисобга олиниши лозим.

Юқоридагилардан хulosа қилиш мумкинки, антигипертензив даволашнинг фармакоиқтисодий самарадорлигини аниқлаш замонавий кардиологиянинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бу артериал гипертензиянинг жиддий юрак-қон томир асоратларининг юқори учраш тезлиги билан боғлиқ ва ушбу асоратларни даволаш катта пул маблағларини талаб қиласди. Диастолик артериал босимнинг дастлабки юқори даражаси кекса ва ёш bemорларнинг антигипертензив даволашга адекват мойиллиги, шунингдек, артериал гипертензияни ташхислаш учун артериал босимни қунлик назорат қилишни қўллаш ҳамда олиб борилаётган даволашни назорат қилиш даволаш рентабеллигини таъминлаб беради.

Хорижий мамлакатлар тадқиқотларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бундай мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш учун иқтисодий ривожланган давлатларда у ёки бу терапиянинг самарадорлик кўрсаткичларини фармакоиқтисодий таҳлил қилишнинг қиёсий услублари кенг қўлланила бошланди.

Фармакоиктисодий таҳлиллар касалликларда қўлланиладиган дори воситаларининг самаралиги клиника кузатувлари ва ижтимоий сўровномалар асосида, самарали дори воситаларини ишлаб чиқариш ва хориждан сотиб олишни асослаб беради.

Фармакоиктисодий таҳлиллар асосида дори воситаларининг самарадорлиги, ножўя таъсирлари ва нархлари, турли хил касалликларнинг даволаниш қиймати ҳамда дори воситалари истеъмолини такомиллаштириш бўйича фармакоиктисодий таҳлиллар олиб борилади.

Фармакоиктисодиёт фани зиммасига Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги дори воситалари таъминотини тўғри ташкил қилиш, касалликлар, шакллантириш, ривожлантириш ва мувофиқлаштириш жараёнлари киради.

Ҳамма соҳалар ва тармоқлар каби фармацевтикада рақобатнинг ўсиб бориши шароитида дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ҳамда савдоси билан шуғулланувчи фирмалар фармацевтика бозорида ўз дори воситаларини янада қўпроқ сотиш ва мавқеини ошириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жаҳоннинг қўпгина мамлакатлари аҳолиси орасида кенг тарқалган касалликларни самарали дори воситалари билан таъминлаш тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, кенг тарқалган касалликларда қўлланадиган дори воситаларининг самарадорлигини аниқлашни ўрганиш, нархларини объектив таҳлил қилиш, ножўя таъсирларининг олдини олиш ва таъминотини такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишда фармакоиктисодиёт фани бўйича назарий билимлар ўкув режа ва фандан келиб чиқсан ҳолда олиб борилади.

Дори воситаларидан самарали фойдаланиш, даволаш сифатини юқори даражага кўтариш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш, маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилади. Энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган дори препаратларини ҳисобга олган ҳолда фармакоиктисодий таҳлилларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири – тиббиёт амалиётида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш. Фармақиқтисодёт тадбирлари бугунги кунда юқори самарадорликка эришиш учун кетган сарф-харажатларни ҳисоблашга асосланган дори воситаларини танлашни осонлаштирувчи омилдир. Шу муносабат билан дори воситаларидан оқилона фойдаланиш, даволаш сифати ва иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида касалликлар бўйича фармақиқтисодий изланишлар олиб бориш зарурати ошиб бормокда. Фармақиқтисодиёт фанини ўрганиш дори воситалари билан даволаш стандартлари ва формуляр рўйхатлар тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

#### **1.4. Фармақиқтисодиёт фанининг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Бўлғуси ёш фармацевт кадрлар олдига қўйилган мақсадларга эришишлари учун ўзгарувчан бозор шароитида янгича тафаккур асосида фаолият юритишлари, замонавий билимларга эга бўлишлари ва етук фармацевт мутахассис бўлишлар учун зарур дори воситалари фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқаришга тавсия этилиши борасида Фармақиқтисодиёт фани орқали мукаммал билиб олишлари лозим. Зеро, янги дори воситаларининг яратилиши ва амалиётга татбиқ қилинишида фармақиқтисодий таҳлил натижаларининг баҳолангандиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш талаб этилади. Изланишлар янги дори воситасининг қиймати ва самарасини баҳолашда бошқа мавжуд дори препаратларидан устунлиги ҳақида кенг ва ишончли маълумотларга эга бўлишни тақозо қиласди.

“Асосий дори воситалари рўйхати”га ва даволаш-профилактика муассасалари формулярига янги дори воситаларини киритишда фармақиқтисодиётдаги илмий изланишлар ва таҳлил натижалари илова қилинади.

### **Хулоса**

1. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган чоратадбирлар, фармақиқтисодиёт фанига кириш, фанинг мақсади ва вазифалари, фармақиқтисодиёт бўйича ривожланган

мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот институтларида бажарилган ишлар аҳамияти таҳлил қилинди.

2. Фармақиқтисодиётнинг асосий мезонлари, таърифи, баҳолаш мезонлари, соғлиқни сақлашда дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника истеъмоли бўйича бюджетдан ва бюджетдан ташқари маблағлар, фармақиқтисодиёт тиббиётнинг таркибий қисми сифатида ҳамда фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ёритилиб берилди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида қисқача маълумот беринг.

Фармақиқтисодиёт фанига кириш ва унинг аҳамиятига изоҳ беринг.

3. Фаннинг ўзига хос мақсади ва вазифаларини таърифланг.

4. Қандай фармақиқтисодиёт бўйича ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида бажарилган ишларни биласиз?

5. Фармақиқтисодиётнинг асосий мезонлари, таърифи, баҳолаш мезонларига шарҳ беринг.

6. Соғлиқни сақлашга бюджетдан ва бюджетдан ташқари маблағлар таҳлилига мисоллар келтиринг.

7. Қайси йиллардан фармақиқтисодиёт тиббиётнинг таркибий қисми сифатида ривожланган?

8. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни қандай?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

2. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.

3. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа», 2007, 335 с.

4. Побочное действие лекарств: Учеб. пособие для

самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация» / Л. В. Яковлева, Н. В. Бездетко, О. А. Герасимова и др. – Харьков, 2008, 5 с.

5. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

6. Рузиев К.Р. Қон босими ошиши касаллигига қўлланадиган дори воситаларининг фармақиқтисодий тадқиқотлари // 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019 йил, 92 б.

7. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

8. Юнусходжаев А.Н., Шаисламов Б.Ш., Алиходжаева М.И. Осложнения лекарственной терапии. Издательство «Fan va texnologiya», – Ташкент, 2014, 355 с.

9. Яковлева Л.В., Бездетко Н.В., Герасимова О.А., Мищенко О.Я., Ткачева О.В., Беркало Н.Н. Побочное действие лекарств / Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация». – Харьков: НФау, 2008, 5с.

10. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446 p.

11. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

12. <http://www.Lex.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

13. <http://www.ziyonet.uz>

14. <http://www.ispor.org>

15. <http://www.minizdrav.uz>

## II БОБ

# ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ ВА УНДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР МЕЗОНЛАРИ

2.1. Фармакоиқтисодёт фанининг ривожланиш даври ва босқичлари таҳлили.

2.2. Дори воситалари истеъмолида ва касалликларни даволаш жараёнида фармакоиқтисодиётда қўлланиладиган харажатлар мезонлари.

2. 3. Беморларни даволашда бевосита ва билвосита харажатлар таҳлили.

### **1. Фармакоиқтисодёт фанининг ривожланиш даври ва босқичлари таҳлили**

Фармакоиқтисод иқтисодиётнинг асосий принципига таянади. Унинг маъноси шундан иборатки, жамият ресурслари чекланган ва шунинг учун ушбу ресурсларни ишлатишга қаратилиши керак.

Фармакоиқтисодий таҳлил нафақат дори препаратлари нархини, балки соғлиқни сақлашга ёрдам берадиган барча ресурсларни қўллашни ўз ичига олган ҳолда турли тартибдаги даволаш баҳоси ва оқибатларини ҳам аниқлаши керак. Микробларга қарши давони таъминлаш учун ушбу принципларни қўллаш масалаларнинг изчилиги ҳақидаги алоҳида фикрни тақозо этади. Даволанишга ким муҳтож? Қайси дори препаратлари, уларнинг дозалари, юбориш услублари, даволаш давомийлиги энг яхши? Даволаш натижалари ҳақида биз қандай маълумотларга эгамиз? Бу саволларнинг ҳар бирига жавоб бериш осон эмас, лекин иқтисодий таҳлил мутахассис учун мавжуд бўлган альтернативлар нархини ва оқибатларини аниқ белгилаш имконини беради.

Фармакоиқтисодиёт ўтган асрнинг 80-йилларида Канада, Буюк Британия ва АҚШ каби давлатларда пайдо бўлиб, секин-аста изланишлар натижалари умумлаштирилиб, соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида йўналишга айланиб бормоқда. Илк изланишлар соғлиқни сақлаш тизими дори воситалар истеъмолининг иқтисодий баҳолаш усуллари сифатида ўрганилган. Кейинчалик, яъни XX асрнинг 90-йилларида изланишлар яхши натижалар берганлиги

туфайли ва соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий баҳолаш мұхим үрин тута бошланганидан сўнг фармацевтика соҳасига “Фармакоиқтисодиёт” атамаси кириб келди.

Ўтган давр мобайнида қилинган ишлар маҳсулі сифатида АҚШ соғлиқни сақлаш тизими, тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий товарлар ишлаб чиқарувчи ассоциация (U.S. Health and Human the Health Outcomes Work Group of Pharmaceutical Research Manufacturer's Association) томонидан таъсис этилган ISPOR (International Society of Pharmacoeconomics and Outcomes Research) – халқаро фармакоиқтисодий изланишлар ташкилотини келтириш мумкин. Бу ташкилот бутун дунё бўйича фармакоиқтисодий изланишларни молиялаштиради, олинган натижаларни йигади ва умумлаштиради.

Ташкилот томонидан 1998 йил февраль ойида ўтказилган илмий-амалий учрашув ва анжуманда фармакоиқтисодиёт бўйича услугий қўлланмалар мұхокамадан ўтказилган ҳамда тасдиқланган. Бу услугий қўлланмалар ёрдамида фармакоиқтисодий изланишларни ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш ва соғлиқни сақлашда якуний хulosалар чиқаришда кўмаклашадиган ахборот базаларидан фойдаланиш мумкин. Фармакоиқтисодиётнинг Европадаги ривожи ҳақида маълумотларни шу соҳага улкан хизматлари синган М. Друммонд тўплаган ва унинг билдиришича, Европа давлатларида бу соҳа соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган сиёсатга боғлиқ.

Илгари Европа давлатлари қонунчилигида дори воситаларига нарх белгилаш бўйича иқтисодий асос йўқ эди. Бироқ яқинда бир қанча Европа давлатларида фармакоиқтисодий изланишлар ўтказиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Европа ҳамда АҚШда фармакоиқтисодий изланишлар, шунингдек, ўтказиладиган фармакоиқтисодий изланишларнинг умумий сони ва қўлланиладиган таҳлил усуслари ўрганилади. Натижалар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин. Баъзи давлатларда фармакоиқтисодий таҳлиллар расмий идоралар томонидан сўралмоқда. Масалан, Россия Федерациясининг кўп шаҳарларида фармакоиқтисодий изланишлар ўтказилмоқда ва уларнинг натижалари матбуотда бериб бориляпти. Россияда фармакоиқтисодиётнинг ривожланишида шу соҳадаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик мұхим ҳамда катта үрин тутмоқда. Шунинг билан бирга, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги ва

умумий методологик базанинг мавжуд эмаслиги соҳа ишини орқага суряпти.

1999 йилнинг 22-23 ноябрида Москва шаҳрида биринчи – “Фармакоиқтисодиёт – учинчи минг йиллик бўсағасида” мавзусида Умумrossия конгресси ўтказилди.

Умуман олганда, Россия Федерациясида фармакоиқтисодий таҳлиллар сўнгги йилларда ривожланиб бормоқда. Буни Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш вазирлиги ҳамда Тиббиёт Федерал Фонди билан биргаликда дори воситалари билан таъминлашда, уларнинг сифатини яхшилаш учун ва мувофиқ фойдаланиш бўйича илмий асосланган ислоҳотлар ўтказишда фармакоэпидемиология ҳамда фармакоиқтисодий илмий ёндашувларга таянганда кўришимиз мумкин. Умуман олганда, Европа давлатлари ҳукуматлари фармакоиқтисодий изланишларга жуда жиддий ёндашмоқда.

1998 йил охирида Москва шаҳрида Россия Академиясининг Тиббиёт Фани қошидаги Онкология марказида биринчи марта “Россияда фармакоиқтисодиёт – биринчи тажриба” мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Анжуман онкологик касалликларни даволашда фармакоиқтисодиётнинг асосий муаммоларига бағишлианди. 1999 йилнинг апрель ва ноябрь ойларида “Человек и Лекарство” конгрессида ва Россия Давлат тиббиёт университетида фармакоиқтисодиёт бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилди. Бу каби илмий изланишлар жадал давом этмоқда.

1-моделда Европа давлатлари ҳукуматлари томонидан фармакоиқтисодий изланишларга жуда жиддий талаб берилиши келтирилган.

Данияда формулярга янги дори воситаларини киритишда Дания тиббий агентлигига фармакоиқтисодий изланишлар натижалари илова қилинади. Бундай келишув дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мақсади дори воситалари харажатларини қисқартиришdir.

## 1-модель. Европада фармақиқтисодий изланишлар таҳлили



Буюк Британияда соғлиқни сақлаш департаменти томонидан клиник афзаллик миллий институти (NICE – National Institut for Clinical Excellence) ташкил этилган. Бу институт ҳар йили янги дори воситалари ва технологияларини түлиқ баҳолайды. National and Clinical Excellence изланишлари натижаларига кўра янги технологиилар, дори воситаларини мувофиқ қўллаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилади.

Нидерландияда тиббий суғурта фонди 1999 йил ўрталаридан янги дори воситаларига қўшимча иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги маълумотларни талаб этмоқда ва шу каби ишлар ҳозирги кунгача такомиллаштирилмоқда.

Португалия янги қонунида дори воситалари харажатларини қоплаш масалалари билан шуғулланувчи агентлик “Intramed” дори воситасини формулярга киритишда иқтисодий экспертиза хulosасини талаб қиласди.

Финландияда 1998 йилдан дори воситалари учун улгуржи нарх белгилашда, фармацевтика компанияларидан фармакоиқтисодий баҳолангандиги ҳақида маълумотларни ҳам тақдим этиши талаб этилган. Изланишлар янги дори воситасининг қиймати ва самарасини баҳолашда бошқа мавжуд дори препаратларидан устунлиги ҳақида кенг ва ишончли маълумотларга эга бўлиши керак.

## **2.2. Дори воситалари истеъмолида ва қасалликларни даволаш жараёнида фармакоиқтисодиётда қўлланиладиган харажатлар мезонлари**

Харажатлар – мезонлари, тоифалари, даражалари бўйича бевосита тиббий ва нотиббий харажатларга ажратилади.

Бевосита тиббий харажатлар қуйидагилардан иборат.

1. Бевосита тиббий харажатлар, даволаш учун тўғридан-тўғри қилинган харажатлар.
2. Дори воситалари, тиббий буюмлар.
3. Лаборатор ва ташхис учун текширувлар.
4. Шифокор ташрифи.
5. Тиббий манипуляциялар, аралашувлар, операциялар ва бошқа даволаш муолажалари.

Билвосита харажатлар қуидагилардан иборат.

1. Номатериал харажатлар.
2. Касалликни даволаш жараёнидаги қўшимча харажатлар, чиқимлар.
3. Овқатланиш ёки даволаш парҳези учун харажатлар.
4. Беморни транспортда ташиш, шифохонага олиб келиш.
5. Касалхона койкасида бўлиш учун сарф-харажатлар.
6. Махсус кийимлар ва материаллар.

Билвосита харажатлар, bemor ёки bemorni парвариш қилаётган шахсларнинг меҳнатга лаёқатлилигининг камайиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ харажатлар:

Касаллик варақаси бўйича пул тўлаш.

Бемор томонидан меҳнатга лаёқатлилигининг камайиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ моддий чиқимлар, иш ҳақи йўқотишиларидан иборат.

Бир сўз билан айтганда, бу тоифадаги харажатлар bemorning ҳаёт сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳаёт сифати атамаси – bemorning жисмоний, ижтимоий ва эмоционал ҳолати, шунингдек, руҳий қобилиятини акс эттиради. Кўпинча даволашнинг ҳаёт сифатига таъсири махсус сўровнома саволлари асосида баҳоланади ва bemorлардан сўровнома оладиган шахс томонидан тўлдирилади. Сўровномани таҳлил қилган ҳолда bemorning соғлиғи, функционал имкониятларига нисбатан ўзининг фикри, аҳволининг умумий ижобийлашувига бўлган нуқтаи назари баҳоланади.

Фармакоиқтисодий таҳлил ўтказиш маълумотларнинг 2 та асосий гуруҳини қўллашга асосланади, яъни харажатлар ва самарадорлик кўрсаткичлари. Харажатлар бевосита, билвосита ва сезилмайдиган турларга бўлинади. Бевосита харажатларга дори воситалари, ташхислаш, даволаш, профилактика, касаллик варақаларини тўлаш ва бошқалар киради. Билвосита харажатлар ўз ичига меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик, вақтидан илгари ўлим ҳолатлари сабабли юзага келган ички маҳсулот йўқотишиларини олади. Сезилмайдиган харажатларга bemorning аҳволига ва ҳаёт сифатига таъсир қилувчи субъектив баҳоландиган даволаш жиҳатлари киради.

Фармакоиқтисодий таҳлилни қўллаш турли тиббий технологияларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини объектив

баҳолаш имконини беради ва натижада соғлиқни сақлаш ресурсларини оқилона ишлатишга шароит яратади ҳамда ахолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва фармакотерапия бўйича талабларни амалга оширишда ёрдамлашади.

Даволаш жараёнининг фармақоиктисодий томонини ҳар тарафлама баҳолаш учун сарф-харажатларнинг турли мезонлари қўлланилади.

Тиббиётда бевосита тиббий харажатларга – дори воситалари билан даволаш, текшириш ва таҳлил, даволаш муолажалари, шифокорлар меҳнати, bemornining даволаш муассасасидаги харажатларини ўз ичига олади. Бевосита нотиббий харажатлар, билвосита харажатлар ва моддий бўлмаган харажатлар мавжуд.

I. Бевосита тиббий харажатлар (*direct cost*) – бевосита даволашга алоқадор бўлиб, даволаш қиймати ва даволаш муассасаси харажатлари қиймати кўринишида бўлади.

Бевосита тиббий харажатлар манбаларига куйидагилар киради.

1. Ташхис қўйиш ва лаборатория тадбирлари.
2. Дори воситалари билан даволаш.

Қўшимча дори воситалари билан даволаш.

Қўшимча, турдош касалликларни даволаш.

Бемор томонидан даволаш тартибига амал қилмаслик харажатлари.

Дори воситалари ва унинг ўринбосари ёки генерикларининг ножӯя таъсирларини ўрганиш.

7. Даволаш курси, муддати – даволаш муассасасида бўлиш қиймати.

8. Олий ва ўрта маҳсус маълумотли тиббиёт ходимлари хизмати.

9. Жарроҳлик аралашуви.

10. Реабилитация – қайта тикланиш.

Беморларга ғамхўрлик қилиш.

Одатда, бу харажатлар бюджет ҳисобидан ёки bemornining ўзи томонидан қопланади.

II. Бевосита нотиббий харажатлар, хўжалик харажатлари – bemor тиббий хизмат олиши учун ҳамма харажатларни ўз ичига олади. Масалан, bemorni шифохонагача етказиш, хусусий парҳез харажатлари киради.

**III. Билвосита харажатлар (indirect costs) – бунга атроф-муҳит, жамиятда касаллик туфайли пайдо бўладиган харажатлар киради.**  
**Яъни:**

1. Вақтинчалик ишлаш қобилиятини йўқотиш вақти.
2. Касаллик варақаси бўйича тўловлар.
3. Касалликдан кейинги ногиронликка ғамхўрлик қилиш.

**Ижтимоий таъминот тўловлари.**

5. Солик тўловлари – бунда бемор соғайиб, иш бошлагандан кейин тўлаши мумкин бўлган солик тўлови назарда тутилади.

6. Беморга ғамхўрлик қилишда яқинларининг харажатлари.
7. Беморни ўлими билан боғлиқ харажат ва йўқотишлар.

**IV. Номоддий харажатлар (intangible costs) –** пул билан ифодалаб бўлмайдиган харажатлар. Бунга қуидаги руҳий, ижтимоий омиллар киради.

1. Беморлар танасидаги оғриқ, мажруҳлик, уйқунинг бузилиши.

2. Ақлий – реакция, ақлий концентрация, дикқат, хотира.
3. Руҳий – қўрқув, депрессия, нотинчлик.
4. Ижтимоий – изоляция, конфликт, мойиллик.

Беморни даволашдаги асосий харажат қўрсаткичларига қуидагилар киради.

1. Даволашнинг асосий қиймати – дори воситаларининг ўртача улгуржи нархи, кунлик доза микдори ва даволаш курси муддати билан белгиланади.

2. Бемор томонидан кун тартибига амал қилиниши ёки bemorни интизомлилиги (patient compliance) – bemor томонидан шифокор тавсияси ва қўрсатмаларини бажариш истаги. Бемор дори воситасини қабул қилиши, кун тартибига амал қилиш ёки қилмаслиги даволаш қийматига сезиларли таъсир этади. Беморнинг лоқайдлиги дори воситаларини самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. Буни олдини олиш учун маҳсус дори шакллари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Қуидаги 1-жадвалда фармакоиқтисодий таҳлил бўйича тиббий сарф-харажатлар мезонлари, ҳисоблаш кетма-кетлиги берилган.

2-жадвалда фармакоиқтисодий таҳлил бўйича сарф-харажатлар мезонлари, ҳисоблаш кетма-кетлиги қўрсатилган.

1-жадвал

### **Тиббий сарф-харажатлар мезонлари**

Тр	Дори препаратларининг савдо номи	Дори шакли	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий нархи
1	2	3	4	5	6	7
<i>Бевосита тиббий сарф-харажатлар</i>						
1.	Тризим® 2500, 20 дона	Таблеткалар	дона	20	693	1386
2.	Кетотифен, 0,01 мг, 20 дона	Таблеткалар	дона	10	150	1500
3.	Фликсотид 125 мкг	Аэрозоль	дона	1	69400	69400
4.	Дексаметазон, 2,4 % 5,0, 10 дона	Ампулаларда инъекция учун эритма	Дона	6	2100	12600
5.	Эуфиллин, 2,4%, 10 мл, 10 дона	Ампулаларда инъекция учун эритма	Дона	3	1030	3090
6.	Инфузион эритмаларни қуиши учун система	Венага қуйиладиган бир марталик фойдаланиладиган инфузион эритмани қуиши учун система	Дона	8	1620	12960
7.	Тиббиёт спирти	100 мл.	миллитр	78	95	7410

1-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7
8.	Стерилланган гигроскопик гигиеник тиббиёт пахтаси 250 г.	Боғлов материали	Дона	52	60	3120
9.	Бир марта ишлатиладиган 5,0 мл. ли инъекция шприцлари	Инъекция, трансфузия, тешиш ва сўриб чиқариш учун буюмлар	Дона	12	360	4320
10.	Бир марта ишлатиладиган 10,0 мл.ли инъекция шприцлари	Инъекция, трансфузия, тешиш ва сўриб чиқариш учун буюмлар	Дона	15	510	7650
11.	Натрий хлор 0,9 % 200 мл.	Инфузия учун эритма	Дона	8	3450	27600
12.	Перацетам, 20%, 5,0 мл, 10 дона	Ампулаларда инъекция учун эритма	Дона	18	975	17550
13.	Натрий тиосульфат, 30%, 10 мл.	Ампулаларда инъекция учун эритма	Дона	5	7050	35250
14.	Рибоксин, 2 % 10 мл, 10 дона	Ампулаларда инъекция учун эритма	Дона	10	2070	20700
	<i>Дори воситалари жами</i>					224 536

2-жадвал

Тр	Таҳлил воситалари	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий нархи
1	2	3	4	5	6
	<i>Таҳлиллар</i>				
15.	Биокимёвий таҳлил (АЛТ, АСТ)	Марта	1	18900	18900
16.	Умумий қон таҳлили	Марта	1	36000	36000
17.	Умумий пешоб таҳлили	Марта	2	21000	42000
18.	Қонда қанд миқдори	Марта	2	12400	24800
19	Қонда ум. билирубин миқдори	Марта	1	18900	18900
20.	Hbs Ag	Марта	1	18600	18600
21.	RW	Марта	1	215000	21500
22.	ЭКГ	Марта	1	186000	18600
23.	ФВД	Марта	1	157000	15700
	Барча таҳлиллар				215000
24.	Бурунга магнит даво	Марта	6	6000	36000
25.	Ингаляция	Марта	6	6900	41400
					77400

2-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6
	<i>Бевосита нотиббий сарф-харажатлар</i>				
26.	Ўрин куни	Кун	10	90500	90 5000
27.	Пуллик овқатланиш	Кун	10	15000	150000
				1 055 000	
	<b>Сумма</b>			<b>1 571 936</b>	
	<i>Билвосита сарф-харажатлар</i>				
28	Беморни парвариш қилаётган шахсларнинг меҳнатга лаёқатлигининг камайиши			750 000	
29	Касаллик варақаси бўйича пул тўлаш			400 000	
				1 150 000	
	<b>Умумий сумма, сўмда</b>			<b>2 721 936</b>	

Фармаиктисодий таҳлилнинг турли хил касалликларни даволашда дори воситалари самарадорлигини иқтисодий баҳолашдаги ўрни ўрганилди.

Фармаиктисодиётнинг замонавий тенденциялари сифатида Нидерландия, Португалия, Финландия, Дания, Испания ва Франция каби давлатлардаги фармаиктисодий изланишлар таҳлил қилинди.

*Харажатлар мезонлари, тоифалари, даражаларини ҳисоблашдаги белгилар*

Ҳисоблашдаги белгилари қўйидагилардан иборат.

1. Бевосита тиббий ва нотиббий харажатлар – DC (direct cost).
2. Бевосита харажатлар – IC (indirect cost).
3. Даволаш самарадорлиги – Ef (Effectiveness of cost).
5. Даволаш фойдалилиги – B (Benefit of treatment).
6. Даволаш манфаати (фойдаси) – Ut (Utiliti of treatment).

Харажат мезонлари бўйича номатериал, номоддий харажатлар.

8. Беморнинг кайфияти ва ҳаёт сифатига таъсир қилувчи даволашнинг турли жиҳатлари, хусусиятлари, томонларининг bemor томонидан субъектив баҳоланиши.

9. Беморнинг физик, руҳий ва жинсий қобилиятлари, шунингдек, унинг аҳволидаги ижтимоий ва ҳиссий жиҳатлар.

10. Ҳаёт сифатини баҳолаш турли сўровномалар ёрдамида амалга оширилади, улар ишончлиликка эга бўлиши лозим.

11. Иккита ва ундан кўп муқобил даволаш услубларининг қиймати фарқларини қиёслаш учун ишлатилади, агар бу услублар ўзининг клиника самарадорлиги бўйича teng қийматли бўлса.

Ўрганилаётган услубларнинг терапевтик самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар адабиёт манбаларидан ва клиника таҳлиллари натижаларидан олинади.

### **2.3. Беморларни даволашда бевосита ва билвосита харажатлар таҳлили**

*Бевосита харажатлар.* Қисқача таърифда тиббий хизмат ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ нарх – бу харажатлар, одатда, бевосита тиббий ёки нотиббий харажатлар сифатида таснифланади. Соғлиқни сақлашда бевосита тиббий харажатлар ўз ичига дори воситалари, шифокор қабулига келиш ёки тиббий жиҳозлардан фойдаланиш каби маълум бир тиббий хизматлар билан боғлиқ

харажатларни олади. Бевосита нотиббий харажатлар – бу беморни касалхонага етказиш ёки парвариш қилиш учун уйда шартшароитлар киритишга кетган харажатлардир.

*Билвосита харажатлар.* Қисқача таърифда Соғлиқни сақлашда билвосита харажатлар – бу ишлаб чиқаришни йўқотиш билан боғлиқ харажатлардир, масалан, саломатликдаги муаммолар ёки касаллик сабабли йўқотилган вақт, ишда бўлмаслик ёки меҳнат унумдорлигининг пасайиши (ишда бўлган тақдирда ҳам).

*Лойиқлик / Содиқлик бўйича* қисқача таърифда беморнинг шифокор ёки бошқа тиббий хизматларни берувчи томонидан тайинланган парвариш тартибига, масалан, керакли тезлиқда ва дозада дори воситаларини тўғри ҳамда вақтида қабул қилишга содиқлиги (Изоҳ. Содиқлик ва риоя қилиш тушунчалари кўпинча бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади, аммо охирги вақтларда айнан беморга қаратилганлиги боис, содиқлик термини афзал кўрилмоқда).

*Терапевтик ва диагностик муолажаларни текшириши, иқтисодий баҳонинг асосий тамоийларининг таҳлили*

Нима учун нарх муҳим?

Амалиётда ишловчилар ва қарор қабул қилувчи шахслар терапевтик ва диагностик мосламалар соҳасида жиддий иқтисодий муаммолар билан дуч келишади, сабаби янги технологияларни очиш қобилияти чексизга ўхшайди, шу билан бир вақтда, беморлар ва давлатнинг ушбу ютуқларини сотиб олиш ресурслари чекланган. Чекланган бюджет шароитида энг яхши аралашувларнинг қай бирини қўллаш масаласини қандай ечиш мумкин? Харажатларни ушлаб туришга қаратилган таъсирлар давом этиши соғлиқни сақлашнинг барча соҳаларидағи администраторлар ва ишлаб чиқарувчиларни тавсия қилинаётган ва мавжуд бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолининг харажатларини чукур ўрганишга ундейди. Борган сари равshan бўляптики, давлат ва хусусий агентлар соғлиқни сақлаш технологиялари харажатлари билан боғлиқ клиника ва ижтимоий натижалар нуқтаи назаридан баҳоланишини талаб қилишмоқда.

*Аналитик истиқболлар*

Аналитик истиқболлар – иқтисодиётдаги ҳаётий муҳим аҳамиятга эга тушунча. Нарх ва жамият нисбатига ижобий таъсир қилишни таъминловчи соғлиқни сақлаш технологиялари, жамиятнинг алоҳида сегментлари томонидан бир хил тарзда

баҳоланиши мумкин эмас. Масалан, шошилинч ёрдам қўрсатишда госпитилизация микдорини ёки муассасада бўлиш кунлари сонини камайтирувчи терапевтик ёки диагностик мосламалар жамият нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланади, лекин харажатларни қоплаш учун беморларни қабул қилишнинг кўп сонига боғлиқ бўлган муассаса администратори нуқтаи назаридан мажбурий эмас. Баҳолаш учун натижалар мезонларини аниқлаш кимнинг манфаатларига хизмат қўрсатилаётганлигини аниқлаб олиш муҳим. Иқтисодий истиқболларни кўриб чиқсанда, харажатларни ким тўлаши ва ким фойда кўришини ҳисобга олиш лозим. Масалан, иш берувчи томонидан қўллаб-қувватланадиган тиббий хизмат режаси ёрдамида иш берувчи нуқтаи назаридан касалхона харажатларини тежалишини қўрсатувчи мақбул иқтисодий таҳлил, эҳтимол, касаллик нуқтаи назаридан ижобий деб қаралмайди. Анча кенг маънода жамият учун пул тежалиши, деб қараладиган нарса ташқи тўловчилар, администраторлар, тиббий хизмат қўрсатувчилар, давлат муассасалари алоҳида беморлар томонидан турлича қаралиши мумкин. Одатда, иқтисодчилар ижтимоий истиқболни баҳолаш ҳисботларида муҳокама қилиш зарурлигига розидир, аммо ҳисботда маълум сегментлар, яъни касалхоналар ёки суғурта агентликларига эътибор қаратилади.

### *Бевосита харажатлар*

Бевосита харажатлар диагностика ва госпитилизациягача бўлган, госпитилизация вақтидаги, соғайиш вақтидаги ва узлуксиз тиббий кўрик давомидаги харажатларни ўз ичига олади. Бу харажатлар ичига “Профилактика харажатлари, аниқлаш, даволаш, реабилитация, текшириш, ўргатиш ва тиббий муассасага капитал қўшиш, шунингдек, касбий хизматлар, мосламалар, тиббий анжомлар ва шахсий бўлмаган тиббий хизматлар” киради. Бевосита фойдалар “Ҳозирги вақтда тиббий хизматларга кетган харажатлар билан боғлиқ ва олдин олинган харажатлар қисми” сифатида аниқланади; улар бевосита харажатларни потенциал тежаш сифатида тавсифланади. Бу терминлар кўпинча бевосита тиббий харажатлар ва бевосита нотиббий харажатлар, шу жумладан, беморларнинг телефонда гаплашиши, такси нархи ҳамда машина қўйиш жойи нархи ва шунга ўхшаш харажатларга бўлинади.

### *Билвосита харажатлар*

Билвосита харажатларни ҳисоблаш тизимли услубни намойиш қиласи. Унинг баҳоси бўйича касаллик, ногиронлик ва ўлим билан

боғлиқ меҳнат ҳақи ҳамда ишлаб чиқариш бўйича харажатларнинг йўқотилиши, ёшга ва касалланиш ҳамда ўлим ҳолатларининг асосий сабаб ва оқибат мезонлари ёшига асосланган. Билвосита фойдалар, билвосита харажатлар бўйича потенциал тежамкорлик сифатида намоён бўлади. Билвосита харажатлар микдорий нисбатдан мураккаб бўлиши мумкин. Улар фойдаларини йўқотиш ва ишлаб чиқариш бўйича йўқотилиш натижалари ҳисобланади, улар соғлиқни сақлаш соҳасида аралашувларсиз ўзгартирилиши мумкин эди.

## **Хулоса**

1. Фармакоиқтисодёт фанининг ривожланиш даври ва босқичлари, дори воситалари истеъмолида ва касалликларни даволаш жараёнида фармакоиқтисодиётда қўлланиладиган харажатлар мезонлари, тоифалари, даражаларини ҳисоблашдаги белгилар назарий таҳлил қилинди.

2. Беморларни International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research қайд этиш таснифи, тавсифи, терапевтик ва диагностик мосламалар натижаларини текшириш, иқтисодий баҳонинг асосий тамойиллари таҳлили, бевосита тиббий харажатлар, билвосита харажатлар назарий ёритиб берилди.

3. Фармакоиқтисодётга оид олиб борилган илмий ва амалий ишлар, фармакоиқтисодиётда қўлланиладиган харажатлар мезонлари, тоифалари, даражалари, бевосита тиббий харажатлар ҳамда билвосита харажатлар таҳлил қилинди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Фармакоиқтисодётга оид олиб борилган илмий ва амалий ишларни таҳлил қилиб беринг.

Фармакоиқтисодиётда қўлланиладиган харажатлар мезонларини таърифланг.

Қандай харажатлар мезонлари, тоифалари, даражалари мавжуд?

Бевосита тиббий харажатларга нималар киради?

Билвосита харажатлар нималарни ўз ичига олади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.
2. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.
3. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.
4. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.
5. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.
6. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446p.
7. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.
8. <http://www.Lex.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
9. <http://www.ziyonet.uz>
10. <http://www.ispor.org>
11. <http://www.minizdrav.uz>

### **Ш БОБ** **ХАРАЖАТЛАР ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТОИФА** **СИФАТИДА**

3.1. Соғлиқни сақлаш тизимида фармакоиқтисодий харажатлар релевантлиги, харажатлар таснифининг таҳлили.

3.2. Харажатлар фармакоиқтисодий тоифа сифатида, фармакоиқтисодий харажатлар релевантлиги.

3.3. Касалликларни даволашда бевосита нотиббий харажатларни қоплаш манбалари, турлари.

3.4. Фармакоиқтисодий таҳлил усулларидан тиббиёт ва фармацевтиканда фойдаланиш таҳлили ва уни тизимли олиб бориш йўллари.

#### **1. Соғлиқни сақлаш тизимида фармакоиқтисодий харажатлар релевантлиги, харажатлар таснифининг таҳлили**

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари республика соғлиқни сақлаш соҳаси зиммасига аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш масаласини қўйди.


Аҳолининг турмуш шароитини ҳамда уларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш мақсадида хукуматимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Нокулай экологик вазият, турмуш тарзининг изчил ривожланиши, дори воситаларининг хилма-хиллиги ва уларни ўринсиз тайинланиши жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида турли хил касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса харажатларнинг фармакоиқтисодий тоифа сифатида ҳисоблаб бериш зарурлигини кўрсатади.

Соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб муаммолардан бири – бу кенг тарқалган касалликларни даволаш ва дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг натижаларидан бири сифатида сўнгги йилларда мамлакатимизда фармацевтика соҳасида жадал иқтисодий ўсиш кузатилмоқда.

Ўзбекистонда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётган бир вақтда ахолига тиббий ёрдам қўрсатиш ва мавжуд касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалари сифатини янада ошириш стратегияси бўйича бир қатор ишлар қилинмоқда. Бунда Фармақиқтисодиёт фанидан харажатларни фармақиқтисодий тоифа сифатида магистратура талабалари учун таҳлил қилиш муҳим роль ўйнайди.

Фармацевтика тармоғининг тараққий этишида фармақиқтисодиёт фанида ушбу фаолиятнинг такомиллаштирилиши билан боғлиқ салмоқли имкониятлар мавжуд. Фармақиқтисодиётнинг фармацевтика тармоғининг тараққий этиши ва ривожлантириш концепциясини амалга ошириш жараёнини, иқтисодиётни бошқариш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни, аҳамияти бекиёс.



## 2-модель. Фармақиқтисодий ҳисоб-китобларда харажатлар таҳлили.

Ишлаб чиқарувчи ўз дори воситалари учун сўраши мумкин бўлган максимал нархни белгиласа, дори воситаларининг минимал нархини харажатлар белгилайди. Даволаш баҳосини минималлаштиришни мақсад этган фармакоиқтисодиёт учун ҳам харажатлар муҳим тушунча ва кўрсаткичдир. Фармакоиқтисодий таҳлиллар натижалари 2-моделда берилган фармакоиқтисодий ҳисоб-китобларда харажатлар таҳлили харажатларни аниқлайди.

Беморни даволашдаги асосий харажат қўрсаткичлари:

1. Даволашнинг асосий қиймати – дори воситаларининг ўртача улгуржи нархи, кунлик доза миқдори ва даволаш курси муддати билан белгиланади.

2. Бемор томонидан кун тартибига амал қилиниши ёки bemorни интизомлилиги (patient compliance) – bemor томонидан шифокор тавсиялари ва кўрсатмаларини бажариш истаги. Бемор дори воситаларини қабул қилиши, кун тартибига амал қилиш ёки қилмаслиги даволаш қийматига сезиларли таъсир этади. Беморнинг лоқайдлиги дори воситасини самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. Буни олдини олиш учун маҳсус дори шакллари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

### **3. 2. Харажатлар фармакоиқтисодий тоифа сифатида, фармакоиқтисодий харажатлар релевантлиги**

Харажатлар (*costs*) – касалликни даволаш ёки олдини олиш, профилактика қилиш билан боғлиқ моддий ва номоддий сарф-харажатлар.

Харажатлар молиявий кўрсаткичларда, пул бирликларида ҳисобланади.

Фармакоиқтисодий харажатлар муайян истеъмолчига нисбатан релевант ёки релевант бўлмаган бўлиши мумкин.

*Релевантлик* у ёки бу истеъмолчилар ёки bemorлар учун харажатларнинг муҳимлик даражаси ҳамда истеъмолчилардан қайси бири уларни тўлаши лозимлиги билан белгиланади. Масалан, дори препаратларини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар ишлаб чиқарувчи учун релевант бўлиб, у кейинчалик дори препаратини сотиш ва соф даромад олишни қоплайди.

Касалликни даволаш курси ёки олдини олиш учун сарфланадиган барча харажатлар бир неча гуруҳга бўлинади.

*Бевосита харажатлар* (*direct costs*) – тиббий ёрдам кўрсатиш

билин бевосита боғлиқ сарф-харажатлар.

*Билвосита харажатлар (indirect costs)* – касалликни даволаш вақтида беморнинг меҳнатга лаёқатсизлиги билан боғлиқ сарф-харажатлар.

Ҳисобланмайдиган, ҳисобсиз харажатлар (*intangible costs*) пул кўрсаткичларида аниқлаш имкони бўлмаган, (масалан, ўтказилган даволаш курси натижасида бемор ҳис қиласидиган ноқулайлик ёки оғриқ) сарф-харажатлар.

*Бевосита тиббий харажатлар (direct medical costs)* – соғлиқни сақлаш тизими (соғлиқни сақлаш давлат тизимида бюджет маблағлари ёки суғуртали тиббиётда суғурта фармацевтика компаниялари маблағлари) ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликни ташхис қилиш, даволаш, олдини олиш учун сарфланадиган харажатлар.

Даволаш шу жумладан, касалликни дори воситалари ёрдамида даволаш билан бевосита боғлиқ (бевосита) тиббий харажатлар соғлиқни сақлаш тизими, суғурта тизими, умуман, жамият учун релевант ҳисобланади.

*Бевосита тиббий харажатлар турлари қуйидагилардан иборат.*

1. Касалликни ташхис қилиш – лаборатория ва инструментал таҳлиллар учун сарфланадиган харажатлар.

Тиббий муолажалар – жарроҳлик операциялари, реабилитацион манипуляциялар ва бошқалар қиймати.

Даволаш курси учун дори воситаларининг қиймати.

4. Тегишли дори препаратлари самарадорлиги ва хавфсизлиги назоратини таҳлил қилиш қиймати.

5. Дори препаратининг ножӯя таъсирини бартараф этиш учун сарфланадиган харажатлар.

6. Стационарда койка, койка куни – кун қиймати ёки уйда беморга кўрсатиладиган, шу жумладан, кичик тиббиёт ходими томонидан кўрсатиладиган хизматлар қиймати.

7. Профессионал, касбий тиббий хизматлар – тиббиёт ходимларининг маоши, шифокор маслаҳатлари учун тўловлар қиймати.

Бевосита тиббий харажатлар бир нечта гурухга бўлинади. Бевосита тиббий харажатлар таснифи қуйидагилардан иборат.

*Фиксация қилинган харажатлар (fixed costs)* – муайян тиббиёт муассасасида белгиланган (ўрнатилган), касалликни даволаш,

ташхис қилиш ва олдини олиш учун сарфланадиган харажатлар. Улар ичида тафовут қилинади.

1. Муассасалар харажатлари – маълум бир таббиёт технологияларини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган, тиббиёт муассасасини сақлаш (таъмирлаш, иситиш, сув билан таъминлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар.

2. Стандарт харажатлар – айни тиббиёт муассасасида маълум бир тиббий технологиялар учун аниқланган, белгиланган, bemornинг индивидуал хусусиятларидан (муайян лаборатория усулининг қиймати, қабул қилинган бир марталик, бир кунлик ҳамда курс дозаси ва бошқалар) келиб чиқсан ҳолда сезиларсиз ўзгарадиган харажатлар.

*Вариабел (ўзгарувчан) харажатлар (variable costs)* – айни аҳоли ўртасида bemorларнинг биологик турфа хиллиги билан, уларнинг индивидуал хусусиятлари билан, (масалан, bemornинг ёши ва вазни инобатга олинганлиги боис умумқабул қилинган дозанинг ўзгариши, даволаш муддатининг узайиши, дори препаратининг ножӯя таъсирларини бартараф этиш зарурлиги ва бошқалар натижасида юзага келадиган харажатлар) боғлиқ шартшароитларга қараб ўзгариши мумкин бўлган харажатлар.

*Ўртача харажатлар (average costs)* – муайян тиббиёт муассасасида касалликни ташхис қилиш ва маълум бир даволаш схемасини қўллаш учун сарфланадиган харажатларнинг ўртача суммаси.

*Маржинал харажатлар (marginal costs)* – иккита ҳар хил (анъанавий ва муқобил) тиббий технологиялар ёрдамида битта касалликни даволаш учун сарфланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ.

### **3. 3. Касалликларни даволашда бевосита нотиббий харажатларни қоплаш манбалари, турлари**

*Бевосита нотиббий харажатлар (direct non-medical costs)* – bemornи даволаш билан боғлиқ бўлган ва bemornинг ўз ҳисобидан, unинг оила аъзолари, ҳомийлари ёки ижтимоий, жамоат ташкилотлари, ижтимоий суғурталаш органлари ҳисобидан қопланадиган харажатлар.

*Бевосита нотиббий харажатлар турлари:*

– шахсий ёки жамоат (носанитар) транспортда bemornи тиббиёт

муассасасига элтиб қўйиш қиймати;

- рецептсиз дори воситаларининг қиймати;
- парҳез овқатланиш учун харажатлар;
- тиббий ёрдамчи материаллар қиймати;
- шифохона шароитларида яшаш учун оёқ кийими, кийим учун сарфланадиган харажатлар;
- дори воситалари тиббий ёрдам учун қўшимча ҳақ тўлаш.

Билвосита харажатлар, уларнинг турлари. Мехнат иш унумдорлигидаги йўқотишларни аниқлаш усуллари. Бемор ва давлатга нисбатан билвосита харажатларнинг релевантлиги.

*Билвосита харажатлар* (*indirect costs*) – касалликни даволаш пайтида bemorning меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда bemorni парвариш қилишга мажбур бўлган uning қариндошларини иш жойида бўлмаганлиги билан боғлиқ харажатлар.

Билвосита харажатлар авваламбор bemor ёки uning меҳнатга лаёқатсиз бўлган даврида уни парвариш қилган шахслар томонидан иш ҳақининг тўлиқ олинмаганлигига намоён бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок эта олмаслик bemor ишлайдиган корхона ҳамда умуман, жамиятда, иш жойида ишчининг йўқлиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камайиши, солиқлар тушумининг камайиши боис, давлат томонидан соф даромаднинг тўлиқ олинмаслигига олиб келади. Билвосита харажатларга, шунингдек, ижтимоий таъминот зарурлиги билан боғлиқ ҳамда bemorning ўлими, вафоти билан боғлиқ сарф-харажатлар ҳам киради.

Агар барча юқорида айтилганларни битта тузилмага солиб олсак, унда билвосита харажатларнинг қўйидаги турларини ажратиш мумкин:

- bemorning иш жойида бўлмаганлиги билан боғлиқ давлат йўқотишлари, (касаллик варақалари бўйича тўловлар, касаллик сабабли солиқларни тўламаслик);
- bemorning қариндошлари иш жойида бўлмаганлиги билан боғлиқ йўқотишлар;
- ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар, корхонада иш унумдорлигининг пасайиши ёки bemor ишчининг ўрнига вақтинча ўринбосарлик қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- меҳнатга лаёқатли ёшда ногиронлик ёки барвақт ўлим сабабли йўқотишлар (ногиронлик бўйича пенсия тўлаш, дафнга тўловлар, бокувчисини йўқотганлиги боис тўловлар).

Билвосита йўқотишларни аниқлаш учун икки усул қўлланади.

“Инсон капитали” усули ишлаб чиқаришнинг потенциал, яширин йўқотишларини ҳисоблашга асосланган. Бунда ўртacha ҳисобга ёзилган, ўтказилган маош, ўртacha маош даражаси чегаравий даромадга эквивалент деб ҳисобланади. Бемор бутунлай меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганида ишлаб чиқариш йўқотишлари деб бутунлай меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёшидан пенсияга чиққунича бўлган даромадларнинг умумий ҳажми қабул қилинади. Усулнинг камчиликлари: ишчи узоқ муддат давомида ишда бўлмаганида ёки бутунлай меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганида йўқотишлар бошқа ишчини ёллаш орқали қопланиши мумкин; қисқа муддатли иш қолдиришларда эса иш бошқа ходим ёки ишга чиққанидан сўнг bemornинг ўзи томонидан бажарилиши мумкин.

“Фрикцион нарх (қиймат)” усули касаллик сабабли меҳнат, иш унумдорлигидаги йўқотишларни ҳисоблашга асосланган ва бошланғич иш унумдорлигини қайта тиклаш учун зарур бўлган даврга боғлиқ. Бундай давр фрикцион деб аталади. Ушбу усулни қўллаш учун фрикцион даврларнинг частотаси (такрорланиш тезлиги), уларнинг давомийлиги, касаллик бўйича ишни қолдириш билан самарадорлик (иш унумдорлигига кўра иш вақтининг эластиклиги) ўртасидаги алоқадорлик, меҳнат, иш унумдорлигининг камайиши, ортиши ва иқтисодга ўрта муддатли таъсирини билиш зарур. Усулнинг камчилиги: фрикцион даврлар ва улар билан боғлиқ сарф-харажатларни аниқлашнинг қийинлиги.

Ёш, фаол, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларда юзага келувчи касалликларда умумий харажатларнинг энг катта қисмини билвосита харажатлар улуши ташкил қиласи. Ёши улуғ шахсларда учрайдиган касалликларда билвосита харажатлар улуши камроқ бўлади.

Билвосита харажатлар ҳам bemorga нисбатан, маош камайиши ва ҳаёт савиясининг пасайиши содир бўлади, ҳам давлатга нисбатан (ялпи миллий даромаднинг камайиши, ижтимоий ва тиббий суғурталар бўйича тўловларнинг тегишли равишда камайиши) релевант ҳисобланади.

*Ҳисобланмайдиган (бехисоб) харажатлар турларини аниқлаш усуллари*

Ҳисобланмайдиган (бехисоб) харажатлар (*intangible costs*) – касалликнинг хусусиятлари ва унинг жамиятда намоён бўлиш шакллари, масалан, ўтказилган даволаш курси сабабли bemor ўзида

хис қилган оғриқ ва азиятлар билан боғлиқ, пул бирликларида, кўрсаткичларида аниқлашнинг имкони бўлмаган сарф-харажатлар сўз билан ёзилади ва ҳаёт сифати кўрсаткичларида баҳоланади.

### **3. 4. Фармакоиқтисодий таҳлил усулларидан тиббиёт ва фармацевтикада фойдаланиш таҳлили ва унинг тизимли олиб бориш йўллари**

Фармакоиқтисодиётда замонавий методология ҳамда қиёсий, фармакоиқтисодий, касаллик қиймати таҳлили, харажатлар самарадорлик таҳлили, ABC-таҳлил, VEN-таҳлил, ижтимоий-таҳлил бўйича сўровнома, шунингдек, корреляцион, регрессион, математик, интеллектуал таҳлил усуллари ва компьютерда дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолининг дастурларидан фойдаланилади.

Фармакоиқтисодий таҳлилда кутилаётган натижалар назарий-услубий воситалар, қиёсий, фармакоиқтисодий, ABC-таҳлил, VEN-таҳлил, қиёсий клиника кузатувлари, сўровнома, статистика маълумотларининг замонавий ахборот-компьютер технологияларида интеллектуал таҳлил усуллари асосида қайта ишланишида ўз аксини топади.

Таҳлил натижаларига асосланиб, фармакоиқтисодий изланишлар олиб бориш, дори воситалари таъминотини тўғри ташкил этиш ҳамда иқтисодий сарф-харажатларни қисқартириш мумкин.

Фармакоиқтисодий таҳлиллар натижасида тиббиёт амалиётига юқори самарали ва сарф-харажатлари кам дори воситалари тавсия қилинади.

Дори воситалари ёрдамининг сифати ва ҳаммаболигини таъминлашда фармакоиқтисодиётнинг аҳамияти қуйидаги жараёнлардан иборат.

1. Таҳлилни режалаштириш.
2. Таҳлил позициясини аниқлаштириш.
3. Муқобил (бир-бирига зид, альтернатив – мумкин бўлган қарама-қарши икки ҳолдан бирини танлаб олиш зарурияти, яъни муқобили) тиббий технологияларни аниқлаш.
4. Самарадорлик мезонларини ўрнатиш – боғлаш, белгилаш, расмийлаштириш.
5. Таҳлил услубини асослаш, исботлаш.

6. Харажатлар, чиқимларни ҳисобга олиш методологияси.
7. Дисконтлаш зурурати (зарурияти, эҳтиёжи).
8. Таъсирчанлик таҳлили.
9. Натижаларни тақдим этиш.

Қўйида фармакоиқтисодий таҳлилларни ўтказиша харажатларни ҳисоблаш учун статистика маълумотини олиш манбаларидан фойдаланган ҳолда турли хил касалликларни даволашдаги харажатлар ҳисобланади.

Харажатларни ҳисоблаш учун маълумот олиш манбалари бўлиши мумкин.

1. Беморни рўйхатга олиш “Шифохонадаги bemorning тиббий баённомаси”, шифокор кўриклари, таҳлиллар, манипуляциялар сони, дори препаратларини қабул қилиш ва бошқалар.
2. Беморнинг касаллик тарихи.
3. Стационарда ишлатиладиган маълумотлар базаси.
4. Беморлардан сўраш натижалари.
5. Тиббиёт муассасалари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб учун ишлатиладиган тиббий хизматларга тариф.
6. Суғурта компанияларининг тарифи.
7. Дори препаратларининг қиймати, баҳоси тўғрисида дори воситаларининг нархномлари.
8. Даволаш-профилактика муассасаларининг бухгалтерия ҳисоб-китоблари.
9. Бемор маоши ҳақида маълумотлар ва бошқа пул-молия ҳужжатлари.

Дисконтлаш, чегириш – харажатларни ҳисоблашда ноаниқлик ва вакт омилини коэффициенти, дисконт кўринишида ҳисобга олинади. Касалликни даволаш 1 йил ва ундан кўпроқ давом этганида, харажатлар қўйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$P = \frac{C_1}{1+r} + \frac{C_2}{(1+r)^2} + \frac{C_3}{(1+r)^3} + \dots + \frac{C_n}{(1+r)^n},$$

бу ерда,

P – дисконтлашни инобатга олган ҳолда ҳозирги вақтдаги нарх қиймати;

C – биринчи, иккинчи, n-чи йилдаги нархлар;

r – дисконтлаш даражаси (ўртacha 3 дан 5 % гача).

Фармакоиқтисодий таҳлилларни ўтказишда харажатларни ҳисоблаш жараёни бешта босқичга ажратилади.

Биринчи – касалликни даволашда ўрин олган барча турдаги ресурс, манбаларни идентификация қилиш, ёзиш, тасвирлаш, ташхис қилиш ҳамда даволаш усуллари, дори воситалари ва бошқалар рўйхатини тузиш.

Иккинчи – аниқланган ресурсларни физик бирликларда миқдорий баҳолаш, койка-кунлар, тиббий манипуляциялар сони, қўлланган тиббий парвариш буюмлари, предметлари, беморнинг шифокорга ташрифлари ва бошқалар сони.

Учинчи – қўлланган ресурслардан ҳар бирини пул бирлигига баҳолаш, бир койка-куни, шифокорга бир ташриф, бир диагностика, ташхис текширув ва бошқалар қиймати.

Тўртинчи – ноаниқ вақтга тузатиш киритиш, дисконтлаш.

Бешинчи – харажатлар суммасини ҳисоблаш.

Шу босқичлар асосида касалликнинг даволаш харажатлари ҳисобланади.

Ҳар бир клиник кузатувларда натижаларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва қиймати, нархларини олиш мумкин.

Қандай фармакоиқтисодий таҳлилларни олиб бориш, ўтказиш мумкин?

1. Проспектив.
2. Ретроспектив.
3. Моделлаштиришни ишлатиш билан моделлаштиришдан фойдаланиш орқали.
4. Бирлаштирилган.
5. Клиника тадқиқотларининг асослилик, ишончлилик даражаси.
6. Проспектив рандомизирланган таҳлиллардан олинган далиллар.
7. Проспектив, лекин рандомизирланмаган тадқиқотлардан олинган далиллар.
8. Ретроспектив рандомизирланган таҳлиллардан олинган далиллар.
9. Беморларнинг чекланган сонида амалга оширилган таҳлиллардан олинган далиллар.
10. Далиллар айрим, алоҳида-алоҳида bemorlaridan olinGAN.

Мета-таҳлил (Meta-analysis) ва тизимли шарҳ (Systematic review) – ушбу таҳлилларда рандомизирланган клиника

таҳлилларининг натижалари умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.

Биринчи – моделлаштириш.

Иккинчи – қасаллик қиймати.

Учинчи – тўлашга тайёрлик (розилик).

Тўртинчи – харажатлар мезонлари (тоифалари, даражалари).

*Бевосита тиббий харажатлар ва нотиббий харажатларни ҳисоблаш кетма-кетлиги.*

1. Билвосита харажатлар.

2. Номатериал харажатлар.

3. Харажат мезонлари.

4. Бевосита тиббий харажатлар, даволаш учун тўғридан-тўғри харажатлар.

5. Дори воситалари.

7. Лаборатор ва ташхис, текширувлар ҳамда дори воситалари.

8. Шифокор ташрифи.

9. Тиббий манипуляциялар, аралашувлар, операциялар ва бошқа даволаш муолажалари.

Бевосита нотиббий харажатлар.

1. Қўшимча харажатлар, чиқимлар.

2. Овқатланиш ёки даволаш парҳези.

3. Беморни транспортда ташиш.

4. Касалхона койкасида бўлиши.

5. Махсус кийимлар ва материаллар.

Билвосита харажатлар, bemor ёки bemorni parvariш қилаётган шахсларнинг меҳнатга лаёқатлигининг камайиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар.

1. Касаллик варақаси бўйича пул тўлаш.

2. Бемор томонидан меҳнатга лаёқатлигининг камайиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ моддий чиқимлар, иш ҳаки йўқотишлари.

. Харажат мезонлари.

4. Номатериал, номоддий харажатлар.

Беморнинг кайфияти ва ҳаёт сифатига таъсир қилувчи даволашнинг турли жиҳатларининг, хусусиятларининг, томонларининг bemor томонидан субъектив баҳоланиши:

. Беморнинг физик, руҳий ва жинсий қобилияtlари, шунингдек, унинг аҳволидаги ижтимоий ва ҳиссий жиҳатлар.

. Ҳаёт сифатини баҳолашни турли сўровномалар ёрдамида амалга

оширилади, улар ишончли ва валидликка эга бўлиши лозим.

Хисоблашдаги белгилар.

1. Бевосита тиббий ва нотиббий харажатлар – DC (direct cost).
2. Бевосита харажатлар – IC (indirect cost).
3. Даволаш самарадорлиги – Ef (Effectiveness of cost).
4. Даволаш фойдалилиги – B (Benefit of treatment).
5. Даволаш манфаати (фойдаси) – Ut (Utiliti of treatment).

Катта клиника самарадорлиги сабабли иқтисодий мақбул бўладиган даволаш турларини аниқлаш имкони бўлади. Одатда, бу услугуб учун “чин” бирликларида ифодаланган, масалан, артериал босим пасайишини баҳолашда мм. сим. уст; холестерин микдорини аниқлашда ммоль/л; шунингдек, ҳаёт давомийлиги клиника самарадорлигининг мезонлари фойдаланилади.

Тиббий аралашувнинг ўзи ҳеч қачон иқтисодий самарали бўлмайди!

1. Муайян муқобиллари мавжудлигига.
  2. Қатъий кўрсатмаларда.
  3. Беморларнинг баъзи гуруҳида.
  4. Аниқ преспектива учун.
  5. Анъанавий қўлланиладиган самарадорлик мезонлари.
  6. Яшовчанлик.
  7. Ишга қобилиятлилик.
  8. Касаллик симптомлари.
  9. Клиника параметрлари.
  10. Қондаги гемоглобин концентрацияси.
  11. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги.
  12. Ўсманинг сантиметр ўлчамлари.
  13. Даволашнинг умумий самарадорлиги
  14. Токсиклик кўринишларининг сони.
  15. Параметрни тезда баҳолаш ва таҳлилни қисқа муддатларда олиб бориш имконини вужудга келтиради.
  16. Ахборот бермаслиги.
  17. Даволашни бошқа якуний нуқталари.
  18. Даволашнинг ножӯя таъсири.
  19. Бемор ҳаёт сифати ҳақида маълумот бермайди.
  20. Таҳлилнинг сунъий нуқталарини таққослаш.
  21. Даволаш самарадорлиги.
  22. Даволашнинг баҳоси, нархи.
- Бевосита тиббий харажатлар.

1. Касалликни дори воситалари билан даволаш харажатлари.
2. Таҳлил усуллари.
3. Бевосита нотиббий харажатлар.
4. Бевосита тиббий харажатлар.
5. Доминат усуллар.
6. Даволашнинг самарадорлиги. Даволаш қиймати.
7. Билвосита харажатлар.
8. Бевосита нотиббий харажатлар.
9. Бевосита тиббий харажатлар.
10. Доминат усуллар.
11. Индифферент (бефарқ услублар).
12. Қиймат, нархи.
13. Самарадорлиги ҳисобланади.

## **Хулоса**

1. Тиббиётда харажатлар фармакоиктисодий тоифа сифатида, фармакоиктисодий харажатлар релевантлиги, харажатлар таснифи, бевосита тиббиёт харажатларини қоплаш манбаси, турлари, таснифи ва бевосита нотиббий харажатларни қоплаш манбалари, турлари таҳлил қилинди.

2. Тиббиётда билвосита харажатлар, уларнинг турлари, меҳнат, иш унумдорлигини йўқотишни аниқлаш усуллари, bemорлар ва давлатга нисбатан билвосита харажатлар релевантлиги, ҳисобланмайдиган харажатлар турларини аниқлаш усуллари назарий ёритиб берилди.

3. Соғлиқни сақлаш тизимида фармакоиктисодий харажатлар релевантлиги, харажатлар таснифининг таҳлили, фармакоиктисодий таҳлил усулларидан тиббиёт ва фармацевтиканда фойдаланиш таҳлили ва унинг тизимли олиб бориш йўллари таҳлил қилинди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

Харажатларни фармакоиктисодий тоифа сифатида шарҳлаб беринг.

2. Фармакоиктисодий харажатлар релевантлиги, харажатлар таснифи ҳақида тушунча беринг.

3. Бевосита тиббиёт харажатлари, қоплаш манбаси, турлари, таснифини ёритиб беринг.

4. Бевосита нотиббиёт харажатлар, қоплаш манбалари,

турларини таърифланг.

5. Билвосита харажатлар, уларнинг турларини тушунтириб беринг.

6. Мехнат, иш унумдорлиги йўқотишларини аниқлаш усулларини шарҳлаб беринг.

7. Беморлар ва давлатга нисбатан билвосита харажатлар релевантлигини таърифланг.

8. Қандай ҳисобланмайдиган харажатлар, уларнинг турлари, аниқлаш усуллари мавжуд?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

2. Побочное действие лекарств: Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация» / Л. В. Яковлева, Н. В. Бездетко, О. А. Герасимова и др. – Харьков, 2008, 5 с.

3. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа», 2007, 335 с.

4. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

5. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

6. Юнусходжаев А.Н., Шаисламов Б.Ш., Алиходжаева М.И. Осложнения лекарственной терапии. Издательство «Fan va texnologiya», – Ташкент, 2014, 355 с.

7. Яковлева Л.В., Бездетко Н.В., Герасимова О.А., Мищенко О.Я., Ткачева О.В., Беркало Н.Н. Побочное действие лекарств / Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация». – Харьков: НФау, 2008, 5 с.

8. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

9. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen.

Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446p.

10. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

11. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

12. <http://www.Lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

13. <http://www.catback.ru> научные статьи и учебные материалы по экономике

14. <http://www.ziyonet.uz>

15. <http://www.ispor.org>

16. <http://www.minizdrav.uz>

## **IV БОБ** **ХАРАЖАТЛАРНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ТАҲЛИЛИ**

4.1. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили”нинг мақсади, ўтказиш босқичлари ва афзалиги.

4.2. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули асосида ҳисоблаш методологияси.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”да  $H_2$ -рецептор антагонистлари гуруҳидаги дори воситаларини ҳисоблашга мисоллар.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули асосида риносинусит касаллигига қўлланиладиган дори воситалари таҳлили.

### **4. 1. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили”нинг мақсади, ўтказиш босқичлари ва афзалиги**

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули, мақсади, ўтказиш босқичлари, афзалик ва камчиликлари ҳамда қўлланишида ўзига хос қуйидаги жиҳатлар мавжуд.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” – Cost minimization analysis (СМА) – минимал харажатли дори воситаси ёки даволаш усулини танлаш билан боғлиқ фармакоиқтисодий таҳлил усули. Ушбу усул дори воситалари бир хил терапевтик самарадорликка эга бўлганида, альтернатива, яъни муқобил, мумкин бўлган қарама-қарши икки ҳолдан бирини танлаб олиш заруратида даволаш усуллари ёки дори препаратлари қийматини қиёслашни назарда тутади.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” бир хил клиник самарадорликка эга икки ва кўп даволаш усуллари қийматини солиширишда фойдаланилади. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” бир хил халқаро номдаги турли хил савдо номлардаги дори воситасининг даволаш жараёнида, шунингдек, ўхшаш натижаларга эга альтернатив даволаш схемаларини солиширишда ишлатилади.

Фармакоиқтисод bemорларни дори воситалари билан даволаш қийматини, даволашнинг муқобил усулларини комплекс ўрганишга доир таҳлилларни олиб бориши, клиникадаги текширувлар

натижаларини таққослаш ёрдамида амалиётга самарали ва минимал сарф-харажатлар қилиб, максимал даражадаги даволаш усулларини татбиқ этади.

Минимал сарф-харажатлар деганда, нархи энг арzon дори воситаларини эмас, балки юқори самарали ва хавфсиз дори воситаларини тиббиёт амалиётида қўллаб, умумий даволаш сарф-харажатларининг қисқартирилишини тушуниш керак.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” – Cost minimization analysis (СМА) – усулининг мақсади – пул воситалари, маблағларни тежаш учун улар тенг клиникадаги самарадорлигига эга бўлган тақдирда, нисбатан арzon тиббий технологияларни танлашдан иборат.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”ни ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Киёсланаётган муқобил тиббий технологиялар тенг самарадорликка эга эканлигини исботлаш.

2. Ҳисоб-китобларга киритиш зарур бўлган барча харажатларни идентификация қилиш, фош қилиш, аниқлаш.

3. Муқобил технологиялардан ҳар бири учун харажатларни ҳисоблаш.

4. Дисконтлаш, чегириш.

5. Тиббий технологияларни қиёслаш ва энг кичик қийматли технологияларни танлаш.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усулининг афзалликлари:

– биринчидан, ҳисоб-китобларнинг нисбатан соддалиги;

– иккинчидан, тиббий технологиялар натижаларининг самарадорлигини баҳолашга зарурат, эҳтиёж бўлмаслиги, чунки у олдиндан маълум.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усулининг камчилиги:

– фақат тенг самарадорликка эга тиббий технологияларни қиёслаш имконини беради, бу эса усулининг қўлланиш соҳасини чеклайди.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усулининг қўлланиш соҳаси қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, турли тиббий технологиялар, даволаш усуллари ёки дори препаратлари қўлланганда, агар уларнинг бир хил терапевтик самарадорликка эга эканлиги исботланган бўлса,

харажатларни қиёслаш учун.

*Иккинчидан*, генерик дори препаратларини фармакоиктисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш имкони мавжуд.

Фармакоиктисодий таҳлил соҳасида генерик дори воситаларини баҳолаш мутахассислар учун алоҳида назарий муаммо ҳисобланади. Айнан генерик дори воситалари ҳисобига баъзи давлатларда клиник амалиётга самарали тиббий технологияларни жорий қилиш тўхтаб турибди. Сўз, етарли молиялаштирилмаганлиги сабабли соғлиқни сақлаш органлари томонидан хато режалаштириш, шунингдек, оригинал ва генерик дори препаратларини солиштирувчи клиник тадқиқотларнинг сони озлиги ёки тўлиқ олиб борилмаганлиги боис етарлича самарали ва хавфсиз бўлмаган генерик дори воситалари қўлланилиши ҳақида кетмоқда.

Россияда бисопрололнинг иккита дори препарати – оригинал Конкор ва генерик Бисогамма самарадорлигини ҳамда қўтараолишлигини текшириш бўйича очик, кесишган рандомизирланган қиёсий тадқиқот олиб борилган. Натижада Конкорга нисбатан Бисогамманинг клиник устунлиги (артериал босимнинг мақсадли рақамларига етиб борган шахслар сони бўйича баҳоланган самарадорлик) arteriyal гипертензияли 100 нафар bemorga нисбатан 22983,5 рублни ташкил қилувчи иқтисодий самара билан кечиши аниқланган. Олинган натижаларга биноан, arteriyal гипертензияни даволашда Конкордан Бисогаммага ўтиш қўшимча равишда 2,5% га кўпроқ bemorlarни даволаш имконини беради, шу жумладан, ҳам амбулатор, ҳам стационар босқичларида, бу arteriyal гипертензия тарқалганлигининг юқорилиги инботга олинганда, аҳоли орасидаги масштабида 1,063 – 1,366 млн. bemorni ташкил қиласди. Олинган натижалар Бисогаммани Конкорга нисбатан альтернатив деб ҳисоблаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, arteriyal гипертензияли ўрта ёшдаги bemorlarни даволашда стационар маблағларини тежашга олиб келади.

#### **4. 2. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули асосида ҳисоблаш методологияси**

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули ёрдамида ҳисоблашда бир хил терапевтик самарадорликка эга бўлган қўлланилаётган тиббий технологиялар қиймати ҳисобланиб,

таққосланади ҳамда энг кичик харажатларга эга технология танланади.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” таҳлил усуларининг бир кўриниши бўлиб, даволашнинг бир услубини бошқаси билан таққосламасдан баҳолаш, олиб борадиган “барча сарф-харажатларни таҳлил қилиш” ҳисобланади.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” –Cost minimization analysis (СМА) сарф-харажатларни минималлаштиришда терапевтик самарадорлиги бир хил бўлган бир неча хил дори воситалари орасидан қиймат кўрсаткичи энг кам бўлганини амалиётга тавсия этади.

Иккита ва ундан кўп муқобил даволаш услубарининг қиймати фарқларини қиёслаш учун ишлатилади (бу усублар ўзининг клиникадаги самарадорлиги бўйича тенг қийматли бўлса).

Ўрганилаётган услубларнинг касалликни дори воситалари билан даволаш самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар адабиёт манбаларидан ва клиника таҳлиллари натижаларидан олинади. Кейинчалиқ, агар зарурат бўлса, қуйидаги формула бўйича ҳисобкитоблар олиб борилади.

Сарф-харажатларни камайтириш қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$- DC_2 \text{ ёки СМА} = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2).$$

Бу ерда, СМА – сарф-харажатларни фарқлаш кўрсаткичи;  
– биринчи усулдан фойдаланишдаги бевосита сарф-харажатлар;  
– биринчи усулни қўллашдаги билвосита сарф-харажатлар;  
ва  $IC_1$  – мувофиқ тарзда биринчи усулни қўллашдаги бевосита ва билвосита сарф-харажатлар;  
ва  $IC_2$  – мувофиқ тарзда иккинчи усулни қўллашдаги бевосита ва билвосита сарф-харажатлар.

Бевосита нотиббий харажатлар, стационардаги кунлар сони.

Бевосита тиббий харажатлар, даволаш ёки дори воситаларининг нархи.

Сарф-харажатларни камайтириш таҳлилида исботланган идентик самарадорликка эга муқобил аралашув харажатлари қиёсланади. Сарф-харажатларни камайтириш таҳлилий харажатлар – самарадорлик таҳлилиниң кичик тури ҳисобланади.

Амалда аксарият ҳолларда “Харажатларни минималлаштириш

тахлили” усули бўйича ҳисоб-китобларда фақат бевосита тиббий харажатлар инобатга олинади ва ҳисоблаш формуласи қуидаги кўринишга эга бўлади:

– DC<sub>2</sub>,

бу ерда, СМА – иккита тиббий технологиялар харажатлари ўртасидаги фарқ;

ва DC<sub>2</sub> – тегишли равишда биринчи ва иккинчи тиббий технологиялар қўлланганда сарфланган бевосита харажатлар.

Фармакоиктисодий таҳлиллар ва илмий изланишларда тиббиёт, фармацевтика ҳамда иқтисодиётдаги ўлчов бирликларига қатъий риоя қилиш шарт. Мисол учун, қуида ўлчам бирликлари ва уларнинг ёзилиши берилган.

### **Узунлик:**

м – метр;

см – сантиметр;

мм – миллиметр;

мкм – микрометр.

### **Ҳажм (сифим):**

мм<sup>3</sup> – миллиметр куб;

мкм<sup>3</sup> – микрометр куб;

л – литр;

мл – миллилитр;

мкл – микролитр.

### **Вақт:**

сек – секунд;

мин – минут;

с – соат;

к – кун.

### **Масса:**

г – грамм;

мг – миллиграмм;

мкг – микрограмм;

нг – нанограмм;

ПГ – пикограмм;

МОЛЬ – МОЛЬ;

ММОЛЬ – МИЛЛИМОЛЬ;

МКМОЛЬ – МИКРОМОЛЬ;

НМОЛЬ – НАНОМОЛЬ;

Я қ. – КҮРИШ МАЙДОНИ;

ММ. СИМ. УС. – МИЛЛИМЕТР СИМОБ УСТУНИ;

ХБ – ХАЛҚАРО ЎЛЧОВ БИРЛИГИ МКМОЛЬ / (МИН. Л.).

ШУ КАБИ, ДОЗАСИ (МГ, ХБ, ТБ ВА ҲОКАЗОЛАР), КОНЦЕНТРАЦИЯСИ (МГ/МЛ, ХБ/МЛ, ТБ/МЛ ВА ҲОКАЗОЛАР).

3-ЖАДВАЛДА КЛАССНИНГ НОМЛАНИШИ, НОЛЛАР СОНИ, СОНЛАРНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРТИБИ КЕЛТИРИЛГАН.

3-ЖАДВАЛ

### КЛАССНИНГ НОМЛАНИШИ, НОЛЛАР СОНИ, СОНЛАРНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРТИБИ

Тр	Класснинг номланиши	Ноллар сони	Сонларнинг ёзилиши	
1.	Минг	3	1 000	$10^3$
2.	Миллион	6	1 000 000	$10^6$
3.	Миллиард (билион)	9	1 000 000 000	$10^9$
4.	Триллион	12	1 000 000 000 000	$10^{12}$
5.	Квадриллион	15	1 000 000 000 000 000	$10^{15}$
6.	Квинтиллион	18	1 000 000 000 000 000 000	$10^{18}$

4-ЖАДВАЛДА АСОСИЙ ЎЛЧАМ БИРЛИКЛАРИ, АСОСИЙ ЎЛЧАМЛАР НОМИ, ЎЛЧАМЛИГИ, НОМИ, БЕЛГИЛАНИШИ, АСОСИЙ ЎЛЧАМЛАР БИРЛИКЛАРИ ТАЪРИФИ БЕРИЛГАН.

## Асосий ўлчам бирликлари

Тр	Асосий ўлчамлар		Асосий ўлчамлар бирликлари		
	номи	ўлчамлиги	номи	белгиланиши	таърифи
1.	Узунлик	L	метр	m	метр – ёруғлик 1/299792458 секунд вақт оралиғида вакуумда босиб ўтиладиган масофа.
2.	Масса	M	килограмм	kg	килограмм – масса бирлиги бўлиб халқаро килограмм прототипининг массасига teng.
3.	Вақт	T	секунд	s	секунд – цезий-133 атоми асосий ҳолатининг икки ўта нозик сатҳлари орасидаги бир-бирига ўтишига мувоғиқ келадиган нурланишнинг 9 192 631 770 даври.
4.	Электр токи (электр токи кучи)	I	ампер	A	ампер – вакуумда бир-биридан 1 метр оралиқда жойлашган, чексиз узун, ўта кичик думалоқ қўндаланг кесимли икки параллел тӯғри чизиқли ўтказгичлардан ток ўтганда ўтказгичнинг ҳар 1 метр узунлигига $2 \cdot 10^{-7}$ ньютонга teng ўзаро таъсир кучини ҳосил қиласиган ўзгармас ток кучи.

#### 4-жадвалнинг давоми

5.	Термодинамик ҳарорат*		Кельвин	K	кельвин – термодинамик ҳарорат бирлиги бўлиб, у сувнинг учланма нуқтаси термодинамик ҳароратининг $1/273,16$ қисмига тенг.
6.	Модда миқдори	N	Моль	mol	моль – массаси $0,012$ килограмм бўлган углерод-12да қанча атом бўлса, ўз таркибига шунча элементларини олган тизимнинг модда миқдори.
7.	Ёруғлик кучи	J	Кандела	cd	кандела – берилган йўналишда $540 \cdot 10^{12}$ герц частотали монохроматик нурланишни тарқатувчи ва шу йўналишда энергетик ёруғлик кучи $1/683$ ватт тақсим стерадиан.

\* Кельвин термодинамик ҳарорати (белгиси K) билан бир қаторда цельсий ҳарорати (белгиси  $^{\circ}\text{C}$ ) қўлланилишига рухсат этилади.

## **“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”да Н<sub>2</sub>-рецептор антагонистлари гурухидаги дори воситаларини ҳисоблашга мисоллар**

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усулида ҳисобкитоблар қилишга мисолларда дори препаратлари тенг самарадорлик ва хавфсизлик намоён қилиши клиника синовлари натижаларига кўра маълум эканлигини инобатга олиб, таъсир қилувчи моддаси фамотидин бўлган Н<sub>2</sub>-рецепторларининг антагонистлари гурухидан бўлган дори препаратлари ёрдамида сурункали гастритга чалинган bemorларни даволашнинг фармақиқтисодий таҳлилини ўтказишга мисол келтирамиз. Ҳисобкитобларда қўйида келтирилган маълумотлардан фойдаланилади.

Биринчи мисолда, Н<sub>2</sub>-рецепторларининг антагонистлари гурухидан бўлган дори препаратлари тавсифи (таъсир қилувчи модда – фамотидин)

-жадвалда халқаро патентланмаган номдаги “Фамотидин” дори препаратларининг тавсифи, нархлари берилган.

Даволаш курсининг давомийлиги – 30 кун. Барча дори препаратлари учун бир қунлик доза – 40 мг.

### **Халқаро патентланмаган фамотидин дори препаратларининг тавсифи 5-жадвал**

Тр	Дори препаратининг савдо номи	Чиқарилиш шакли	Қадоқ нархи, сўм
	Фамотидин, ФК “Саломатлик”	Таблеткалар, 0,02 г, 10 дона	
	Квамател, “Gedeon”	Таблеткалар, 0,02 г, 28 дона	
	Ульфамид, “KRKA”	Таблеткалар, 0,02 г, 20 дона	

### **Ҳисоблаш усули**

Топшириқ шартидан фамотидин дори препаратлари тенг терапевтик самарадорлик ва хавфсизлик намоён қилиши маълум бўлганлиги боис фармақиқтисодий таҳлилни «харажатларни

минималлаштириш» усули бўйича ўтказилди.

*Дори воситаларининг битта таблеткалари қанча туришини ҳисоблаш*

Дори препаратининг 1 дона таблеткалари қиймати = дори препарати қадоғининг нархи / қадоқдаги таблеткалар сони:

- а) Фамотидин –  $2200 / 10 = 220$  сўм;
- б) Квамател –  $2800 / 28 = 100$  сўм;
- в) Ульфамид –  $700 / 20 = 35$  сўм.

*Бир кунлик дозада дори препарати таблеткаларининг сонини ҳисоблаш*

Фамотидин дори препаратларининг битта таблеткаларида 20 мг. таъсир қилувчи модда сақлангани, бир кунлик доза эса 40 мг.ни ташкил қилганлиги боис бир кун давомида bemor 2 та таблеткани қабул қилиши зарур.

*Дори препаратларининг бир кунлик дозаси қийматини ҳисоблаш*

Бир кунлик доза қиймати = 1 та таблетка қиймати × таблеткаларнинг бир кунлик сони:

- а) Фамотидин –  $220 \text{ сўм} \times 2 \text{ таблеткалар} = 440 \text{ сўм};$
- б) Квамател –  $100 \text{ сўм} \times 2 \text{ таблеткалар} = 200 \text{ сўм};$
- в) Ульфамид –  $35 \text{ сўм} \times 2 \text{ таблеткалар} = 70 \text{ сўм}.$

*Даволаши курси қийматини ҳисоблаш*

Даволаш курси қиймати = бир кунлик доза қиймати × курс давомийлиги

- а) Фамотидин –  $440 \text{ сўм} \times 30 \text{ кун} = 13200 \text{ сўм};$
- б) Квамател –  $20 \text{ сўм} \times 30 \text{ кун} = 6000 \text{ сўм};$
- в) Ульфамид –  $60 \text{ сўм} \times 30 \text{ кун} = 1800 \text{ сўм}.$

*Жавоб:* Фамотидин дори препаратлари орасида сурункали гастритга чалинган bemorларни даволаш учун “Саломатлик ФК” томонидан ишлаб чиқарилган “Фамотидин” энг арzon вариант ҳисобланади, чунки у ўрганилган дори препаратлари ичida сурункали гастритни даволаш курсининг минимал қийматига ( $13200$  сўм) эга.

*Ўтказилган фармақоиктисодий ҳисоб-китоблар натижаларини таҳлил қилиши*

Сурункали гастритга чалинган bemorларни даволашда  $H_2$ -рецепторларининг антагонистлари гуруҳидан бўлган ФК “Саломатлик” томонидан ишлаб чиқарилган “Фамотидин” дори воситасини қўллаш, бошқа дори препаратларига нисбатан, даволаш

сарф-харажатларининг кам бўлишига қараб бемор ёки давлат маблағларини тежаш имконини беради.

### **“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули асосида риносинусит касаллигида қўлланадиган дори воситалари таҳлили**

Иккинчи мисолимизда, риносинусит касаллиги билан даволангандар беморларда “Касаллик қиймати таҳлили”, “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” ўтказилди.

Таҳлил обьекти: Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академиясининг II клиникаси, Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг жамланма нархномасидаги дори препаратларининг нарх-навоси.

Дори воситалари ассортиментини таҳлил қилишда республикамиз тиббиёт амалиётида ишлатиш учун рухсат этилган риносинусит касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситаларининг умумий ва индивидуал хусусиятларига асосланган ҳолда таҳлил қилинди. Умумий ҳисобда риносинусит касаллигида қўлланадиган дори воситалари Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестри бўйича 178 тани ташкил этади.

6-жадвалда риносинусит касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг қайд этилиш қўрсаткичи берилган.

6-жадвалда келтирилган қўрсаткичга кўра, хориждан келтирилган дори воситалари 141 тани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида ишлаб чиқарилган дори воситалари 22 тани, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари 15 тани ташкил қилди.


-жадвал

**Риносинусит касаллигига қўлланадиган дори воситаларининг  
Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва  
тиббий буюмлар Давлат Реестрида қайд этилиши қўрсаткичи**

Ишлаб чиқарувчилар	Дори воситалари	Фоиз
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар	15	8,4
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ишлаб чиқарувчилари	22	12,4
Хорижий ишлаб чиқарувчилар	141	79,2
Жами	178	100

Риносинусит касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситалари қўйидаги фармакотерапевтик гурӯхларга бўлинади: лор органларини даволовчи дори воситалари, сульфаниламиidlар, антибиотиклар, синтетик антибактериал дори воситалари, макролитиклар, бронхолитиклар, иммуномодуляторлар, балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши ностероид воситалар ва ферментлар.


1-графикда Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестри бўйича қўйидаги фармакотерапевтик таъсири бўйича таҳлил натижалари фоиз қўрсаткичларини қўрадиган бўлсак, синтетик антибактериал дори воситалари – 36,2%, макролитиклар – 27,6%, антибиотиклар – 21,3%, лор органларини даволовчи дори воситалари – 6,4%, балғам кўчирувчилар – 4,3%, бронхолитиклар – 1,4%, сульфаниламиidlар – 0,7%, иммуномодуляторлар – 0,7%, яллиғланишга қарши ностероид воситалар – 0,7%, ферментлар – 0,7%ни ташкил этиши аниқланди.



**1-график. Риносинусит касаллигига қўлланадиган дори воситаларининг Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрида қайд этилиш кўрсаткичи.**

Фармацевтика бозорида турли саноатчилар томонидан риносинусит касаллигига қўлланадиган халқаро ва савдо номи бўйича дори воситаларининг ассортименти таҳлил қилинди. Фармакологик групга тегишли халқаро ва савдо номи, дори шакли, дозаси бўйича хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан дори воситаларининг қайд этилиш кўрсаткичи юқори эканлиги аниқланди.


Таҳлилнинг кейинги босқичида Тошкент тиббиёт академияси II клиникасининг “Катталар ЛОР” бўлимида таҳлиллар олиб борилганда, риносинусит касаллиги билан даволанган 67 нафар bemorning тиббий баёни ретроспектив таҳлил қилинди.



**1-диаграмма. Сегментлари бўйича риносинусит касаллиги билан хасталangan аёл ва эркак bemorlarning касалланиш кўрсаткичи.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси II клиникасининг “Катталар ЛОР” бўлимида таҳлилларимизни олиб борганимизда, bemorlarning ўртача стационар шароитда даволаниши 5 кунни ташкил қилди. Ушбу бўлимда даволанган bemorlar 67 нафар бўлиб, бўлимга ўзлари келганлар 58 нафарни, тез тиббий ёрдам машинасида келтирилганлар 9 нафарни ташкил этди. Уларнинг сегментлари ўрганилганда, эркак bemorlarning ёши 19 – 72, аёлларники 18 – 74 ёшни ташкил этди. 1-диаграммада риносинусит касаллиги билан даволанган 67 нафар bemorning 36 нафари аёлларни (55,4 %), 31 нафари эркакларни (44,6 %) ташкил этгани кўрсатилган.

1-гистограммада аёлларда риносинусит касаллиги билан хасталаниш кўрсаткичи юқори эканлиги аниқланди.



### **1- гистограмма. Сегментлар бўйича риносинусит касаллигининг ҳудудлардаги қўрсаткичи.**

Риносинусит касаллиги билан оғриган 67 нафар беморнинг 37 нафари (55,2 %) шаҳар, 30 нафари (45,8 %) қишлоқ ахолисини ташкил этди. Риносинусит касаллигини даволашда шаҳар жойларидағи bemorlar клиника кузатувларида кўпроқ иштирок этдилар.

Шу билан бирга, риносинусит касаллигини даволашда кенг қўлланадиган халқаро номдаги “Цефтриаксон” дори воситаларининг истеъмолини таҳлил қилдик.

7-жадвал

## Халқаро номи “Цефтриаксон” дори препаратлари нархларининг қиёсий таҳлилидан лавҳа

Тр	Савдо номи	Нархи, сум	Фарқи	Воситачи фирмалар	Ишлаб чиқарувчи корхоналар	Давлатлар
		3	4			
1.	Витаксон, флакон, 1 г	1300	27851	Jurabek МЧЖ	Jurabek Laboratories ҚҚ, МЧЖ	Ўзбекистон
2.	Цефтриаксон, флакон 1 г	1365	27786	Asklepiy МЧЖ	Dentafill Plyus ХФ	Ўзбекистон
3.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1400	27751	Sogdapharm МЧЖ	Биосинтез ОАЖ	Россия
4.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1445	27706	Sonata Holding МЧЖ	Radiks НПП	Ўзбекистон
5.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1450	27701	Sam Eko Farm МЧЖ	Биосинтез ОАЖ	Россия
6.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1500	27651	Radiks НПП	Radiks НПП	Ўзбекистон
7.	Цефтриаксон – Sanita, флакон, 1 г	1600	27551	Garmonia farm МЧЖ	ATM Sanita Pharma МЧЖ	Ўзбекистон
8.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1640	27511	Versus МЧЖ	Биосинтез ОАЖ	Россия
9.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1687	27464	Malham servis МЧЖ	NCPC	Хитой
10.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1690	27461	Sogdapharm	Sanavita МЧЖ	Германия
11.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1700	27451	Dentafill Plyus ХФ	Dentafill Plyus XK	Ўзбекистон
12.	Цефтриаксон СРН, флакон, 1 г	1728	27423	Malham servis МЧЖ	BV CPH Holland	Хитой
13.	Цефтриаксон – Sanita, флакон, 1 г	1749	27402	ATM partners МЧЖ	ATM Sanita Pharma МЧЖ	Ўзбекистон
14.	Цефтриаксон СРН, флакон, 1 г	1759	27392	Asklepiy	BV CPH Holland	Хитой
15.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1760	27391	Malham servis МЧЖ	Radiks, НПП	Ўзбекистон
16.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1785	27366	MFS-servis МЧЖ	Merry Med Farm ҚҚ, МЧЖ	Ўзбекистон

7-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7
17.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1800	27351	Navbahor savdo МЧЖ	Nika pharm ШХЖ	Ўзбекистон
18.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1837	27314	Asklepiy МЧЖ	Merry Med Farm КК, МЧЖ	Ўзбекистон
19.	Цефтриаксон – Sanita, флакон, 1 г	1849	27302	Ўзбекистон “Дори-дармон” таъминоти	ATM Sanita Pharma МЧЖ	Ўзбекистон
20.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	1900	27251	Navbahor savdo МЧЖ	Nova Pharm plus КК, МЧЖ	Ўзбекистон
21.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	2070	27081	Lahisam МЧЖ	Биосинтез ОАЖ	Россия
22.	Цефтриаксон – Sanita, флакон, 1 г	2241	26910	Asklepiy МЧЖ	ATM Sanita Pharma МЧЖ	Ўзбекистон
23.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	2300	26861	Navbahor savdo МЧЖ	Деко Синтез ОАЖ	Россия
24.	Цефтриаксон – Sanita, флакон, 1 г	2500	26651	Malxam servis МЧЖ	ATM Sanita Pharma МЧЖ	Ўзбекистон
25.	Цефтриаксон БХФЗ, флакон, 1 г	2500	26651	Sam Eko Farm МЧЖ	Борщаговский ХФЗ, ЁАЖ, НПЦ	Украина
26.	Цефтриаксон, флакон, 1 г	2600	26651	Navbahor savdo МЧЖ	Nika pharm ШХЖ	Ўзбекистон
27.	Цефтриаксон КМП, флакон, 1 г	2841	26310	Diyor Biznes МЧЖ	Киевмедпрепарат ОАЖ	Украина
28.	Пео флакон, 1 г 1 дона	19469	9682	Asklepiy МЧЖ	GM Pharm LTD, PS Pgraup	Грузия
29.	Цефамед, флакон, 1 г	24916	4235	Asklepiy МЧЖ	World Medicine, October Pharma	Египет
30.	Ротацеф, флакон, 1 г, 1 дона	29151	–	Asklepiy МЧЖ	RotaPharm LDP Laboratories, Torlan	Буюк Британия

Таҳлил натижалариға асосланиб, цефтриаксон дори воситаларининг 7-жадвалда халқаро номи “Цефтриаксон” дори препаратлари нархларининг қиёсий таҳлили, Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг жамланма нархномаси саҳифаси берилган. 18 мамлакатнинг 100 та фармацевтика корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган “Цефтриаксон” савдо номидаги дори препаратлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинди. Халқаро номи “Цефтриаксон” турли савдо номлари остида, чиқарилиш шакли ва дозасига кўра бир хил дори препаратлари кўриб чиқилди. 7-жадвалда Jurabek Laboratories ҚҚ МЧЖ ишлаб чиқарилган, Jurabek МЧЖ томонидан улгуржи дорихонада сотиладиган “Витаксон” флакони, 1 г дори препарати минимал нархда – 1300 сўм, қиёсий таҳлил қилинган Буюк Британия давлати томонидан қайд этилган, Rota Pharm LDP Laboratories, Torlan ишлаб чиқарилган, Asklepiy МЧЖ улгуржи воситачи фирма томонидан сотиладиган “Ротацеф” флакони, 1 г, 1 дона – 29151 сўм нархда максимал нархларда сотилмоқда. Ишлаб чиқарувчилар орасидаги фарқ 27 981 сўмни (22 баробарни) ташкил этди.

Таҳлиллар натижалариға асосланиб, “Цефтриаксон” дори воситаларининг истеъмолини Тошкент тиббиёт академияси II клиникасининг “Катталар ЛОР” бўлимида стационар шароитда даволанган 67 нафар беморларнинг биринчи гуруҳига (33 нафар бемор “Цефтриаксон 1 г”, “Деко Россия” ишлаб чиқарган дори препарати тавсия этилди. Иккинчи гуруҳга (34 нафар бемор) “Витаксон 1 г” “Jurabek Laboratories” ҚҚ МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган дори препарати тавсия этилди. Клиника кузатувларида дори препаратларининг самарадорлиги бир хил эканлиги аниқланди. Олиб борилган таҳлилларимиз давомида беморларда дори воситаларининг ножӯя таъсири кузатилмади. “Цефтрикасион” дори препаратлари қўлланилишининг фармакоиктисодий таҳлилида “Касаллик қиймати таҳлили” усулида касалликни даволашнинг тўғридан-тўғри ва қўшимча сарф-харажатлари ўрганилди. Стационар шароитда бир даволаш циклига сарф-харажатларнинг ўртacha суммаси 4–5 кун учун ўртacha йиғиндиси олинди. Риносинусит касаллигини даволашда сарф-харажатлар ҳисоблаб чиқилди. “Касаллик қиймати таҳлили” қуйидаги формула асосида олиб борилди:

$$COI = DC + IC.$$

Бу ерда, COI – касалланиш қиймати күрсаткичи;

DC – бевосита харажатлар;

IC – билвосита харажатлар.

Харажатлар “Цефтриаксон 1 г” билан даволашда:

$$COI = DC + IC = 400\ 512 + 279\ 208 = 679\ 720 \text{ сўм};$$

“Витаксон 1 г” билан даволашда  $COI = DC + IC = 308\ 184 + 279\ 208 = 587\ 392$  сўмни ташкил қилди.

Таҳлилнинг иккинчи босқичида клиника кузатувларида дори препаратларининг самарадорлиги бир хил эканлигига асосланиб, “харажатларни минималлаштириш таҳлили”дан фойдаландик.

$$CMA = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2),$$

бу ерда, CMA – харажатлар фарқи күрсаткичи;

$DC_1$  – биринчи даволаш усулида фойдаланилган бевосита харажатлар;

$IC_1$  – биринчи даволаш усулида фойдаланилган билвосита харажатлар;

унга мос равишда  $DC_2$  ва  $IC_2$  – биринчи ва иккинчи даволаш усулида фойдаланилган бевосита ва билвосита сарф-харажатлар.

8-жадвал

### препаратлари билан даволашда ўртача бир bemor учун “харажатларни минималлаштириш таҳлили”

Сарф-харажатлар таҳлили	Даволаш усуллари	
	Биринчи усул	Иккинчи усул
	«Цефтриаксон 1 г» «Navbahor savdo» МЧЖ, Деко Россия	«Витаксон 1 г», Laboratories» КК МЧЖ, Ўзбекистон
Бевосита харажатлар	400 512	308 184
Билвосита харажатлар	279 208	279 208
Жами	679 720	587 392
Фарқи	92 328	

$CMA = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2) = (400\ 512 + 279\ 208) - (308\ 184 + 279\ 208) = 679\ 720 - 587\ 392 = 92\ 328$  сўмни ташкил қилди.

Цефтриаксон дори препаратларининг “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархномаси”нинг қиёсий таҳлили ўтказилганда, 100 та дори препарати орасидаги фарқ (22 баробар) 27 981 сўмни ташки этди. Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги турли фирмалар томонидан халқаро номи “Цефтриаксон”, дори шакли ва дозаси бир хил, аммо савдо номи турлича дори препаратларининг нархлари орасидаги фарқ салмоқли эканлиги аниқланди.

8-жадвалда стационар шароитда риносинусит касаллигига қўлланадиган “Цефтриаксон”га нисбатан “Витаксон” дори препрати, бир даволаш курси учун бевосита сарф-харажатлар 92 328 сўмга қисқарди.

## **Хулосалар**

1. Фармакоиктисодиётда харажатларни минималлаштириш таҳлилиниң таърифи, мақсади, аҳамияти, ўтказиш босқичлари, афзаллиги таҳлил қилинди.

2. Харажатларни минималлаштириш таҳлили усули ёрдамида ҳисоблаш методологияси, харажатларни минималлаштириш таҳлилиниң камчиликлари ва тиббиётда қўлланиш соҳасида харажатларни минималлаштириш таҳлилини ўтказишга мисоллар келтирилди.

3. Таҳлил натижаларига кўра, “Цефтриаксон” дори воситаларининг халқаро, савдо номи, дори шакли, дозаси ва мақбул нархлари ҳақида аниқ ва равshan кўриниш берилиб, истеъмолчиларга уларнинг нархларига кўра танлаб олиш имконияти кўрсатилди.

4. Риносинусит касаллиги билан оғриган 67 нафар даволанган bemorlarning 37 нафари шаҳар, 30 нафар қишлоқ аҳолисини ташкил этди. Риносинусит касаллигига кенг қўлланадиган синтетик антибактериал дори воситалари 36,2%, макролитиклар 27,6%, антибиотиклар 21,3%, қулоқ-бурун-ҳалқум аъзоларини даволовчи дори воситалари 6,4 %ни ташкил этди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” таърифи, мақсадини изоҳланг.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”ни ўтказиш босқичлари, афзалигини тушунтириб беринг.

3. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули ёрдамида ҳисоблаш методологиясини таҳлил қилиб беринг.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”нинг камчиликлари ва қўлланиш соҳаси ҳақида тушунча беринг.

“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”ни ўтказишга мисоллар келтиринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 январь, 21-сон “Ўзбекистон Республикасида Ўлчам бирликларини қўллаш тўғрисида” қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

3. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.

4. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа», 2007, 335 с.

5. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

6. Сводный прайс лекарственных средств и изделий медицинского назначения: Информационное издание. – Ташкент, 2018. – №6/03. 6-230 с.

7. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

8. Суюнов Н.Д., Икрамова Г.М., Зайнутдинов Х.С. Сравнительный анализ цен бронхолитических, глюкокортикоидных и антиаллергических лекарственных средств

на фармацевтическом рынке Узбекистана Методические рекомендации. – Ташкент, 2010. ООО «KOLORIT GROUP» – 35 с.

9. Рузиев К.Р. Қон босими ошиши касаллигига қўлланадиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий тадқиқотлари // 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019 йил, 92-б.

11. Яковлева Л.В., Бездетко Н.В., Герасимова О.А., Мищенко О.Я., Ткачева О.В., Беркало Н.Н. Побочное действие лекарств / Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация». – Харьков: НФау, 2008, 5 с.

12. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

13. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

14. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

15. <http://www.Lex.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

16. <http://www.ziyonet.uz>

17. <http://www.ispor.org>

18. <http://www.minizdrav.uz>.

## **В БОБ ХАРАЖАТЛАР – САМАРАДОРЛИК ТАҲЛИЛИ**

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулининг мақсади, ўтказиш босқичлари ва шарт-шароитлари, турли тиббий технологиялар.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулини ўтказиш учун ахборот олиш манбалари, устувор муқобиллик, афзаллик ва камчиликлари.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили”ни ўтказишга мисоллар.

### **“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулининг мақсади, ўтказиш босқичлари ва шарт-шароитлари, турли тиббий технологиялар**

Фармакоиқтисодиёт – клиник фармакология, фармация ва соғлиқни сақлаш иқтисодиёти кесиши масида юзага келган янги йўналишдир. Фармакоиқтисодиётда маълум бир билимлар мажмуи ва хусусий методология яратилган, унинг мақсади бўлиб соғлиқни сақлаш ресурсларини оқилона ишлатиш ва аҳолининг фармакотерапиядаги эҳтиёжларини оптимал тарзда қониқтириш учун “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” таҳлилини оптимал коэффициенти билан тиббий технологияларни аниқлаш ҳисобланади. Фармакоиқтисодий тадқиқотлар мақсади – дори воситаларини қўллашнинг нархи ва самарадорлигини бир вақтнинг ўзида таққослаш ҳисобланади.

Турли тиббий аралашувларнинг фармакоиқтисодий самарадорлигини баҳолаш мақсадида бир нечта услублар қўлланилади. Фармакоиқтисодий таҳлилнинг 5 та асосий услуби мавжуд: “Харажатларни минималлаштириш таҳлили”; “Қиймат самарадорлик таҳлили”; “Харажатлар фойдалилик таҳлили”; “Харажатлар фойда таҳлили”; “Касалланиш қиймати таҳлили”.

“Харажатлар фойдалилик таҳлили” даволаш қиймати (нархи сўмда) ва унинг фойдалилик нисбатини аниқлашда фойдаланилади.

“Қиймат самарадорлик таҳлили” самарааси бир хил бирликларда ўлчанадиган, бироқ тадқиқот натижаси бўйича икки ёки ундан кўп тиббий аралашув фарқини солиштиришда фойдаланилади.

Маълумки, фармакоиктисодий таҳлилнинг стандарт услубларидан бири “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” ҳисобланади. Бунда, текширувнинг анча мураккаблигига қарамасдан, одатда биринчи услугуб кўп қўлланилади. “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” битта фармакологик гуруҳ ичидаги дори воситасини танлаш учун умумқабул қилинган услугуб ҳисобланади. Масалан, олмесартан, валсартан, лозартан ва ирберстанга солиштиргандага анча мақбул бўлиб чиқсан.

Нафақат қиммат табиий дори препаратларини, балки нисбатан арzon генерик дори воситаларини қиёсий фармакоиктисодий таҳлил қилиш ҳам кенг тарқалди.

Мисол тариқасида, артериал гипертензияни иккита **ААФ** ингибиторлар – эналаприл ва лизиноприл билан даволашнинг фармакоиктисодий таҳлилини келтирсак бўлади. Қайд этилганки, лизоноприл қабул қилишга ўтказилган беморлар гуруҳида ҳар бир беморни даволашда 85 дан 110 АҚШ долларигача (ёки ҳар ойда 2,04–2,61 долларгача) тежашга эришилган. Шунга ўхшаш тадқиқотда 109 нафар беморлардаги артериал гипертензияни даволашни каптоприлдан лизиноприлга алмаштиришда қайд қилинганки, 4 йилдаги тежамкорлик 287,231 АҚШ долларига тенг бўлган. Мултимарказли иккиталик рандомизирланган плацебо-назоратли тадқиқотда 1-даражали ва 2-даражали артериал гипертензияга эга 152 нафар (77 нафар эркак ва 75 нафар аёл жинсидаги) беморларни каптоприлли монотерапия (кунига 50 мг дан) ва гидрохлортиазид (кунига 25 мг дан) билан даволаш самарадорлиги текширилган ва ушбу дори воситаларининг бир хил антигипертензив самараси аниқланган.

Бошқа тадқиқотда, таркибига ААФ ингибитори киритилган – эналаприл ва диуретик даридарий препаратларининг иккита комбинациясининг фармакоиктисодий таҳлили “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” услубида текширилган. Мақсадли артериал босимга эришиш учун кетган сарфлар даволашнинг биринчи ойида 298,62 рублни ташкил қилган. Демак, эналаприл/гидрохлортиазид кўринишидаги табиий фиксацияланган комбинациясини эналаприл/индапамид даридарий препаратларининг фиксацияланмаган комбинацияси билан солиштирилганда анча самарали ва каттагина тежамкорликка эгалиги аниқланди.

Эналаприлнинг турли даридарий препаратларининг терапевтик эквивалентлигини текширишда тасдиқланганки, бир хил халқаро

патентланмаган турли савдо номидаги дори воситаларининг самарадорлиги ҳам ҳар хил бўлган.

Бошқа муаллифлар ишларида эналаприлнинг турли дори препаратлари қиёсий таққосланди. Ҳар бир дори препарати билан бир ойда даволаш нархи аниқланди. Табиий дори препарати қўлланилганда даволаш нархи анча паст бўлди, генерик дори препаратлари ишлатилганда даволашга кетган харажатлар 1,5 марта ошди. Олинган натижаларга биноан, ўрами бўйича энг арzon дори препарати артериал гипертензия терапиясида энг қиммат бўлиб чиқди, сабаби даво самарасига эришиши учун анчагина юқори дозалар зарур бўлди.

Бошқа тадқиқотда, таркибига ААФ ингибитори киритилган – эналаприл ва диуретик дори препаратларининг иккита комбинациясининг фармакоиқтисодий таҳлили “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” услубида текширилган. Мақсадли артериал босимга эришиши учун кетган сарфлар терапиянинг биринчи ойда 298,62 рублни ташкил қилган. Демак, эналаприл/гидрохлортиазид кўринишидаги табиий фиксацияланган комбинацияси эналаприл/индапамид дори препаратларининг фиксацияланмаган комбинацияси билан солиштирилганда анча самарали ва катта тежамкорликка эгалиги аниқланди.

Волгоград шаҳрида артериал гипертензияли беморларда лизиноприл дори препаратлари – оригинал Диротон (5 мг, Gedeon Richter, Венгрия) ва Лизорил (10 мг, Ipsa Laboratories, Индия) дори воситаларини клиник ва фармакоиқтисодий самарадорлигини солиштириш борасида очик рандомизирланган тадқиқот олиб борилган. “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” коэффициенти Лизорилга солиштирганда Диротонда 1,6 марта яхши бўлди.

Эналаприлнинг генериклари (Эднит, Эналаприл («Новомед») орасида Энап (Энам) энг кам клиник самарани кўрсатди, эднит ва эналаприл энг яхши самарадорликка эга бўлган. “Харажатлар – самарадорлик таҳлили”нинг энг яхши кўрсаткичига эналаприл эга бўлди, ундан кейин эднит ва энап дори препаратлари келди. Энам паст клиник самарани кўрсатди ва оқибатда, бошқа генерикларга солиштирганда паст нархига қарамасдан “харажат – самарадорлик” бўйича энг юқори кўрсаткичига эга бўлди. Артериал босимни мақсадли тушириш даражасига эришиш учун дори препарати дозасини кўтариш орқали даволашни коррекциялаш талаб қилинди, бу эса дори препаратнинг арzon бўлишига қарамасдан даволаш

нархининг ошишига олиб келди. Шунинг учун фармакоиқтисодий нұқтаи назардан Энам анча мақсадға мувофиқ деб топилған. Метапролол генериклари орасидан Метокард, Вазокардин ва Корвитолга нисбатан Эгилокни тайинлаш фармакоиқтисодий жиҳатдан мақсадға мувофиқ, бу дори воситасининг анча паст нархдалиги билан боғлиқ (ушбу дори препаратлари биоэквивалент, терапевтик самараси бўйича бир хил нархда).

Амлодипин генериги Кардиолипин “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” кўрсаткичи бўйича Норваск билан солиштиргандан иқтисодий жиҳатдан анча қулай. Фенигидин ва Кордафлекс (нифедипин генериклари) Кордафен, Коринфарм, Верапамил ва Дилтиаземга солиштиргандан оптимал нарх самара кўрсаткичига эга бўлди.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” – Cost effectiveness – касалликларни дори воситалари билан даволашда муқобил тиббий технологияларнинг ҳам қиймати (пул бирлигига), ҳам самарадорлигини (бир хил натурал ёки физик бирликларда) ҳисобга оловчи усул. “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” коэффициенти – интеграл кўрсаткич кўринишида таққослашни назарда тутувчи фармакоиқтисодий таҳлил усулидир.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулининг мақсади – самарадорликни қиймати, нархи жиҳатдан баҳолаш, аниқроғи – харажат самарадорлигини баҳолаш, яъни у ёки бу тиббий технологиялар учун самарадорлик бирлигининг қийматини аниқлаш ва охир-оқибатда энг арzon даволанишини эмас, балки энг самарали даволашни аниқлашдан иборт.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усули самарадорлик бирлигининг қиймати, харажатларнинг солиштирма самарадорлиги ва қўшимча афзалликка, ютуқقا эга бўлиш учун сарфлаш зарур бўлган қўшимча пул суммасини, инкрементал кўрсаткич, масалан, bemорларни сақлаб қолинган ҳаётининг қўшимча йилининг қийматини аниқлаш имконини беради.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулида фармакоиқтисодий таҳлилни ўтказиш шарт-шароитларида таҳлилни ўтказишида турли тиббий технологиялар учун самарадорлик кўрсаткичларини танлашга қўйилган талаблар мавжуд.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулида фармакоиқтисодий таҳлилни ўтказиш учун ахборот олиш манбалари бўлиш керак.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” – Cost effectiveness analysis (CEA) натижалари доминант, устувор тиббий технологиялар “устувор муқобиллик”, яъни касалликларни дори воситалари билан даволашда қиёсланаётган усуллар ичида пастроқ ёки бир хил нархда кўпроқ самарадорликни таъминлаб берувчи усулни аниқлаш имконини беради.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” – Cost effectiveness analysis (CEA) коэффициентини CER ҳисоблаш, уни оптимал, мўътадил тиббий технологияларни танлашнинг асосий мезони сифатида қўллаш лозим.

“Устувор муқобиллик” тушунчаси. Бу турдаги таҳлилни ўтказишда таҳлил қилинаётган тиббий технологиялардан ҳар бири учун “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” – Cost effectiveness sis (CEA) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

бу ерда, DC – бевосита харажатлар (direct costs);

IC – билвосита харажатлар (indirect costs);

– танланган бирликлардаги даволаш самарадорлиги (effectiveness).

Инкрементал таҳлил

CER қиймати самарадорлик бирлигига, масалан, битта беморга тўғри келадиган харажатларни кўрсатади.

Ҳар бир тиббиёт технологиялари, даволаш усули учун CER ҳисоблаб топилгач, улар таққосланади.

Самарадорлик бирлигига кам харажатлар, яъни харажатлар самарадорлигининг солиштирма кўрсаткичи – CER кичик қийматга эга эканлиги билан тавсифланувчи тиббий технологиялар иқтисодий нуқтаи назардан энг мақбули ҳисобланади.

Муқобил тиббий технологияларни таққослашда уларнинг қиймати, нархи ва самарадорлиги ўртасида ўзаро муносабатларнинг турли варианлари бўлиши мумкин.

Касалликларни дори воситалари билан даволашнинг иккита ва ундан кўпроқ муқобил услубларининг қиймати фарқларини, шунингдек, уларнинг клиника самарадорлигидаги фарқларни, тафовутларни қиёслаш учун қўлланилади.

9-жадвалда “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулида I ва II тиббий технологияларни қиёсий ўрганиш бўйича олиниши мумкин бўлган натижалар берилган.

**“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулида I ва II тиббий технологияларни қиёсий ўрганишда олиниши мумкин бўлган натижалар**

Самарадорлик	Киймати, нархлари			
	Инкрементал таҳлилни ўтказиш	I доминант	I доминант	
	II доминант	Танлаш варианти I ёки II натижалар бир хил	I доминант	
	II доминант	II доминант	Инкрементал таҳлилни ўтказиш	

Касалликларни дори воситалари билан даволашнинг ҳар бир муқобил схемаси учун “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” Cost tiveness analysis – CEA нисбати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$CEA = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2) / Ef_1 - Ef_2,$$

бу ерда,

CEA – харажатлар самарадорлик нисбати, самарадорлик бирлигига тўғри келувчи харажатларни кўрсатади;

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулида I ва II тиббий технологияларни қиёсий ўрганишда олиниши мумкин бўлган натижалар.

$$ICER = (DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2) / (Ef_1 - Ef_2)$$

- биринчи усулдан фойдаланишдаги бевосита харажатлар;
- биринчи усулдан фойдаланишдаги билвосита харажатлар;
- иккинчи даволаш усулидаги бевосита харажатлар;

- иккинчи даволаш усулидаги билвосита харажатлар;
- $Ef_2$  – мувофиқ равищда биринчи ва иккинчи усуллардан фойдаланишдаги даволаш самарадорлиги.

ICER қиймати, катталиги самарадорликнинг битта қўшимча бирлиги қийматини кўрсатади.

Инкрементал кўрсаткични ҳисоблашда албатта *референт технология* – унга нисбатан барча қолган, ўрганилаётган технологиялар учун ICER ҳисобланадиган, кичик рухсат этилган самарадорликка эга тиббий технологияларни танлаш зарур.

Қуйидаги формула бўйича ҳам ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Бунда харажатлар самарадорлигининг ўсиш коэффициенти “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” инкрементал кўрсаткичини ҳисоблаш, референт тиббий технологияларнинг тушунчаси бўлади.

Агар тиббий технологиялардан биттаси ҳам аниқ доминант, устувор бўлмаса, инкрементал таҳлилни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у самарадорликнинг қўшимча бирлиги қийматини баҳолаш имконини беради.

Инкрементал таҳлилни ўтказишида харажатлар самарадорлигининг ўсиш коэффициенти, харажатлар самарадорлигининг инкрементал кўрсаткичи, *incremental cost-effectiveness ratio* (ICER)ни ҳисоблаш амалга оширилиб, у қўшимча афзалликка, ютуқقا эга бўлиш учун сарфлаш зарур бўлган қўшимча пул суммасини аниқлаш, яъни бошқа даволаш усулига нисбатан самаралироқ ва қимматроқ даволаш усулини қўллаганда самарадорликнинг қўшимча бирлиги қийматини аниқлаш имконини беради.

### **“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулини ўтказиш учун ахборот олиш манбалари, устувор муқобиллик, афзаллик ва камчиликлари**

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” – Cost effectiveness analysis (CEA) клиника самарадорлигининг бирлигига тўғри келувчи сарф-харажатларни ҳисоблашни кўзда тутиб, у бевосита клиникадаги ўлчамлар (arteria босими, гемоглобин даражаси) кўринишида, “Беморларнинг сақланиб қолган умр йиллари”, меҳнатга ноқобиллик кунларини қисқариши, шунингдек, касалланишнинг аниқ ташхисланган сони ёрдамида ўлчаниши мумкин. У турлича самарадорлик даражаларига эга икки ёки ундан

ортиқ тиббий технологиялар ёрдамида бир хил даволаш мақсадини күзланганда құлланилади. Бу таҳлил бир вақтнинг үзида харажатлар билан бирга құлланилаётган даволаш чоралари самарадорлигини ҳисобға олиш ва қиёслаш имконини беради.

Таҳлил икки босқичда үтказилади. Биринчи босқичда бир bemorga ўртача ёки якуний харажатлар миқдорини аниқлаш учун тиббий аралашув натижалари таҳлил қилинади. Бу босқичда қарорлар таҳлилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. У муқобил клиника вариантларидан бирини танлашга ёндашувни акс эттиради ҳамда мураккаб муаммо ва жараёнлар бўйича қарорлар қабул қилиш имконини бериб, улар таҳлил учун алоҳида блокларга бўлинади.

График тарзда блоклар қарорлари дарахти кўринишида тасвирланиб, у стратегия танловининг муқобили, кейинги ҳодисалар ва якуний натижалар, якунларининг юз бериш мумкин бўлган эҳтимоллик даражаси ҳисобланади. Клиника қарорлари дарахтини ҳосил қилиш учун муаммони аниқ белгилаш, муваффакиятли, муваффакиятсиз якуний натижаларни ёритиш, bemorni даволашнинг муқобил стратегиялари ва уларнинг самарадорлигини ифодалаш, юз бериши мумкин бўлган эҳтимоллик даражасини баҳолаш фоизда, шунингдек, жараённинг вақтинча ўлчамларини белгилаш зарур.

Ҳар бир ҳаракат стратегияси бўйича кутилаётган харажатлар, ҳар бир босқичдаги харажатларни бу босқичда содир бўлиш эҳтимолига эга ҳодисаларнинг юзага келиш умумий эҳтимолига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Сўнгра стратегияларнинг турли вариантларини тақдим этишда, сотишда кутилаётган харажатлар миқдори бўйича ўзаро қиёсланади.

Иккинчи босқичда калькуляция тузилиб, bemorlarни даволаш бўйича ҳисобланаётган ҳар бир вариант бўйича харажатлар самарадорлиги коэффициентлари қиёсланади. Харажатларнинг ўртача самарадорлиги ҳар бир муқобил даволаш варианти бўйича аввалдан белгиланган якуний натижага эришиш учун зарур харажатларни ўлчаш йўли билан ҳисобланиши мумкин. Даволаш вариантларидан бири бўйича харажатлар самарадорлигини ошириш ҳисоб-китоби амалга оширилади. Олинган маълумотлар бошқа даволаш вариантлари натижалари билан қиёсланади. Бундай ҳолатда таҳлил якуний даволаш натижаси қўшимча бирлигининг қийматини кўрсатади.

## **“Харажатлар – самарадорлик таҳлили”ни ўтказишига мисоллар**

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” – *Cost effectiveness analysis (CEA)* усулiga мисол қилиб бронхиал астмани даволаш учун замонавий дори препаратларининг клиник-иктисодий самарадорлигини келтирамиз.

Бронхиал астмани даволашнинг асосий мақсади сурункали аломатларни камайтириш, касалликнинг кучайиш тезлигини пасайтириш ва тенглаштириш, касаллик кучайишининг олдини олиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бундай клиник-иктисодий тадқиқотлар ўтказиш жуда зарур. Бу муаммони ҳал этиш учун қайд этилган дори препаратининг олдинги бобларда келтирилган VEN-таҳлили натижалари аниқлигини белгилаш мақсадида қиёсий клиника кузатувлари амалга оширилди.

Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказида бронхиал астма касаллигининг ўртacha оғир шакли билан ўртacha 5 йил давомида оғриган (1-гурух) 20 ёшдан 64 ёшгача 56 нафар bemор текширувдан ўтказилди.

I гуруҳдаги 56 нафар bemорга базисли даволаш сифатида қуйидаги схема бўйича кунига икки маҳал (125 дан 250 мг. гача) иккита ингаляцияга серетид (салъметерол ва флуктизон пропионат) тавсия этилди:

1-босқич – 10 кун давомида 2 марталик бир кунлик дозада 2 та нафасда (1000 мкг.);

2-босқич – 2 марталик бир кунлик дозада 1 та нафасда (500 мкг.);

3-босқич – икки ой давомида бир марталик бир кунлик истеъмолда 1 нафасда (250 мкг.).

II гуруҳни бронхиал астма билан оғриган 15 ёшдан 58 ёшгача бўлган 42 нафар bemор ташкил этиб, улар базисли даволаш сифатида қуйидаги схема бўйича будесонид дори препаратини қабул қилганлар:

1-босқич – 10 кун давомида кунига 1 нафасда 4 марта (бир кунлик доза 800 мкг.);

2-босқич – 10 кун давомида кунига 1 нафасда 3 марта (бир кунлик доза 600 мкг.);

3-босқич – 10 кун давомида кунига 1 нафасда 2 марта (бир кунлик доза 400 мкг.).

Бронхиал астма касаллигини дори воситалари билан даволашда ўтказилаётган даволаш асосида bemорларда ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари 10-жадвалда келтирилган.

### **Бронхиал астма касаллигини даволаш асосида ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари динамикаси**

10-жадвал

T P	Кўрсат- кичлар	Дори воситалари	Даволаш- гача	Даволаш- дан сўнг
	ЎТХ	Будесонид форте, 10 мл, 200 доза		
		Серетид 250 эвохалер, ингаляциялар учун аэрозоль, 120 дозали контейнерларда		
2.	THX <sub>1</sub>	Будесонид форте, 10 мл, 200 доза		
		Серетид 250 эвохалер, ингаляциялар учун аэрозоль, 120 дозали контейнерларда		
	МОС <sub>75</sub>	Будесонид форте, 10 мл, 200 доза		
		Серетид 250 эвохалер, ингаляциялар учун аэрозоль, 120 дозали контейнерларда		
4.	МОС <sub>50</sub>	Будесонид форте, 10 мл, 200 доза		
		Серетид 250 эвохалер, ингаляциялар учун аэрозоль, 120 дозали контейнерларда		
	МОС <sub>25</sub>	Будесонид форте, 10 мл, 200 доза		
		Серетид 250 эвохалер, ингаляциялар учун аэрозоль, 120 дозали контейнерларда		

**Эслатма.** Дастребки маълумотларга нисбатан \* –  $P < 0,05$ , \*\* –  $P < 0,001$ . ЎТХТ – ўтканинг тезлаштирилган ҳаётий сизими;

THX<sub>1</sub> – 1 секундда тезлашган нафас ҳажми;

МОС<sub>25</sub> – майда калибрдаги бронхлардаги бир зумлик ҳажмий тезлик;

МОС<sub>50</sub> – ўрта калибрдаги бронхлардаги бир зумлик ҳажмий тезлик;

*МОС75 – йирик калибрдаги бронхлардаги бир зумлик ҳажмий тезликтен.*

Бронхиал астма билан касалланган ўртача шаклдаги оғриган беморларни даволашда шамоллашга қарши дори воситаларидан фойдаланиш маълум даражада ошиши – МОС<sub>25</sub>, МОС<sub>50</sub>, МОС<sub>75</sub> га сабаб бўлди. Серетид қабул қилган bemorларда будесон истеъмол қилган bemorларга нисбатан юқорироқ ўсиш кўрсаткичлари кузатилди, бу оралиқ нафас йўллари даражасида бронх йўллари ўтказувчанлиги яхшиланганидан далолат беради. 10 кундан сўнг серетид истеъмол қилган bemorларда бўғилиш хуружи, балғам ажралиши, кундузги аломатлар камайгани кузатилади. Дори воситаларининг даволашдаги самарадорлиги юқори баҳога эга бўлди. 10 кун давомида стационарда бевосита ва билвосита даволаниш харажатлари, даволаниш муддати таҳлил қилинди.

Иқтисодий самарадорлик “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулидан фойдаланиб аниқланди. Харажатлар – самарадорлик таҳлили нисбати ҳар бир муқобил даво схемаси учун:

) – (DC<sub>2</sub> + IC<sub>2</sub>) / Ef<sub>1</sub> – Ef<sub>2</sub> формуласи бўйича ҳисобланди.

Бу ерда СЕА – харажат – самарадорлик нисбати, ҳар бирлик самарага мос келувчи харажатларни кўрсатади;

– биринчи даволаш усулида қўлланилган бевосита харажатлар;  
– биринчи даволаш усулида қўлланилган билвосита харажатлар;  
– иккинчи даволаш усулида қўлланилган бевосита харажатлар;  
– иккинчи даволаш усулида қўлланилган билвосита харажатлар;  
ва Ef<sub>2</sub>, – мос равишда биринчи ва иккинчи усулларда қўлланилган даволаш.

Бу ерда СЕА = (176 456 + 178 238) – (164 244 + 165 637) = 24 813 сўм.

Демак, серетид самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдали. 1 нафар bemorга иқтисодий тежамкорлик 24 813 сўмни ташкил қилди. Серетид ва будесониднинг иқтисодий самарадорлигини қиёслаш натижасида серетид яққол устунликка эга эканлиги маълум бўлди.

Зеро, I гуруҳдаги bemorларнинг бевосита харажатлари ўртача 176 456 сўм, билвосита харажатлари 178 238 сўмни ташкил этди. гуруҳда бу кўрсаткичлар мос равишда 164 244 ва 165 637 сўмга тенг бўлди. Серетид истеъмол қилган 1-гуруҳ (Ef<sub>1</sub>) bemorлардаги

самара 2-гурух ( $Ef_2$ )даги беморларга нисбатан бирмунча юқори. Шундай қилиб, бронхиал астмани базисли даволашда серетид дори воситасини қўлланиши самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

*Бронхиал астма касаллигида қўлланилувчи беклазон ЭКО ва беклазон ЭКО енгил нафас ингаляцияли дори препаратларининг клиник-иқтисодий жиҳатларини янги тамоилини таҳлил қилиш*

Таҳлил давомида бронхиал астмани базисли даволашда “Беклазон ЭКО 250 мкг/доза 200 доза аэрозоль” ва “Беклазон ЭКО енгил нафас 250 мкг/доза 200 доза аэрозоль” таъсирининг клиника ва фармакоиктисодий самарадорлиги ўрганилди.

Бронхиал астма билан оғриган бемор оғриқ хуружини қолдириш ёки унинг олдини олиш учун дори препаратини қабул қиласди. Лекин оғриқни барқарорлаштириш аллергия ва шамоллаш жараёнини камайтирмайди. Натижада нафас йўлларида шамоллаш янада кучаяди, касаллик оғирроқ шаклга ўтади.

Таҳлилда бронхиал астмани базисли даволашда беклазон дори воситасининг клиника ва фармакоиктисодий самарадорлиги ўрганилди.

Бронхиал астманинг ўртача оғир шакли билан оғриган 65 нафар (17 дан 64 ёшгача) bemorlar кузатилди ва улар икки гурӯхга ажратилди.

Биринчи гурӯхдаги 30 нафар bemor “Беклазон ЭКО 250 мкг/доза 200 доза аэрозоль” ни бир кунда 2 марта қабул қилдилар.

Иккинчи гурӯхдаги 35 нафар bemor эса – “Беклазон ЭКО енгил нафас 250 мкг/доза 200 доза аэрозоль”ни бир кунда 2 марта қабул қилдилар. Даволаш муддати 90 кунни ташкил этди. Дори препаратлари билан даволашнинг таъсирини баҳолаш, таҳлил қилиш учун бўғилиш хуружлари тезлиги, йўтал, ҳансираш ва bemorlarning субъектив шикоятлари кузатилди. Bemorlar скрининг куни, дори препаратлари тайинланган кундан бошлаб даволашнинг 30, 60, 90 куни ва даволаш якунидан икки ҳафта ўтгач, текширувдан ўtkazildi.

Беморларни мазкур таҳлилга қуйида санаб ўтилган мезонларни назарда тутган ҳолда киритилди: тасдиқланган ўртача оғирликдаги бронхиал астма мавжудлиги; ёшнинг 17 дан катталиги; бронхиал астма қайталанишларидан холи bemorlar; дозаланган ингаляторлардан тўғри фойдалана олиш хусусияти.

Қуйидаги параметрларнинг мавжудлиги рад этувчи мезонлар

этиб танланди: енгил ёки оғир кечувчи бронхиал астма, 20 дан кичик ёш; тизимли глюокортикоидларга эҳтиёжнинг мавжудлиги, кузатув бошланишига қадар 30 кун мобайнида таъсири узайтирилган  $\beta_2$ -агонистларни қабул қилиш, таққослаш натижасида кузатилаётган дори препаратларини қабул қила олмаслик.

Барча даволаш турлари бўйича бевосита ва билвосита харажатларни ҳисоблаш даволаш турига кўра олиб борилди. Шунинг учун дори препаратларини мунтазам равишда, ҳатто бронхиал астма аломатлари бўлмаганида ҳам, қўллаш жуда муҳимдир.

Ҳар иккала кузатув гурухларида ҳам ижобий самара кузатилди, бироқ бронхиал астма аломатлари кузатилган кунлар сони иккинчи гуруҳда нисбатан кам бўлди. Биринчи гуруҳда симптомларсиз кунлар сони 90 кунлик даволашнинг 70 кунини, иккинчи гуруҳда – 81 кунни ташкил қилди.

Биринчи гуруҳда кузатувнинг барча муддатларида бронхиал астманинг бирор-бир даражада ифодаланган барча белгилари мавжуд эканлигини қайд этдик. Мазкур беморлар гуруҳи глюокортикоид дори препаратларини қабул қилдилар. Ташқи нафас фаолияти кўрсаткичлари ўзгарувчан бўлиб, яллиғланиш аломатлари кузатув охиригача устунлик қилди.

Иккинчи гуруҳда симптомларсиз кунлар сони 81 кунни ташкил этди, бронхиал астманинг кундузги ва тунги хуружлари сони ишонарли паст бўлди. Даволаш бошлангандан 30 кун ўтибоқ bemorlarning аксариятида бронхиал астма симптомларининг яхшиланиши, шунингдек, жисмоний юкламада ҳансирашларнинг батамом йўқолганлиги қайд этилди, бронхолитикларга эҳтиёж қолмади, даволаш даврида ва ундан сўнг тез ёрдамга мурожаатлар бўлмади. Кундузги ва тунги симптомларнинг сони ҳамда оғирлиги салмоқли камайди, стационар даволашни талаб этувчи қайта хуружлар сони ҳам пасайди.

Касалхонадан чиқарилгандан сўнг bemorlar аҳволи ўзгарувчанлигича қолган бўлсада, бир ойдан сўнг bemorlar аҳволи барқарорлашди. Учинчи ойнинг якунига бориб, bemorlararga глюокортикоид дори препаратлари бекор қилинди.

Ташқи нафас функцияси кўрсаткичларининг таҳлили бронхлар ўтказувчанлигининг яхшиланганлигини, бронхоальвеоляр текширилганда – яллиғланиш даражасининг камайганлигини (макрофаглар миқдори ошган, нейтрофиллар ва эозинофиллар

камайган) кўрсатди.

Беклометазоннинг қуидаги хусусиятларини ҳам қайд этиш жоиз – таркибида фреон бўлмайди, юқори ўпка депозициясининг мавжудлиги, кичик дозаларда самара бера олиши. Шундан келиб чиқиб, даволаш-профилактика муассасаларида фаолият юритувчи мутахассис шифокорларга ўртacha оғирликдаги бронхиал астмани даволаш учун базисли даволаш режасига – “Беклазон ЭКО енгил нафас 250 мкг/доза 200 доза аэрозоль”ни киритишни такомиллаштириш тавсия этилди.

2-гистограмма беморларни “Беклазон ЭКО енгил нафас” ва “Беклазон ЭКО” билан даволашдаги хуружлар кўрсаткичи бўйича натижалар берилган.



**2-гистограмма. Беморларни “Беклазон ЭКО енгил нафас” ва “Беклазон ЭКО” билан даволашдаги хуружлар кўрсаткичи.**

Шунга асосланиб тадқиқотимизнинг иккинчи босқичида “харажат – самарадорлик” усулидан фойдаландик.

$\text{СЕА} = (156\ 059 + 288\ 993) - (144\ 820 + 279\ 208) = 445\ 052 - 424\ 028 = 21\ 024 \text{ сўм} / 81 - 70 \text{ кун},$  симптомларнинг сони ва оғирлиги салмоқли камайди.

Биринчи гуруҳда бевосита харажатлар ўртача 156 059 сўмни, билвосита харажатлар 288 993 сўмни ташкил қилди. Иккинчи гуруҳда эса мос тарзда ва 144 820 ва 279 208 сўмни ташкил этди.

Тахлилларга асосланиб, дори воситаларининг самарадорлигига кўра, бир нафар bemorni даволаш учун 21 024 сўм тежалса, 10 000

бемор учун 210 240 000 сўм тежалади. Шу билан бирга, бронхиал астмани даволашда самарали дори воситалари билан даволаганда хуружлар бартараф этилиб, жисмоний фаоллиги тикланади. Бинобарин, бронхиал астмани базисли даволаш сифатида “Беклазон ЭКО енгил нафас” дори воситаларини қўлланилиши классикни даволашга етарли даволаш натижаларига эришилишига ёрдам берди, шунингдек, даволашга сарфланувчи бевосита ва билвосита харажатларни камайтирди.

## **Хулоса**

1. Фармакоиқтисодиётда харажатлар – самарадорлик таҳлили усулининг таърифи, мақсади, аҳамияти, ўтказиш босқичлари ва харажатлар – самарадорлик таҳлили усулида фармакоиқтисодий таҳлилни ўтказиш шарт-шароитлари назарий ёритиб берилди.
2. Харажатлар – самарадорлик таҳлилини ўтказишида турли тиббий технологиялар учун самарадорлик кўрсаткичларини танлашга қўйилган талаблар, харажатлар – самарадорлик таҳлили усулида фармакоиқтисодий таҳлилни ўтказиш учун ахборот олиш манбалари келтирилди.
3. Харажатлар – самарадорлик таҳлилида устувор муқобиллик тушунчаси, харажатлар – самарадорлик таҳлилиниң ўсиш коэффициентини ҳисоблаш, референт тиббий технологиялар тушунчаси, харажатлар – самарадорлик таҳлили усулининг афзаллик-камчиликлари ва қўлланиш соҳаси таҳлил қилинди.
4. Фармакоиқтисодиётда харажатлар – самарадорлик таҳлили усулидан бронхиал астма касаллигини дори воситалари билан даволашда харажатлар – самарадорлик таҳлили усулидан фойдаланиш, таҳлил ўтказиш мисоллар асосида ёритиб берилди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усули таърифи, мақсади, ўтказиш босқичларини қисқача таърифланг.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулида фармакоиқтисодий таҳлилни ўтказиш шарт-шароитларини тушунтиринг.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили”ни ўтказишида турли тиббий технологиялар учун самарадорлик кўрсаткичларини танлашга қўйилган талабларни санаб беринг.

4. Қандай “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулида фармақоиқтисодий таҳлилни ўтказиш учун ахборот олиш манбалари мавжуд.

“Устувор муқобиллик” тушунчасини таърифланг.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили”нинг ўсиш коэффициентини ҳисоблашни тушунтириб беринг.

Референт тиббий технологиялар тушунчасини таърифланг.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулининг афзаллик ва камчиликлари ҳамда қўлланиш соҳаси ҳақида тушунча беринг.

“Харажатлар – самарадорлик таҳлили”ни ўтказишга мисоллар келтиринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

2. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.

3. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа», 2007, 335 с.

4. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

5. Суюнов Н.Д., Икрамова Г.М., Зайнутдинов Х.С. Сравнительный анализ цен бронхолитических, глюокортикоидных и антиаллергических лекарственных средств на фармацевтическом рынке Узбекистана Методические рекомендации. – Ташкент, 2010. ООО «KOLORIT GROUP» – 35 с.

6. Рузиев К.Р. Кон босими ошиши касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг фармақоиқтисодий тадқиқотлари // 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019 йил, 92 б.

7. Яковleva L.B., Бездетко Н.В., Герасимова О.А., Мищенко О.Я., Ткачева О.В., Беркало Н.Н. Побочное действие лекарств / Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация». – Харьков: НФау, 2008, 5 с.

8. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

9. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446p.

10. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

11. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

12. <http://www.Lex.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

13. <http://www.ziyonet.uz>

14. <http://www.ispor.org>

15. <http://www.minizdrav.uz>

## **VI БОБ** **“ХАРАЖАТЛАР – ФОЙДАЛИЛИК ТАҲЛИЛИ” УСУЛИ.** **ҲАЁТ СИФАТИ КЎРСАТКИЧИ**

“Харажатлар – фойдалилик таҳлили” усулининг афзаллик ва камчиликлари, тиббий технологияларнинг фойдалилигини аниқлаш услубилари.

2. Ҳаёт сифатининг таркибий қисмлари, ҳаёт сифатига тиббий аралашув таъсирини аниқловчи асосий омиллар.
3. Ҳаёт сифати кўрсаткичини аниқлаш методологиясининг асослари, ҳаёт сифатини аниқлаш учун сўровномаларга қўйиладиган талаблар.

### **“Харажатлар – фойдалилик таҳлили” усулининг афзаллик ва камчиликлари, тиббий технологияларнинг фойдалилигини аниқлаш услублари**

#### **Фойда ва харажат таҳлили**

Соғлиқни сақлашда дори воситалари истеъмолида фойда ва харажат таҳлили қўлланилади. Соғлиқни сақлаш ва бошқа дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмоли учун мабалағларни тақсимлашда қарорлар қабул қилишни яхшилашда фойда ва харажат таҳлили қўлланилиши мумкин. Фойда ва харажат таҳлилининг умумий концепцияси оддий бўлса ҳам, “Фойда ва харажат таҳлили”ни тўғри қўллаш борасида кўпгина методологик фикрлар аниқ техник экспертизани талаб этади.

“Харажатлар – фойдалилик таҳлили” – Cost utility analysis – CUA. Агар харажатлар – фойдалилик таҳлили якуний касалликларни дори воситалари билан даволаш, саломатлик даражасини яхшилаш натижалари ҳамда оралиқ натижаларни аниқлаш учун бажарилиши мумкин бўлса, у ҳолда харажатлар – фойдалилик таҳлили фақат якуний натижаларга дахлдор бўлади. Фойдалилик, утилитарлик юқори фойдалилик, яъни “харажатлар – фойдалилик” мезони бўйича таҳлил давомида саломатлик учун фойда кўринишида баҳолангандар даволаш самараси сифатида таснифланади. Пул ифодасидаги юқори фойдалилик маълум бир давр давомида bemornining ушбу ҳолатда бўлиши билан боғлиқ молиявий харажатларни намоён этиши мумкин.

$$CUA = [(DC_1 + IC_1) - (DC_2 + IC_2)] / Ut_1 - Ut_2,$$

бу ерда, CUA – харажатлар – фойдалилик нисбати, яъни фойдалилик бирлиги қиймати, масалан, бир йил сифатли ҳаёт;

–  $DC_1$  – биринчи усулдан фойдаланишдаги бевосита харажатлар;

–  $IC_1$  – биринчи даволаш усулидан фойдаланишдаги билвосита харажатлар;

–  $DC_2$  и  $IC_2$  – мувофиқ тарзда иккинчи усулни қўллашдаги бевосита ва билвосита харажатлар;

–  $Ut_1$  и  $Ut_2$  – биринчи ва иккинчи даволаш усулларидан фойдаланишдаги утилитарлик.

Харажатлар фойдалилик таҳлилини ўтказишида қўйидагиларга алоҳида эътибор берилди.

1. Ҳаққонийлик – ўлчаш асбоб-ускунасининг, инструментининг у айнан ўлчаши зарур бўлган хоссани акс эттириш даражаси.

2. Сезгирлик – ҳар бир респондент соғлиқ ҳолатидаги даволаш аҳамиятига молик ўзгаришларни акс эттириш қобилияти.

3. Қўллаш осонлиги ва қисқалиги, оддийлиги.

4. Стандартланганлик – респондентларнинг барча гуруҳлари учун стандарт саволлар ва жавобларнинг ягона вариантини таклиф қилиши керак.

5. Баҳолаш ёндашуви – соғлиқ кўрсаткичи параметрларига миқдорий баҳо бериш.

QALY кўрсаткичининг таърифи, ҳисоблаш услуби, методикаси, уни баҳолашда рухсат этилган четланишлар.

Сўровномаларда ҳар бир саволга ва мос равишда, ҳар бир жавоб вариантига ранг қиймати берилади ҳамда жавоблар рангларининг йиғиндиси ҳисобланади. Рангларнинг вазн қийматлари беморлардан тиббий аралашувлар натижаларини инобатга олган ҳолда улар қандай оқибатларни афзал билишини сўраш йўли билан аниқланади. Жавоб натижалари математика катталикларига ўтказилади, компьютер ёрдамида қайта ишланади ва маҳсус коэффициентлар олинади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бош мақсади – аҳоли саломатлигини яхшилаш. Аҳоли саломатлигини миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун Жаҳонда нафас аъзолари касалликлари йўқотилган соғлом йиллар кўрсаткичини (**DALY** — disability

adjusted life years) тавсия қиласи. DALY – энг маълум ва энг кўп қўлланиладиган давлат, унинг айрим ҳудудлари ва муниципал обьектлари бўйича саломатлик йўқотилишини намоён қилувчи кўрсаткич. 30 ёшдан бошлаб ва ундан катта ёшларда DALY йўқотилишига жиддий таъсир кўрсатадиган ҳолат юрак-қон томир касалликларидир. 70 ёшга келиб, уларнинг солиштирма оғирлиги умумий йўқотишнинг 50% ни ташкил қиласи. Аҳолида ушбу синф касалликлари бўлганда 1 йиллик соғлом ҳаётга кетган харажатлар 5,26 млрд. рублга teng. Улар орасида баланд артериал босим билан боғлиқ касалликларга алоҳида эътибор қаратиш лозим (харажат 0,15 млрд.дан 0,39 млрд. рублгача).

## **6. 2. Ҳаёт сифатининг таркибий қисмлари, ҳаёт сифатига тиббий аралашув таъсирини аниқловчи асосий омиллар**

Фармакоиқтисодиёт касалликларни даволаш, профилактика ва реабилитациянинг альтернатив схемаларида харажат ва самара, хавфсизлик, ҳаёт сифати орасидаги нисбатни қиёсий тарзда ўрганади. Қатор давлатлар, АҚШ, Канада ва Ғарбий Европа марказларида ишлаб чиқарилган фармакоиқтисодиёт методологияси клиник эпидемиологиянинг замонавий тамойилларини ва клиник фикрлаш билан бирга маълумотларнинг статистик таҳлилини билишни тақозо этади.

Турли антигипертензив дори препаратларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари нафақат соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган чекланган ресурсларни оқилона ишлатиш мезонлари деб ҳисобланади, балки маълум бир аниқ клиник вазиятда bemor учун реал молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, bemорга энг яхши ҳаёт сифатини таъминловчи керакли дори препаратларини танлаш имконини беради.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, артериал гипертензияни профилактика қилиш ва даволаш дастурларининг долзарблиги шубҳа келтирмайди. Артериал гипертензияни профилактика қилиш ва даволаш тадбирларини амалга оширишнинг муҳимлигини етарлича баҳоламаслик ёки уни истисно қилиш умуман мумкин эмас.

Бўлмаса, прогноз қилинаётган харажат ўлчамлари режалаштирилган ресурслардан анча кўп бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, артериал гипертензия билан курашиш катта муаммодир, уни ҳал қилиш фақат давлат миқёсида ечимини топиши мүмкін.

Бутун дунёда инсоннинг қон айланиш тизими хасталиклари ўлимга олиб келувчи асосий касалликлардан бири ҳисобланади. Ҳар йили содир бўладиган ўлим ҳолатларининг 9,4 млн. дан ортиғи ёки ўлим ҳолатларининг 16,5 фоизи қон босими ошиши билан боғлиқ. Айнан шу сабабли 2013 йилда Бутун жаҳон саломатлик қунининг мавзуси бўлиб гипертония билан курашиш дея белгиланди.

*Ҳаёт сифатининг стандартланган коэффициенти кўрсаткичи* 0 дан 1 гача бўлган катталик бўлиши мүмкін, бу ерда 0 – ўлимга, 1 – эса тўлиқ жисмоний ва психологик тикланиш ҳолатига мос келади.

Сўровномалар ёрдамида аниқланадиган ҳаёт сифатининг стандартланган коэффициенти кўрсаткичи ( $K$ ) тиббий технологияларнинг фойдалилигини акс эттирувчи ўлчам, миқдорий кўрсаткич, мезон бўлиб хизмат қилувчи QALY кўрсаткичини ҳисоблаш учун қўлланилади.

– тиббий аралашувни қўллаш натижасида орттирилган сифатли ҳаёт йилларининг миқдори. QALY миқдори – ҳаёт сифатига даволаш ва касалликнинг авж олишининг таъсирини инобатга олган ҳолдаги бемор ҳаётининг йиллари.

QALY қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

бу ерда,  $N$  – келажакда яшаладиган йилларнинг миқдори;

$k$  – ҳаёт сифатининг кутилаётган коэффициенти.

Соғлом ҳаётнинг бир йили ёки абсолют саломатлик ҳолатидаги бир йил ( $k$ ) 1 QALY деб баҳоланади.

Ҳаёт сифатининг коэффициенти 0,5 га teng бўлган вақт давомида яшалган ҳаётнинг 2 йили сифатли ҳаётнинг бир йилига, яъни 1 QALY га teng. QALY кўрсаткичи 1 дан кичик коэффициентга эга бўлган вақт давомида яшалган ҳаёт йилларини ҳаётнинг сифатли йиллар миқдорига ўтказиш имконини беради. Беморлар яшаган ҳаёт йилларининг ҳам миқдори, ҳам сифатини ўзида мужассам этувчи интеграл кўрсаткич ҳисобланади.

Масалан, бемор 10 йил давомида даволаниб, бу унинг ҳаёт

сифатини 0,5 дан 0,6 гача яхшилайди. Ушбу бемор 1 QALY орттиради, яъни мазкур даволашни ўтказиш натижасида унда 5 QALY ( $10 \text{ йил} \times 0,5 = 5,0$  даволашсиз) ўрнига 6 QALY ( $10 \text{ йил} \times 0,6$

QALY методологияси етарли даражада универсалдир ва аҳоли, bemorlar ўртасида исталган тиббий технологияларнинг фойдалилик ўлчами, кўрсаткичини баҳолашда қўлланиши мумкин. Шу билан бир қаторда, таққосланадиган бўлиши учун ушбу таҳлиллар камида кўрсаткичларнинг ягона вазни аҳамиятга молик эканлигига ва ҳисоблаш методикасига асосланиши керак.

QALY кўрсаткичини баҳолашда қуйидагиларга рухсат этилади. Турли ёшдаги (ўсмирлар ва қариялар), жинсдаги, турли касбдаги одамларда QALY кўрсаткичи ўзаро тенгdir. Сифати узайтирилган ҳаётнинг бир йили эркак ёки аёл, ишчи ёки менеджер, ёш бола ёки кекса одамлар томонидан бирдек исталиши назарда тутилади. Иқтисодий нуқтаи назардан, меҳнатга лаёқатли эркак ва кекса ёки ногирон одамнинг сифатли ҳаётини бир йили тенг эмас.

Битта QALY бир инсонга ҳамда груҳ учун олинадиган эквивалентга тенг, деб қабул қилинади. Фармакоиқтисодий нуқтаи назардан, катта миқдордаги одамлар учун сифатли ҳаёт йилларининг бир оз қўшилишининг аҳамияти кичик миқдордаги bemorlar учун сифатли ҳаёт йилларининг катта миқдорда қўшилишининг аҳамияти билан баравардир. Ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан эса – бундай эмас.

“Ҳаёт сифати” тушунчаси илк бор 1977 йил “Index medicus”да пайдо бўлган. Ҳозирги вақтда “Соғлиқ билан боғлиқ ҳаёт сифати” атамаси тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифига кўра, соғлиқ бу нафақат касаллик ёки жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги, балки тўлиқ жисмоний, психик, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан меъёрдаги ҳолатdir. Ушбу ҳолат замирида ҳаёт сифати bemor одамнинг физиологик, психологик, эмоционал, ҳис-туйғулар билан боғлиқ ва ижтимоий муаммоларини чуқур, кўп қиррали таҳлил қилиш имконини берувчи замонавий тиббиётдаги ҳал қилувчи тушунчалар мужассам.

*Ҳаёт сифати* бу bemornинг субъектив қабул қилиш жараёнига асосланган унинг жисмоний, психологик, эмоционал, ҳис-туйғулар билан боғлиқ ва ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи интеграл кўрсаткичdir.

*Ҳаёт сифати жараённинг кечиши оғирлигини эмас, балки уни*

бемор қандай ўтказишини баҳолайди. Айрим ҳолларда bemor ҳали ҳеч қандай шикоят қилмасданоқ шифокор касалликни ташхис қиласи, даволаш эса bemor ўзини bemордек ҳис қилишига олиб келиши мумкин. Масалан, гипертония касаллигининг илк босқичларида артериал босимнинг ошиши кузатилади. Бироқ bemor буни ҳис қилмайди, гипотензив даволаш ҳолсизлик, бош айланиши, диурез ошиши, дори препаратларини доимо қабул қилиш зарурлиги натижасида психологияк ноқулайлик ва ўзини “сурункали bemor” деб ҳис қилиш туйғусини чақириши мумкин. Бошқа ҳолларда касаллик узоқ вақт давомида кечганида bemor ўзининг ҳолатига кўнишиб қолади, унга эътибор бермай қўяди. Бундай вазиятда гарчи ҳолат ҳақиқатан яхшиланган бўлмаса ҳам, ҳаёт сифати кўрсаткичи ошади.

Ҳаёт сифатини баҳолаш кардиология, онкология, гематология, ревматология, неврология, гастроэнтерология, хирургия, пульмонология, эндокринология, неврологияда сурункали касалликларни узоқ вақт давомида даволашда, шунингдек, орган ва тўқималарни трансплантация қилишда соғлиқ ҳолатининг бузилиши ҳамда динамикаси тўғрисида объектив, холисона маълумотларни олиш имконини беради.

*Ҳаёт сифати концепциясининг учта асосий таркибий қисмлари тафовут қилинади.*

*Кўп ўлчамлилик.* Ҳаёт сифати инсон ҳаёт фаолиятининг асосий соҳалари, жисмоний, психологик, ижтимоий, руҳий ва молиявий маълумотлар ҳақидаги ахборотни ўз ичига қамраб олади. Соғлиқ билан боғлиқ ҳаёт сифати ҳам касаллик билан боғлиқ, ҳам у билан боғлиқ бўлмаган компонентларни баҳолайди ва bemor ҳолатига касаллик ҳамда даволаш таъсирини алоҳида аниқлаш имконини беради.

*Вақт давомида ўзгарувчанлик.* Bemornинг ҳаёт сифати бир қатор эндоген ва экзоген омиллар билан боғлиқ бўлиб, bemor ҳолатига қараб вақт давомида ўзгарамади. Масалан, хирургик, жарроҳлик билан боғлиқ даволаш амалга оширилганидан сўнг дарҳол bemor ҳаёт сифати пасаяди, сўнгра эса операция муваффақиятли ўтказилган тақдирда сезиларли равишда ошади. Ҳаёт сифати ҳақидаги маълумотлар даволашга тузатиш киритиш зарур бўлган тақдирда ҳам bemor ҳолатини доимо назорат қилиб бориш имконини беради.

*Bemornинг ўз ҳолатини баҳолашда иштирок этиши. Ҳаёт*

сифатининг ушбу таркибий қисми айниқса муҳимдир. Беморнинг ўз ҳаёт сифатига берган баҳоси унинг умумий ҳолатини акс эттирувчи қимматли ва ишончли қўрсаткич ҳисобланади. Шифокор томонидан чиқарилган анъанавий тиббий хулоса билан бир қаторда ҳаёт сифати ҳақидаги маълумотлар касалликнинг тўлиқ ва обьектив, холисона тасвирини тузиш имконини беради.

*Ҳаёт сифатига тиббий аралашув таъсирини аниқловчи асосий омилларга қўйидагилар киради:*

1. Бемор томонидан кутилган самаранинг юзага чиқиш тезлиги. Самара қанча тез юзага чиқса, bemor шунча кам вақт давомида кутишдаги стресс ҳолатида бўлади.

2. Бемор томонидан кутилган самаранинг сақланиш давомийлиги, вақти, самара қанча узоқ вақт давомида сақланиб турса, bemor шунча унга таклиф этилган даволаш тактикаси тўғри экан деган фикрда мустаҳкамланиб боради.

3. Самарага эришишнинг содалиги. Мураккаб даволаш bemornинг умумий дезадаптация тасвирини кучайтиради.

4. Самарага эришиш нархи, қиймати, даволаш нархи, нафақат уни иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш имкониятлари, балки bemor учун ўз маблағларини бошқа эҳтиёжларини қондириш учун тақсимлаш имкониятларини ҳам белгилайди.

5. Самарага эришиш хавфсизлиги, шифокор аралашуви натижасида юзага чиқиши мумкин бўлган ножўя таъсиrlар олдиаги қўрқув bemor ҳаёт сифатига ўзининг салбий таъсири бўйича уларни амалда юзага чиқишидан ошиб тушади.

6. Беморнинг асосий ўз-ўзини назорат қилиш методикаларини билиши, bemornинг касаллиги билан боғлиқ ундаї ёки бундай вазиятда ўзини қандай тутиш методологиясини аниқ билиши стресснинг “нуқсонли доираси”ни узади ва касалликка мослашишга олиб келади.

7. Дори препаратларининг органолептик хоссалари. Агар дори воситаси у ёки бу сабабларга кўра bemorga нохуш бўлса, унда унинг ўзи қўшимча стресс манбаи бўлиб қолади.

8. Даволовчи шифокор ва ўрта тиббиёт ходимининг bemor билан ўзаро муносабати, bemor билан шифокор ўртасида ўзаро симпатия, хурмат, ишончнинг бўлмаслиги касалликни даволаш бўйича барча ҳаракатларни йўққа чиқариши мумкин.

### **Беморнинг ҳаёт йиллари мисолларда**

Тенг қийматли алмашув услуби ёрдамида фойдалиликни аниклаш.

*1 муқобил усул.* Баҳоланаётган ҳолатда Сиз  $t$  йил яшашингиз мумкин.

*2 муқобил усул.* Сиз тўлиқ саломатлик ҳолатида камроқ  $x$  йил давомида яшашингиз мумкин, сўнgra ўлим келади.

Тўлиқ саломатлик ҳолатида бўлиш давомийлигини изчил ўзгартириб, иккинчи муқобил усулни қўллаганда сўроқقا тутилаётган шахсга қайси усулни афзал билишини билдириш таклиф қилинади. Жараён сўроқقا тутилаётган шахс иккита муқобил усулдан қайси бирини афзал билишини била олмай қолиб, уларни тенг қийматли, тенг, баравар, яъни  $x = t$  деб баҳолаганида тўхтатилади.

Бунда муқобил усул 2 таси учун тўлиқ саломатлик ҳолатида бўлиш вақти –  $x$  баҳоланади.  $X / t$  нисбати ҳолатининг бошланғич фойдалилигига тенг деб қабул қилинади.

Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усули ёрдамида қовуқ саратонига чалинган беморларни даволашнинг муқобил вариантлари (химиотерапия ва жарроҳлик йўли билан даволаш усули)ни фармакоиктисодий жиҳатдан баҳолаш керак:

– жарроҳлик йўли билан даволашга харажатлар 2 миллион 850 минг сўмни ташкил қиласди;

– химиотерапия учун харажатлар 1 миллион 400 минг сўмни ташкил қиласди;

химиотерапия bemor умрини 0,8 га тенг ҳаёт сифати кўрсаткичига эга 7 йилга ва 0,6 га тенг ҳаёт сифати кўрсаткичига эга 6 ойга узайтиради;

– жарроҳлик йўли билан даволаш bemor умрини 0,5 га тенг ҳаёт сифати кўрсаткичига эса 11 йилга узайтиради.

### **Ҳисоб-китоблар**

Қовуқ саратонига чалинган bemorларни даволашнинг муқобил усулини танлашда ушбу bemorларнинг ҳаёт сифатида даволаш усулини таъсири муҳим ҳисобланади, бинобарин, фармакоиктисодий ҳисоб-китобларни ўtkазиш учун “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усули энг оптимал, мўътадил бўлади.

*Фойдалилик, яъни утилитарли кўрсаткичини ҳисоблаш*

Фойдалилик кўрсаткичи сифатида формула ёрдамида ҳисоблаб топиладиган QALY кўрсаткичидан фойдаланамиз:

1. Жарроҳлик йўли билан хирургик даволаш учун QALY кўрсаткичини ҳисоблаш:

$$QALY = 11 \times 0,5 = 5,5$$

2. Химиотерапия учун QALY кўрсаткичини ҳисоблаш:

$$QALY = 7 \times 0,8 + 0,5 (6 \text{ ой}) \times 0,6 = 5,9$$

*“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” коэффициентини ҳисоблаши*

Ҳисоб-китоб формула ёрдамида олиб борилади.

Топшириқ шартида билвосита харажатлар қўрсатилмаганлиги боис кўриб чиқилаётган даволаш усулларининг иккаласида ҳам уларни тенг деб қабул қиласиз, бинобарин, ҳисоб-китобда биз уларни инобатга олмаслигимиз мумкин ва ҳисоблаш формуласини соддалаштирамиз:

$$CUR = \frac{DC}{Ut}$$

Жарроҳлик йўли билан хирургик даволаш усули учун “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” коэффициентини ҳисоблаш:

$$CUR_{xup.} = \frac{DC}{Ut} = \frac{2850}{5,5} = 518,18 \text{ сўм/ 1 QALY}$$

Химиотерапия учун харажатлар-фойдалилик утилитарлик коэффициентини ҳисоблаш:

$$CUR_{химиотер.} = \frac{DC}{Ut} = \frac{1400}{5,9} = 237,28 \text{ сўм / 1 QALY}$$

## **6. 3. Ҳаёт сифати кўрсаткичини аниқлаш методологиясининг асослари, ҳаёт сифатини аниқлаш учун сўровномаларга қўйиладиган талаблар**

Фармакоиктисодий тадқиқотлар натижалари энг қулай даволаш схемасини танлаш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатини қисқартириш, касалланиш, ногиронлик, ўлим даражаларини пасайтириш, ҳаёт сифатини ошириш ва унинг ўртача давомийлигини қўпайтириш, сарф-харажатларни камайтириш, юқори самарали технологияларни қўллаш имконини беради ва жамият ҳаётида ижобий акс этади.

Ҳаёт сифати кўрсаткичини аниқлаш методологиясининг асослари, ҳаёт сифатини аниқлаш учун сўровномалар тури, уларнинг афзаллик ва камчиликларида ҳаёт сифатини таҳлил қилиш методологияси кўп компонентли ҳисобланиб, ишлаб чиқилган таҳлил баённомаси асосида даволаш бўйича кузатувлар ва клиника амалиётида синовдан ўтказилган стандартлаштирилган сўровномаларни қўллашни кўзда тутади. Таҳлил баённомаси бўйича bemorda касалликни ташхиси учун тиббий техника: аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар ва мажмуаларни танлаш, bemorlarни тадқиқ қилиш схемаси, даволаш ахлоқи ва деонтологияси принципларига риоя қилган ҳолда маълумотларни йиғиш шарт-шароитлари акс эттирилган, сўровномалар маълумотларини қайта кодлаш ва статистика ишлов бериш усуллари баён этилган. Ҳаёт сифатини ўрганувчи таҳлиллар, даволовчи шифокорлар ва биостатистика бўйича мутахассисларнинг ҳамжиҳатлиқда ишлашини талаб қилувчи маълумотлар таҳлили ҳамда интерпретацияси ҳаёт сифатини баҳолашда охирги босқич ҳисобланади.

*Сўровномалар* – маҳсус ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган хужжатлар бўлиб, улар инсоннинг одатий ҳаёт масалаларига мувофиқ ишлай олиш қобилиятини акс эттиради.

Сўровномаларнинг қуидаги турлари бўлади.

Биринчидан, қўлланиш соҳасига кўра.

Иккинчидан, умумий – турли касалликларда ҳаёт сифатини баҳолаш учун.

Учинчидан, катталар ва болалар учун.

Тўртинчидан, специфик, хусусий – аҳоли орасида, масалан, ўсмиirlар, қариялар учун ҳолатлар мавжуд. Масалан, депрессия,

ҳаракатчанликнинг чекланишидаги муаммо; оғриқ учун, касаллик, масалан, артрит, бронхиал астма, остеопороз учун даволаш тури; химиотерапия ёки нур терапияси учун. Бунда битта сўровнома ҳам, турли функция ва муаммолар учун мўлжалланган сўровномалар тўплами ҳам ишлатилиши мумкин.

Профилли, бир неча рақамли қийматлар бўлиб, улар бир нечта шкаласлар қийматлари ёрдамида ҳосил қилинган профилдир. Шкала 0 дан 1 гача, ўлим ва абсолют, мутлақ соғлиқ бўлган кесимдир. Респондент ушбу шкалада нуқта билан ўз соғлигининг ҳолатини белгилайди.

Индекслар – ягона рақамли қиймат.

Энг кўп тарқалган умумий сўровномалар:

QWB – Quality of Well-Being – ҳаёт сифати;

SIP – Sickness Impact Profile – касалликлар таъсири профили;

EQ-5D – Euro Qol Index – Европа сифат индекси;

NHP – Nottingham Health Profile – Ноттинг ҳам соғлиқни сақлаш профили;

MOS SF-36 – Medical Outcomes Study 36-Item Short-Form Health Survey MOS SF-36 – Тиббий натижалар, Мехнат кодексининг 36-моддаси ҳақида қисқача маълумот шаклининг соғлиқни сақлашни ўрганиш *специфик (хусусий)сўровномалари*:

FACT-G – Functional Assessment of Cancer Therapy General – (онкологик касалликларга чалинган беморлар учун);

APQLQ – Angina Pectoris QLQ – стенокардияга чалинган беморлар учун;

DQOL – Diabetes Quality of Life Measure – диабетга чалинган беморлар учун ва бошқалар.

Умумий сўровномаларнинг афзаллиги шундан иборатки, уларнинг ҳаққонийлиги турли касалликлар ва патологик ҳолатлар учун аниқланган, бу эса ҳам алоҳида субъектлар, ҳам бутун аҳоли орасида ҳаёт сифатига ҳар хил дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника истеъмолининг таъсирини қиёсий баҳолаш имконини беради. *Камчилиги* – алоҳида олинган касалликда соғлиқ ўзгаришига ноадекват сезгирилик ҳисобланади.

*Специфик – хусусий сўровномаларнинг афзаллиги* шундан иборатки, улар фақат муайян касалликка тегишли бандларни ўз ичига олади, шунинг учун ҳолат, соғлиқдаги кичик ўзгаришларга юқори сезгирилик, респондентларнинг умумий сўровномалардан кўра специфик, хусусий сўровномаларга дахлдорлиги анча юқори.

Уларнинг камчилиги – турли касалликларни даволаш натижаларини қиёслаш ва ҳар хил дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника истеъмолини баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Бинобарин, ҳаёт сифатини тадқиқ қилишда умумий ва специфик, хусусий сўровномалар билан биргаликда, бараварига фойдаланиш оптимал бўлиб, бу уларнинг заиф томонларини бартараф этиш имконини беради.

Сўровномаларни беморнинг ўзи тиббиёт ходими ёки қариндошларининг иштирокисиз тўлдириши зарур.

*Ҳаёт сифати сўровномаларига қўйиладиган талаблар*

Ҳаёт сифати сўровномаларига қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Универсаллик – соғлиқнинг барча параметрларини қамраб олиши керак.

2. Ишончлилик – турли респондентларнинг индивидуал соғлиқ даражаларини қайд қилиши керак.

3. Қайталанувчанлик, такрорланувчанлик – барча бошқа параметрлар ўзгармаган, сақланган ҳолда ҳаёт сифати қайта, такроран ўлчанганида бир хил, худди ўша натижанинг олинишини кафолатидир.

4. Беморнинг ўз ҳолатини ўлчаш усулига доир истаги, унинг истаклари билан боғлиқ фикрлари ва вақт билан боғлиқ қўрсаткичларни таҳлил қилиш йўли билан баҳоланиши мумкин.

*қўрсаткичининг таърифи, ҳисоблаш услуби, методикаси, уни баҳолашда рухсат этилган четланишлар*

Сўровномаларда ҳар бир саволга ва мос равишда, ҳар бир жавоб вариантига ранг қиймати берилади ҳамда жавоблар рангларининг йиғиндиси ҳисобланади. Рангларнинг вазн қийматлари bemorlarдан тиббий аралашувлар натижаларини инобатга олган ҳолда улар қандай оқибатларни афзал билишини сўраш йўли билан аниқланади. Жавоб натижалари математика катталикларига ўтказилади, компьютер ёрдамида қайта ишланади ва маҳсус коэффициентлар олинади.

Сақлаб қолинган ҳаёт йилларини ҳисоблаш: (формула Weinstein –Stason).

$$C / E = (Cr_{x_0} + C_{se} - C_{morb} + Cr_{xle}) / (Y_{le} + Y_{morb} - Y_{se}).$$

Бунда,  $C / E$  – даволаш сабабли сақланиб қолган ҳаёт йили нархи;

*Crх – улар давомида асосий даволаш қиймати;*

*Cse – ўрганилаётган дори воситасининг ножўя таъсирларини даволаш нархи;*

*Cmorb – асосий даволашдан ўлим ҳолатларининг кутилаётган пасайиши билан боғлиқ харажатлар тежалиши;*

*Crxle – ҳаётий давомийлигининг ошишини кутилиши билан боғлиқ бошқа патологияни даволаш нархи;*

*Yle – асосий даволашдан ўлим ҳолатлари пасайиши натижасидаги ҳаёт давомийлигининг қўпайиши;*

*Ymorb – асосий даволаш бўйича касалланишнинг пасайиши ҳисобига ҳаёт йиллари миқдорида ифодаланган ҳаёт сифати қўпайиши;*

*Yse – асосий даволашнинг ножўя самараси сабабли йиллари миқдорида ифодаланган ҳаёт сифати пасайиши.*

*Ҳаёт сифатининг стандартланган коэффициенти кўрсаткичи* 0 дан 1 гача бўлган катталик бўлиши мумкин бўлиб, бу ерда 0 – ўлимга, 1 – эса тўлиқ жисмоний ва психологик фаол ҳолатига мос келади.

## **Хулоса**

1. Харажатлар – фойдалилик таҳлили, тиббий технологияларнинг фойдалилигини аниқлаш услублари, харажатлар – фойдалилик таҳлили усулининг таърифи, мақсади, аҳамияти, афзаллик ва камчиликлари, кўлланиш соҳаси ёритиб берилди.

2. Харажатлар фойдалилик таҳлили коэффициенти (CUR) ва қўшимча фойдалилик бирлиги қийматининг кўрсаткичини (ICUR) ҳисоблаш методологияси, ҳаёт сифати – таърифи, уни таркибий қисмлари, ҳаёт сифатига тиббий аралашув таъсирини аниқловчи асосий омиллар келтирилди.

3. Ҳаёт сифати кўрсаткичини аниқлаш методологиясининг асослари, ҳаёт сифатини аниқлаш учун сўровномалар тури, уларнинг афзаллик ва камчиликлари, ҳаёт сифати сўровномаларига қўйиладиган талаблар, QALY кўрсаткичининг таърифи, ҳисоблаш услуби, уни баҳолашда рухсат этилган четланишлар назарий ёритиб берилди.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**  
“Харажатлар – фойдалилик таҳлили”ни таърифланг.

2. Тиббий технологияларнинг фойдалиигини аниқлаш услубларини таърифланг.

3. Харажатлар – фойдалилик таҳлили усулининг таърифи, мақсади, афзаллик ва камчиликларини, қўлланиш соҳаси ҳақида тушунча беринг.

4. Харажатлар фойдалилик таҳлили коэффициенти (CUR)ни тушунтириб беринг.

5. Қўшимча фойдалилик бирлиги қийматининг кўрсаткичини ) ҳисоблаш методологиясини таҳлил қилиб беринг.

6. Ҳаёт сифати – таърифи, уни таркибий қисмларини таърифланг.

7. Ҳаёт сифатига тиббий аралашув таъсирини аниқловчи асосий омилларни таърифланг.

8. Ҳаёт сифати кўрсаткичини аниқлаш методологиясининг асосларини шарҳлаб беринг.

9. Ҳаёт сифатини аниқлаш учун сўровномалар тури, уларнинг афзаллик ва камчиликларини тушунтиринг.

10. Ҳаёт сифати сўровномаларига қўйиладиган талабларни санаб беринг.

11. QALY қўрсаткичи, таърифи, ҳисоблаш услиби, уни баҳолашда рухсат этилган четланишларни тушунтириб беринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

2. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.

3. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа», 2007, 335 с.

4. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

5. Рузиев К.Р. Қон босими ошиши касаллигига қўлланадиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий тадқиқотлари // 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш: Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019 йил, 92 б.

6. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

7. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

8. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446p.

9. <http://www.Lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

10. <http://www.ziyonet.uz>

11. <http://www.ispor.org>

12. <http://www.minizdrav.uz>

## **VII БОБ**

### **“ХАРАЖАТЛАР – ФОЙДА ТАҲЛИЛИ” УСУЛИ.**

### **ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИНИНГ**

### **СЕЗУВЧАНЛИК КЎРСАТКИЧИ**

“Харажатлар – фойда таҳлили” усулнинг мақсади, афзаллик ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси.

2. Тиббий технологияларни қўллаганда эришиладиган наф-фойда турлари, пул эквивалентида натижаларни ҳисоблаш усуллари.
3. Фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг сезгирилигини таҳлил қилиш, мақсади, таснифи, ўтказиш босқичлари.
4. Фармакоиқтисодий таҳлилдан фойдаланган ҳолда ҳисобкитобларни амалга оширишга мисоллар.

### **“Харажатлар – фойда таҳлили” усулнинг мақсади, афзаллик ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси**

“Харажатлар – фойда таҳлили” – Cost benefit analysis – СВА фармакоиқтисодий усули ҳам харажатларнинг, ҳам натижаларнинг пул эквивалентида касалликларни дори воситалари билан даволашда ифодаланиши шарти билан муқобил тиббий технологияларни bemorларнинг дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмоли, нархи ва натижаларини таққослашни назарда тутувчи фармакоиқтисодий таҳлил усулидир.

“Харажатлар – фойда таҳлили” сарф-харажатларга нисбатан (пул, сўмда) молиявий фойдани аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Таҳлилнинг ушбу турига бўлган эҳтиёж тиббиёт нуқтаи назаридан таққослаб бўлмайдиган тиббий технологиялар ва дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолини қўллаш натижаларини, масалан, инсульт сабабли бевақт ўлимнинг олдини олишга йўналтирилган гипертония касаллиги бўйича дори воситалари ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг олдини олишга йўналтирилган гриппга қарши иммунизация дори воситаларини қиёслаш зарурати орқали тушунтирилади.

“Харажатлар – фойда таҳлили” усулининг мақсади – касалликларни дори воситалари билан даволашда қиёсланаётган муқобил аралашувлар, дори воситалари, тиббий буюмлар

истеъмолини қўллашдан кўриладиган пул бирлигига ифодаланган моддий, молиявий наф, фойдани аниқлаш.

“Харажатлар – фойда таҳлили” усулининг афзаликлари мутлақо турли тиббий технологиялар дори воситалари истеъмолининг натижаларини қиймат жиҳатдан қиёслаш имконини беради, ҳаттоки турли касалликларда ҳам. Турли тиббий технологиялар ва дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника истеъмолининг рентабеллигини баҳолаш имконини беради.

“Харажатлар – фойда таҳлили” – Cost benefit analysis – СВА пул ифодасида тақдим этилган тиббий технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги ва касалликларни дори воситалари билан даволашда харажатлар нисбатини баҳолашга асосланади, яъни бевосита тиббиёт харажатлари ва даволаш натижалари пул бирликларида баҳоланади. Харажатлар – фойда таҳлилиниң натижаси бошқа муқобил усулларга нисбатан технологиялар ёки дори воситасининг қўлланишидан бевосита фойдани аниқлаш ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$- B_2) - (DC_1 + IC_1 - DC_2 - IC_2) \text{ ёки } (B_1 - B_2) / (DC_1 + IC_1 - DC_2 - IC_2),$$

бу ерда,

ва  $B_2$  – мувофиқ тарзда биринчи ва иккинчи усулдаги фойда;

ва  $IC_2$  – мувофиқ тарзда биринчи ва иккинчи усулда фойдаланилайдиган билвосита харажатлар;

ва  $DC_2$  – мувофиқ тарзда биринчи ва иккинчи усулда фойдаланилайдиган бевосита харажатлар.

“Харажатлар – фойда таҳлили” усулининг камчиликлари: даволаниш харажатлари ва натижаларини пул бирлигига ўтказиш зарурати ҳисобланади.

Олдини олиш имкони бўлган меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сони ва эга бўлинган ҳаёт йиллари сингари самараларни пул эквивалентига ўтказиш доим ҳам осон эмас. Бундай таҳлил натижалари харажатларнинг пулдаги фойдага нисбати шаклида ёхуд бир дори воситаларининг бошқасига нисбатан нетто-фойдалилигини ёки заарини ифодаловчи оддий, эҳтимол, қониқарсиз сумма кўринишида ифодалаш мумкин. Фармакоиқтисодий таҳлилларда бу усулдан кам фойдаланилади.

Сарф-харажатлар таҳлили пул бирлигига тиббий технологиялар

натижаларини ўлчаш методикаларининг мураккаблиги ва мукаммал эмаслиги, бунда бевосита bemorларнинг ўзлари томонидан баҳоланадиган натижаларни, масалан, ҳаёт сифатини пул бирлигига ўтказиш айниқса қийин.

Касалликларни дори воситалари билан даволашда пул бирлигига у ёки бу тиббий технологияларнинг афзалликларига берилган баҳонинг субъективлиги, муайян даражадаги дискриминациянинг мавжудлиги, билвосита йўл билан юқорироқ даромадга эга одамларнинг даволанишини рағбатлантиради.

“Харажатлар – фойда таҳлили” усулиниң қўлланиши соҳаси

Биринчидан, чекланган молиявий ресурслар шароитида кўп дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолидан биттасини танлаш зарурати.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасида мутлақо ҳар хил тиббий технологиялар ёки дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника истеъмолини қиёслаш, масалан, грипп ва гепатит А га қарши вакцинация ўтказиш, буйрак етишмовчилиги бўлган bemorга буйракни трансплантация қилиш ҳамда дори воситалари билан даволашда биргаликда у bemorда ҳар йили гемодиализ курсини ўтказиш.

## **2. Тиббий технологияларни қўллагандан эришиладиган наф-фойда турлари, пул эквивалентида натижаларини ҳисоблаш усуллари**

“Харажатлар – фойда таҳлили” – Cost benefit analysis – СВА таҳлилини ўтказиша олинган наф-фойдани у ёки бу тиббий технологиялар истеъмолининг ўтказишига сарфланган харажатларга нисбати ҳисобланади. Янада аниқроқ бўлиши учун ҳам истиқболли нафни, ҳам реал харажатларни имкон қадар тўлиқроқ ҳисобга олиш керак. Шунинг учун СВА таҳлилида ҳам бевосита, ҳам билвосита *харажатлар* ҳисобга олинади. Мазкур усулда билвосита харажатларни инобатга олмаслик нотўғридир. Тиббий технологиялар истеъмолини қўллагандан ҳам наф фойданинг “соф”, бевосита, билвосита ва сезилмайдиган турлари тафовут қилинади.

“Соф”наф-фойда – кўриб чиқилаётган тиббий технологияларни қўллашдан олинадиган, уни амалга оширишга сарфланадиган умумий харажатларни инобатга олмагандаги, пул бирлигига

ифодаланган наф-фойда.

*Бевосита наф-фойда* – муайян тиббий технологиялар, тиббиёт дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолини амалга ошириш сабабли пул маблағларини, ресурсларни тежаш ҳисобидан бўлади. Унга профилактика, диагностика, касалликларни дори воситалари билан даволашда, реабилитация, касбий хизматлар учун тўлов, дори воситаларига сарфланадиган харажатларни тежашни киритиш мумкин. Аксарият ҳолларда бевосита наф-фойдани ҳисоблаш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

*Билвосита наф-фойда* – муайян тиббий технологиялар, дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолини қўлламасдан эришиб бўлмайдиган, иш қобилиятини ошириш ҳисобидан маошнинг ошиши сабабли олинадиган потенциал қўшимча даромад. У унумдорлик ва маошдаги йўқотишларнинг олдини олиш қоидасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

*Сезилмайдиган наф-фойда* – психологик, руҳий характерга эга афзалликка, масалан, ҳаёт, иш, саломатлиги ҳолати ва бошқалардан қониқиши.

Пул эквивалентида тиббий технологияларнинг натижаларини баҳолаш усуллари, уларнинг чекланиши ва камчиликлари.

“Харажатлар – фойда таҳлили” усули бўйича фармақиқтисодий таҳлилни ўтказишдаги асосий қийинчилик пул бирлигига тиббий технологиялар натижаларини баҳолаш муаммоси билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда бунинг учун икки методика ишлатилади. Бу “Инсон капиталининг қиймати” ва “Тўловга тайёрлик” да фойдаланилади.

“Инсон капиталининг қиймати” (*human capital approach*) – битта шахс, маълум бир шахслар груҳи, меҳнат лаёқатини ошириш натижасида, дисконтлашни ҳисобга олган ҳолда олиниши мумкин бўлган ялпи даромадни ҳисоблашга асосланган тиббий технологиялар, дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолининг натижаларини миқдорий баҳолаш методикаси ҳисобланади.

Ўлим кўрсаткичининг ўзгаришига асосланган “Mishana” тенгламаси “Инсон капиталининг қиймати”ни ҳисоблаш варианларидан биридир.

$$L_1 = \sum_{t-\tau}^{\infty} Y_t P_{\tau}^t (1+r)^{-(t-\tau)},$$

бу ерда,  $L_1$  – ҳаёт қиймати;

– жорий йилда ҳисоб бошланган вақт;

– кутилаётган йиллик маош;

$t$  – келажакдаги вақт оралиғи;

$P$  –  $t$  вақт давомида инсон ҳаёти, яшаш мүмкін бўлган эҳтимоллиги;

$r$  – дисконт коэффициенти.

Мазкур формуладан келиб чиққан ҳолда ҳаёт қиймати танланган дисконт коэффициенти учун  $r$  мазкур даврга нисбатан дисконтланган эҳтимолликка  $P$  кўпайтирилган келажакдаги вақтнинг қайсиидир даврида  $t$  жорий йилнинг маълум давридан чексизликкача бўлган вақт оралиғи давомида кутилаётган йиллик маош  $Y$  суммасидир.

Ушбу усул алоҳида инсоннинг ҳаётини, унинг иқтисодий маҳсулдорлиги ёки йиллик даромади асосида баҳоланади. Ҳисобкитобларнинг мураккаблиги ва болаларда йиллик даромаднинг бўлмаганлиги боис, уларда тиббий технологиялар натижаларини пул бирлигига баҳолашнинг мураккаблиги, унинг қўлланишига чек қўйди. Дискриминация тузи ушбу усулнинг камчилиги ҳисобланади. Маоши катта одамларда  $L_1$  кўрсаткичи юқори бўлганлиги боис, меҳнати арzon турадиган шахслар, қариялар, жамиятнинг даромади кам таъминланган қатламлари вакиллари орасида ўлим сонини камайтиришга қаратилган аралашувдан кўра, аҳолининг нисбатан бой қатламидан бўлган шахслар ҳаётининг давом этиш эҳтимоллигини  $P$  яхшилайдиган аралашув фойдалироқ бўлади. Ушбу усул ҳам инсон қайси ижтимоий қатламга мансуб бўлишидан қатъи назар инсон ҳаёти ўз-ўзидан буюк қадрият эканлигини инобатга олмайди.

*Тўловга тайёрлик (willingness to pay)* – беморлар орасида ўтказилган сўров натижалари ва муайян ўлим хавфининг олдини олиш учун, улар тўлаши мүмкін бўлган суммани аниқлашга асосланган тиббий технологиялар, дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмолининг натижаларини миқдорий баҳолаш методикаси ҳисобланади.

Тиббий технологиялар натижаларини мазкур баҳолаш усули

унчалик мукаммал эмас, чунки муайян тибий технологияларга ҳақ тўлашга тайёрлик кўпроқ беморнинг молиявий аҳволига боғлиқ. Демак, бой беморлар тоифасида уни қўллагандаги “Харажатлар – фойда таҳлили” кўрсаткичи кам таъминланганлардагига нисбатан катта бўлади. Бундан ташқари, маълумки, улар орасида номаълум касалликдан гипотетик фориғ бўлиш нархи ҳақида сўров ўтказилганда соғлом одамлардан кўра, дардан халос бўлиш имконияти учун bemorлар кўпроқ ҳақ тўлашга тайёр.

Умумий ҳолат фойдалилиги ҳисоби таҳлил натижасини сезиларлича ўзгартириши мумкин.

### **7. 3. Фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг сезирлигини таҳлил қилиш, мақсади, таснифи, ўтказиш босқичлари**

“Харажатлар – фойда таҳлили” усули бўйича ҳисоб-китоблар. “Харажатлар – фойда таҳлили” фармакоиқтисодий таҳлилини ўтказишда  $K_{b/c}$  (*benefit to cost ratio*) коэффициенти – ўрганилаётган тиббиёт аралашувидан кўриладиган наф-фойдани, унинг қийматига нисбати ҳисобланади. Ҳисоб-китоб формула бўйича олиб борилади:

$$K_{b/c} = \frac{\text{Наф-фойда}_{(c\ddot{y}m)}}{\text{Харажатлар}_{(c\ddot{y}m)}},$$

$$K_{b/c} = \sum_{t=1}^n [B_t / (1 + r)^t] / \sum_{t=1}^n [C_1 / (1 + r)^t],$$

бу ерда,  $B_t$  –  $t$  вақт даврида олинган умумий наф-фойда;  
 $- t$  вақт даври учун ҳисобланган умумий қиймати, нархи;  
 $r$  – дисконтлаш даражаси;  
 $n$  – вақт даврларининг сони.

Бунда, агар

$K_{b/c} > 1$  – наф-фойда харажатлардан ошиб тушади ва дори воситалари, тиббий буюмлар истеъмоли фойдали ҳисобланади;

$K_{b/c} = 1$  – наф-фойда харажатларга эквивалентdir, яъни зарарсиз дори воситалари истеъмоли;

$K_{b/c} < 1$  – наф-фойда харажатлардан кичикдир, демакки, дори воситалари истеъмоли фойдали эмас, балки зиён келтиради.

Икки ёки бир нечта тиббий аралашувлар қиёсланганда  $K_{b/c}$

кўрсаткичи катта бўлган муқобил усул мўътадил ҳисобланади.

Фармакоиқтисодий таҳлилларни ўтказишда ҳисоб-китобларга киритиладиган параметрлар бироз вариабелликка, ўзгарувчанликка эга эканлигини инобатга олиш керак. Масалан, маълум чегараларда дори препаратининг нархи, ўрганилаётган технологиянинг самарадорлиги, касбий хизматлар, даволаниш курси ва бошқаларнинг нархи ўзгариб туриши мумкин. Олинган фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг турғунлик даражасини аниқлаш учун фармакоиқтисодиётда сезгирик таҳлили қўлланилади.

*Сезгирик таҳлили* – фармакоиқтисодий ҳисоб-китоблар натижаларига ушбу ҳисоб-китоблар учун олинган бошланғич параметрлардаги ўзгаришлар таъсирини баҳолаш ва аниқланган қонуниятларнинг турғунлигини аниқлаш имконини берувчи қўшимча фармакоиқтисодий таҳлил усули.

*Сезгирик таҳлилиниң мақсади* – ҳисоб-китобларда ишлатиладиган бошланғич параметрларнинг ўзгаришига нисбатан олинган фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг турғунлигини тасдиқлаш.

Масалан, “Харажатлар – фойда таҳлили” усули бўйича фармакоиқтисодий ҳисоб-китоблар қилинганда касалликларни дори воситалари билан даволаш учун I технология устувор муқобил вариант ҳисобланиши аниқланган. Агар даволаниш курсининг муддати, давомийлиги ўзгарса, фармакоиқтисодиёт нуқтаи назаридан II технология устувор муқобил вариантлигича қоладими? Ушбу саволга жавобни сезгирик таҳлилини ўтказиш орқали олиш мумкин.

Уларнинг қийматидаги ўзгариш фармакоиқтисодий таҳлил натижаларига таъсир қилиши мумкин бўлган параметрлар сонига қараб сезгирик таҳлили бир вариантли ва кўп вариантли бўлиши мумкин.

*Бир вариантли сезгирик таҳлили* – ҳисоб-китобларда ишлатиладиган бошланғич параметрлардан фақат биттасининг ўзгаришига нисбатан фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг турғунлигини баҳолаш.

*Кўп вариантли сезгирик таҳлили* – ҳисоб-китобларда ишлатиладиган иккита ва ундан ортиқ бошланғич параметрларнинг ўзгаришига нисбатан фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг турғунлигини баҳолаш.

Адабиётлардаги маълумотлар, мета-таҳлил ва эксперталар орасида ўтказилган сўров натижалари фармақиқтисодий таҳлилларнинг турли параметрларида содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида маълумот берувчи ахборот манбалари бўлиши мумкин. Молия хужжатлари, нархлари ва бошқалар – бошланғич фармақиқтисодий таҳлилларни ўтказиша ишлатилиши мумкин бўлган ахборот манбалари турларидир.

### *Сезирлик таҳлилини ўтказиши босқичлари*

1. Катта ўзгаришларга дучор бўлиши мумкин бўлган, ўтказилган фармақиқтисодий ҳисоб-китобларда ишлатилган параметрларни аниқлаш.

2. Бошланғич параметрларда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар чегараларини аниқлаш.

3. Бир вариантли ёки кўп вариантли сезирлик таҳлилини ўтказиш.

*Фармақиқтисодий таҳлил натижаларининг сезирлигини таҳлил этишида қилинадиган ҳисоб-китоблар*

Сезирлик таҳлилини ўтказиша бошланғич параметрларда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар чегараларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоблар олиб бориш зарур. Фармақиқтисодий таҳлил натижаларининг сезирлигини таҳлил қилишда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар мисолини кўриб чиқамиз.

## **Фармақиқтисодий таҳлилдан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга оширишга мисоллар**

Дастлабки клиника синовлари натижаларига кўра, турли ишлаб чиқарувчиларнинг диклофенак дори препаратлари амалда бир хил терапевтик самарадорлик ва хавфсизликка эга эканлиги маълум бўлганини инобатга олиб, сурункали бўғин оғриғи бўлган беморларда диклофенак дори препаратлари ёрдамида амалга оширилган монотерапияни фармақиқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинг. Ўрганилаётган дори препаратлари нархининг ўзгаришига олинган фармақиқтисодий таҳлил натижаларининг сезирлигини таҳлил қилинг.

Ишлаб чиқарувчига қараб, турли диклофенак дори препаратлари нархларининг ўзгариши келтирилган.

Таҳлил қилишда қўйидаги маълумотлардан фойдаланинг.

Бўғим оғриғини даволаш учун тавсия этилган дозаси – 25

мг.дан 3 маҳал суткасига. Монотерапия курсининг давомийлиги – 6 ҳафта, яъни 42 кун.

11-жадвалда турли хил ишлаб чиқарувчига қараб диклофенак дори препаратларининг нархлари келтирилган.

### 11-жадвал

#### **Ишлаб чиқарувчига қараб диклофенак дори препаратларининг нархлари**

Тр	Препарат номи	Чиқарилиш шакли	Қадоқ нархи (сўм)		
			минимал	ўртача	максимал
1.	“Диклофенак” «Қизил юлдуз» акциядорлик жамияти	Таблеткалар, 0,05 г, 20 дона	2400	4900	7400
2.	“Диклоран” (Unique)	Таблеткалар, 0,05 г, 100 дона	4300	7550	10800
3.	“Диклоген”(Agio)	Таблеткалар, 0,05 г, 50 дона	3200	5900	8600

#### **Ечими**

Диклофенакнинг келтирилган дори препаратлари бир хил терапевтик самарадорлик ва хавфсизлик намоён қилиши клиника синовлари натижаларига кўра исботланганлиги боис, фармакоиктисодий таҳлилни “Харажатларни минималлаштириш” усули бўйича ўtkазиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қадоқнинг минимал, ўртача ва максимал нархидаги ҳар бир дори препарати билан даволаш курсининг қийматини ҳисоблаш ва қадоқ нархининг ўзгариши охирги натижага таъсир қилиш ёки қилмаслигини аниqlаш, даволаниш курси энг кичик қийматга эга бўлган муайян ишлаб чиқарувчи дори препаратини танлаш зарур.

#### **Ҳисоб-китоблар**

*I. Битта қадоқнинг минимал нархидаги турли диклофенак дори препаратлари билан сурункали бўғим оғриги бўлган bemorни даволаниш курсининг қийматини ҳисоблаш.*

1. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун 1 та таблеткалар қийматини ҳисоблаш.

1 та таблеткалар қиймати = қадоқнинг минимал нархи / қадоқдаги таблеткалар сони

- а) Диклофенак  $2000 : 20 = 100$  сўм.
- б) Диклоран  $1100 : 10 = 110$  сўм.
- в) Диклоген  $3600 : 50 = 72$  сўм.

2. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун 1 суткада қабул қилинадиган таблеткалар сонини ҳисоблаш.

Сурункали бўғим оғригини даволаш учун тавсия этилган бир кунлик доза – 75 мг.ни ташкил қилганлиги боис барча дори препаратлари учун у 1,5 таблеткаларни ташкил қиласди.

3. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун бир кунлик доза қийматини ҳисоблаш.

Бир кунлик доза қиймати = 1 таблеткалар қиймати x таблеткаларнинг бир кунлик сони.

- а) Диклофенак  $100 \times 1,5 = 150$  сўм.
- б) Диклоран  $110 \times 1,5 = 165$  сўм.
- в) Диклоген  $72 \times 1,5 = 108$  сўм.

4) Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун даволаниш курсининг қийматини ҳисоблаш.

Даволаниш курсининг қиймати = бир кунлик доза қиймати x даволаниш курсининг давомийлиги

- а) Диклофенак  $150 \times 42 = 6300$  сўм.
- б) Диклоран  $165 \times 42 = 6930$  сўм.
- в) Диклоген  $72 \times 42 = 3024$  сўм.

*Хуноса.* Дори препарати қадоғининг минимал улгуржи нархини инобатга олиб сурункали бўғим оғриғи бўлган беморнинг монотерапияси учун «Қизил юлдуз» акциядорлик жамияти диклофенак энг арzon дори препарати ҳисобланади.

*II. Битта қадоқнинг ўртача нархida турли диклофенак дори препаратлари билан сурункали бўғим оғриғи бўлган бемор даволаниш курсининг қийматини ҳисоблаш.*

1. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун 1 тадан таблетка қийматини ҳисоблаш.

1 та таблеткалар қиймати = қадоқнинг ўртача нархи / қадоқдаги таблеткалар сони

- а) Диклофенак  $2000 : 20 = 100$  сўм.
- б) Диклоран  $14300 : 100 = 143$  сўм.
- в) Диклоген  $6300 : 50 = 126$  сўм.

2. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун 1 суткада

қабул қилинадиган таблеткалар сонини ҳисоблаш.

Сурункали бўғин оғригини даволаш учун тавсия этилган бир кунлик доза – 75 мг.ни ташкил қилганлиги боис барча дори препаратлари учун у 1,5 та таблеткаларни ташкил қиласди.

3. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун бир кунлик доза қийматини ҳисоблаш.

Бир кунлик доза қиймати = 1 та таблеткалар қиймати х таблеткаларнинг бир кунлик сони

а) Диклофенак  $100 \times 1,5 = 150$  сўм.

б) Диклоран  $140 \times 1,5 = 210$  сўм.

в) Диклоген  $130 \times 1,5 = 195$  сўм.

4) Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун даволаниш курсининг қийматини ҳисоблаш.

Даволаниш курсининг қиймати = бир кунлик доза қиймати х даволаниш курсининг давомийлиги

а) Диклофенак  $80 \times 42 = 3360$  сўм.

б) Диклоран  $180 \times 42 = 7560$  сўм.

в) Диклоген  $110 \times 42 = 4620$  сўм.

*Хулоса.* Дори препарати қадоғининг ўртача улгуржи нархини инобатга олиб, сурункали бўғим оғриғи бўлган беморни монотерапияси учун «Қизил юлдуз» акциядорлик жамиятининг Диклофенак дори препарати энг арzon ҳисобланади.

*III. Битта қадоқнинг максимал нархида турли диклофенак дори препаратлари билан сурункали бўғим оғриғи бўлган беморни даволаниш курсининг қийматини ҳисоблаш.*

1. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун 1 тадан таблетка қийматини ҳисоблаш.

1 таблеткалар қиймати = қадоқнинг максимал нархи / қадоқдаги таблеткалар сони

а) Диклофенак  $4300 : 20 = 215$  сўм.

б) Диклоран  $16900$  сўм :  $100 = 169$  сўм.

в) Диклоген  $7850 : 50 = 157$  сўм.

Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун 1 суткада қабул қилинадиган таблеткалар сонини ҳисоблаш.

Сурункали бўғим оғриғини даволаш учун тавсия этилган бир кунлик доза – 75 мг.ни ташкил қилганлиги боис, барча дори препаратлари учун у 1,5 таблеткани ташкил қиласди.

3. Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун бир кунлик доза қийматини ҳисоблаш:

Бир кунлик доза қиймати = 1 таблеткалар қиймати х таблеткаларнинг бир кунлик сони

- а) Диклофенак  $220 \times 1,5 = 330$  сўм.
- б) Диклоран  $170 \times 1,5 = 255$  сўм.
- в) Диклоген  $160 \times 1,5 = 240$  сўм.

4) Диклофенак дори препаратларининг ҳар бири учун даволаниш курсининг қийматини ҳисоблаш.

Даволаниш курсининг қиймати = бир кунлик доза қиймати х даволаниш курсининг давомийлиги

- а) Диклофенак  $330 \times 42 = 13860$  сўм.
- б) Диклоран  $260 \times 42 = 10920$  сўм.
- в) Диклоген  $240 \times 42 = 10080$  сўм.

*Хулоса.* Дори препаратлари қадофининг максимал улгуржи нархини инобатга олиб, сурункали бўғим оғриғи бўлган беморнинг монотерапияси учун Диклоген препарати «Agio» диклофенакнинг энг арzon дори препарати ҳисобланади.

Жавоб. Харажатларнинг таҳлилий усули бўйича диклофенак дори препаратларининг ўтказилган фармакоиқтисодий таҳлили ва олинган натижалар сезгиригининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, дори препарати қадофининг минимал ва ўртача нархида сурункали бўғим оғриғи бўлган беморни даволаш учун «Қизил юлдуз» акциядорлик жамиятининг Диклофенак препарати энг оптималь, мўътадил ҳисобланади. Чунки ўрганилган дори препаратлари ичида у билан даволаниш курси минимал қийматга (3360 ва 6300 сўм) эга. Дори препарати қадофининг максимал нархида ўрганилган дори препаратлари ичида даволаниш курси минимал қийматга (10800 сўм) эга бўлган «Agio» Диклоген дори препарати энг оптималь, мўътадил вариант бўлиб чиқди. Ўтказилган сезгирилик таҳлили олинган фармакоиқтисодий таҳлил натижалари фармацевтика бозорида дори препарати қадофи нархларининг ўзгариши бекарор эканлигини кўрсатди.

## Хулоса

1. Харажатлар – фойда таҳлилида фармакоиқтисодий усулнинг таърифи, мақсади, аҳамияти, афзалик ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси, тиббий технологияларни қўллагандан эришиладиган наф-фойданинг турлари, пул эквивалентида тиббий технологияларнинг натижаларини баҳолаш усуллари, уларнинг чекланиши ва

камчиликлари назарий ёритилди.

2. Харажатлар – фойда таҳлил усулидаги ҳисоб-китоблар, фармакоиқтисодий натижаларининг сезгирилиги, таърифи, мақсади, таснифи, ўтказиш босқичлари ҳақидаги ҳисоб-китоблар таҳлил қилиб берилди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

“Харажатлар – фойда таҳлили” фармакоиқтисодий усули, таърифини таърифланг.

2. Харажатлар – фойда таҳлилиниң мақсади, афзаллик ва камчиликлари, қўлланиш соҳасини таърифланг.

3. Тиббий технологияларни қўллагандан эришиладиган наф-фойданинг турларини таҳлил қилиб беринг.

4. Пул эквивалентида тиббий технологияларниң натижаларини баҳолаш усуллари, уларниң чекланиши ва камчиликларига мисоллар келтиринг.

“Харажатлар – фойда таҳлили” усули бўйича ҳисоб-китобларни таърифланг.

7. Фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг сезгирилигини таҳлил қилиш, таърифи, мақсади, таснифи, ўтказиш босқичларини санаб беринг.

8. Фармакоиқтисодий таҳлиллар натижаларининг сезгирилигини таҳлил қилишда қилинадиган ҳисоб-китобларга мисоллар келтиринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

2. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.

3. Побочное действие лекарств: Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация» / Л. В. Яковлева, Н. В. Бездетко, О. А. Герасимова и др. – Харьков, 2008, 5 с.

4. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа”, 2007, 335 с.

5. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

6. Рузиев К.Р. Кон босими ошиши касаллигига қўлланадиган дори воситаларининг фармақиқтисодий тадқиқотлари // 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019 йил, 92 б.

7. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

9. Яковleva L.B., Бездетко H.B., Герасимова O.A., Мищенко O.Я., Ткачева O.B., Беркало H.H. Побочное действие лекарств / Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация». – Харьков: НФау, 2008, 5 с.

10. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

11. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446 p.

12. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

13. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

14. <http://www.Lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

15. <http://www.ziyonet.uz>

16. <http://www.ispor.org>

17. <http://www.minizdrav.uz>

## **VIII БОБ КАСАЛЛАНИШ ҚИЙМАТИ ТАҲЛИЛИ**

1. Фармакоиқтисодий таҳлилнинг соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамияти ва ўтказиш босқичлари.

“Касалланиш қиймати таҳлили”ни ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, афзаллик ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси, ҳисоблаш методологияси.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулида ҳисоб-китобларни қўллашга мисоллар.

8.4. Касалланиш қийматида зарур клиника амалиёти (GCP) – дори воситаларини клиника текширувидан ўтказишнинг халқаро қоидалари ва стандартларининг ўрни.

### **1. Фармакоиқтисодий таҳлилнинг соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамияти ва ўтказиш босқичлари**

*Фармакоиқтисодий таҳлил* алоҳида шахс, инсонлар, беморлар, соғлиқни сақлаш тизими, бутун жамият учун икки ва ундан қўп муқобил тиббий технологияларнинг афзалликларини аниқлаш мақсадида уларнинг харажатлар самарадорлигини тадқиқ қилиш ҳамда қиёслашнинг мураккаб комплекс жараёнидир.

Фармакоиқтисодий таҳлил натижалари тиббий ёрдам сифатининг ошиши ва уларда сарфланган маблағларнинг максимал самарадорликка мос келувчи оптималь тиббий технологияларни танлашга сабаб бўлиши керак. Бу давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағларни оқилона сарфлаш имконини беради.

Тиббий ёрдам сифатини баҳолашда тиббиётнинг замонавий ривожланиш даражасига мос келувчи тиббий технологияларни қўллаш шароитларида олинган натижага мувофиқ сарфланган маблағлар, даволашга сарфланган харажатлар миқдори инобатга олинади (*Донабедиан Триадаси*).

Фармакоиқтисодий таҳлиллар ва даволаш натижалари бўйича Халқаро жамият (International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research – ISPOR) ҳамда фармакоиқтисодий таҳлилларни ташкил қилиш ва ўтказиш қоидалари касалликларни дори

воситалари билан даволашда қуидаги босқичларни кўзда тутади.

1. Таҳлил мақсади ва вазифаларини шакллантириш.
2. Қиёслаш учун муқобил тиббий технологияларни танлаш.
3. Тадқиқотлар ўтказилаётган тиббий технологиялар учун самарадорлик ва хавфсизлик мезонларини танлаш.
4. Тиббий аралашув, технологиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини исботловчи ҳужжатларни тадқиқ қилиш, ўрганиш.
5. Фармакоиктисодий таҳлил усулини танлаш.
6. Таҳлилни ўтказишда сарфланадиган харажатларни ҳисобга олиш.
7. Фармакоиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш.
8. Олинган натижалар сезгирлигини таҳлил қилиш.
9. Таҳлил натижаларига кўра хulosса ва таклифларни шакллантириш.
10. Таҳлил натижаларига кўра хulosса ва таклифларни ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаш.

#### *Асосий фармакоиктисодий таҳлил усуllibari*

Ҳозир амалиётда қуидаги *фармакоиктисодий таҳлил усуllibari* кўпроқ қўлланилади. Фармакоиктисодий таҳлилнинг стандартлаштирилган услублари қуидагилардан иборат.

COI-costofillness – “Касалланиш қиймати таҳлили” ҳам катта аҳамиятга эга, унга даволаш, профилактика, ташхислаш, реабилитация ва бошқаларнинг қиймати киради.

1. “Касалланиш қиймати таҳлили” – Cost of illness analysis – COI.
2. “Харажатларни минималлаштириш таҳлили” – Cost minimization analysis – CMA.
3. “Харажатлар – самарадорлик таҳлили” – Cost effectiveness analysis – CEA.
4. “Харажатлар – фойдалилик таҳлили” – Cost utility analysis – CUA.
5. “Харажатлар – фойда таҳлили” – Cost benefit analysis – CBA.

Санаб ўтилган усуllibардан 2–5лари касалликларни дори воситалари билан даволашни солиштирма қийматининг коэффициентини ҳисоблаш имконини бериб, бу турли тиббий технологияларни қўллаганда харажатлар самарадорлигини қиёслаш имконини беради. Бинобарин, кўрсатилган усуllibар фармакоиктисодий таҳлилнинг тўлақонли жараёни ҳисобланади. Олинган фармакоиктисодий таҳлил натижаларининг ҳаққонийлиги

ва турғунлигини баҳолашда, шунингдек, “Сезгирик таҳлили” – “Sensitivity analysis” ҳам қўлланилади.

“Касалланиш қиймати таҳлили” таърифи, мақсади, таҳлил ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, афзаллиги, камчиликлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида қўлланилади.

“Касалланиш қиймати таҳлили” услуби билан амалга оширилган фармакоиқтисодий таҳлил даволаш курсида битта bemor учун кетган дори воситалари билан ҳисоблашга асосланган: ўртacha 535,00 рубль артериал гипертензия ва қандли диабетли bemorларнинг клиник-статистика грухи учун; ўртacha 551,94 рубли артериал гипертензия ва юракнинг ишемик касаллиги мавжуд bemorлар клиник-статистик грухи учун; ўртacha 642,21 артериал гипертензия ва гипертензив энцефалопатия мавжуд клиник-статистика грухи bemorлари учун; ўртacha 393,94 рубли эссенциал гипертензия мавжуд bemorлар клиник-статистик грухи учун. Бунда артериал гипертензия ва юрак ишемик касаллигига эга клиник-статистика грухидаги bemorларнинг фармакотерапияси анча сарф-харажатли бўлди. Аниқланганки, фармакотерапия харажатининг катта қисми ААФ ингибиторларига (16839,21 рубль ёки 15,53 %); диуретикларга (5194,92 рубль ёки 4,79 %) тўғри келади.

Антигипертензив терапиянинг иқтисодий баҳоланишини қўллаш катта қизиқиши уйғотади. Бу касалликнинг кенг тарқалганлиги, юрак-қон томир асоратлари хавфи ўсиши, аҳоли орасида назорат етарли эмаслиги ва юрак-қон томир касаллиги сабабли ўлимга боғлиқ. Ёш ўтиши билан касаллик кенгаяди ва 65 ёшдан катта одамларнинг 65 фоизида учрайди, бунда кекса ёшдагиларда алоҳида систолик артериал гипертензия устун келади, у 50 ёшгача ахолининг 5% дан кам сонида учрайди. 50 ёшгача артериал гипертензия эркакларда кўп учрайди, 50 ёшдан кейин эса аёлларда.

Беларус Республикасида ҳозирги вақтда артериал гипертензия билан 20-25% аҳоли азият чекади. 2007 йилда Беларус давлатида артериал гипертензияли 1286962 bemor қайд қилинган.

Артериал гипертензия муаммоси нафақат терапевтлар, кардиологлар, балки педиатрлар учун ҳам долзарб. Бу бирламчи артериал гипертензиянинг Россия мактаб ўқувчилари орасида 1% дан 18% гача учраши билан тавсифланади. Кейинги 3-7 йилларда артериал босим 33-42% ўспиринларда баландлигича қолади, 17-

26% ўспириналарда артериал гипертензия прогрессирланувчи кечиш хусусиятига эга. Беларус Республикасидан ҳам худди шундай маълумотлар олинган: бирламчи артериал гипертензиянинг болалар орасида учраш тезлиги 18% га teng. 5 йил мобайнида 37% ўспириналарда ошганлигича қолади, 21% да артериал гипертензия шаклланади.

АҚШда бир йилда 500000 та инсульт кузатилади, уларнинг ярмидан кўпида асосий сабаб бўлиб артериал босим кўтарилиши ётади. Артериал гипертензия билан боғлиқ инсультларни даволашнинг умумий нархи 26 миллиард долларни ташкил қиласди. Шу билан бир вақтда, гипотензив терапия нархи бир йилда 17 миллиард долларга teng. Агар гипотензив терапия инсульт ривожланишини 40% га камайтиришини инобатга олсак, аниқ бўладики, олиб борлиган гиоптензив терапиянинг иқтисодий самарадорлиги чамаси 10,5 миллиард долларни ташкил қиласди. Маълумки, артериал гипертензияни даволашга кетган антигипертензив харажатлар умумий даволаш нархининг 30% ини ташкил этади. Шунинг учун ҳам артериал гипертензияга эга беморларда терапия узоқ вақтдаги башорат нуқтаи назаридан максимал тарзда самараали бўлиши лозим.

### **“Касалланиш қиймати таҳлили”ни ўтказишининг ўзига хос жиҳатлари, афзаллик ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси, ҳисоблаш методологияси**

“Касалланиш қиймати таҳлили” – Cost of illness analysis (COI) – муайян касалликни ташхис қилиш ва даволаш жараёни билан боғлиқ барча бевосита тиббий ва нотиббий, билвосита харажатларни ҳисобга олишни назарда тутувчи фармақиқтисодий таҳлил усули.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулининг мақсади – қайсиdir бир муайян тиббий технологияларни қўллагандан, маълум бир касалликни даволашнинг тўлиқ қийматини аниqlашdir.

Фармақиқтисодий таҳлилнинг бу тури ҳам мустақил, ҳам таҳлилнинг бошқа турларини ўтказишда сарфланадиган харажатларни ҳисобга оловчи босқичлардан бири сифатида қўлланилиши мумкин.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулига кўра ҳисоб-китоб олиб боришда бир йилда битта беморга сарфланадиган харажатлар

аниқланади, улар беморларнинг барчасига экстраполяция қилинади ва охир-оқибатда муайян даволаш-профилактика муассасалари, миңтақа, давлатда маълум бир касалликка сарфланадиган харажатлар ҳақида маълумотлар олинади.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулининг ўзига хос жиҳатларида касаллик қийматини аниқлашда ўтказилаётган даволаш натижалари инобатга олинмайди.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулининг афзалликлари қуидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳисоб-китобларнинг нисбатан соддалиги.

Иккинчидан, тиббий технологиялар натижаларининг самарадорлигини баҳолашга зарурат, эҳтиёж бўлмаслиги.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулининг камчиликлари эса қуидагилардан иборат.

Биринчидан, муқобил тиббий технологияларни қиёсий баҳолаш учун қўллаб бўлмайди.

Иккинчидан, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини бошқаришга етарли шароитлар яратмайди.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулининг қўлланиш соҳасига қуидагилар киради.

1. Касалликнинг тўлиқ қийматини аниқлаш учун касалликларни дори воситалари билан даволашнинг турли амбулатор, стационар босқичларида бўлади.

2. Муайян даволаш-профилактика муассасалари, алоҳида миңтақа ёки бутун мамлакатда касалликнинг ўртача қийматини аниқлаш учун.

3. Муайян касалликни даволаш учун сарфланадиган пул ресурсларининг, маблағларнинг керакли ҳажмини аниқлаш учун.

4. Мамлакатга энг қўп иқтисодий заарар келтирадиган касалликларни ажратиб олиш учун.

5. Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув қарорларини асослаш ва қабул қилиш учун.

7. Молиялаштиришнинг устувор йўналишлари, харажатларни камайтириш йўллари ва бошқаларни аниқлаш.

8. Тиббий ёрдамга тарифлар ва ҳисоб-китобларни оптималлаштириш учун.

9. Бошқа фармақиқтисодий таҳлил усулларини қўллагандан сарфланадиган харажатларни аниқлаш учун.

“Касалланиш қиймати таҳлили”ни ҳисоблаш методологияси

“Касалланиш қиймати таҳлили”ни ҳисоблаш методологияси, тиббий хизматлар учун тарифларни ҳисоблашда касалликнинг умумий қиймати, нархининг фармакоиқтисодий таҳлил усулини қўллаш касалликларни дори воситалари билан даволашда маблағлардан самарали фойдаланишга олиб келади.

Тиббий хизматлар учун тарифларни ҳисоблашда “касалликнинг умумий қиймати (нархи)” фармакоиқтисодий таҳлил усулини қўллаш мумкин.

*Тариф* – пул бирлигига ифодаланган тиббий хизматнинг ўртача қиймати.

“Касалланиш қиймати таҳлили” усулида ҳисоб-китоблар қилиш:

“Касалланиш қиймати таҳлили” кўрсаткичи (COI) қуидаги формула асосида ҳисобланади:

бу ерда, COI – касалликнинг умумий қиймати, нархи;

DC – бевосита харажатлар;

C – билвосита харажатлар.

Касаллик қиймати таҳлили усулида касалликни даволашнинг тўғридан-тўғри ва қўшимча сарф-харажатлари ўрганилади. Маълум бир касалликни даволаш учун барча сарф-харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Шунга асосланиб, тадқиқотнинг кейинги босқичида “харажат – самарадорлик” усулидан фойдаланиш мумкин.

Касалланиш қиймати таҳлили уни даволашнинг турли босқичларида (амбулатор – 1, стационар – 2, реабилитация даврида – 3) қуидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$COI = (DC_1 + IC_1) + (DC_2 + IC_2) + (DC_3 + IC_3),$$

бу ерда, COI – касалликнинг умумий қиймати, нархи;

- тегишли равища касалликнинг амбулатор, стационар ва реабилитацион даврида сарфланган бевосита харажатлар;
- тегишли равища касалликнинг амбулатор, стационар ва реабилитацион даврида сарфланган билвосита харажатлар.

Маълум бир касалликка чалинган битта беморни касалликларни дори воситалари билан даволашга тариф қуидаги

формула ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$T = (COI_1 + COI_2 + COI_3 + \dots COI_n) / N,$$

бу ерда,  $T$  – даволаш-профилактика муассасаларида маълум бир касалликка чалинган битта беморни даволашга тариф;

$COI$  – маълум бир касалликка чалинган битта беморни даволаш қиймати;

$n$  – даволаш-профилактика муассасаларида даволанган bemorlar сони.

### **“Касалланиш қиймати таҳлили” усулида ҳисоб-китобларни қўллашга мисоллар**

Бош суяги – миясида жароҳати бўлган беморни даволашнинг тўлиқ қийматини қўйидаги харажатларни ҳисобга олган ҳолда “Касалланиш қиймати таҳлили” усулида ҳисобланг.

Стационар даволашда касалликларни дори воситалари билан даволаш қиймати 630 мингни ташкил қиласди. Бош суяги – миясида жароҳати бўлган беморни амбулатор даволаш қиймати 541,5 минг сўмни ташкил қиласди.

#### **Ечими:**

Бош суяги – миясида жароҳати бўлган беморни даволашнинг тўлиқ қийматини қўйидаги харажатларни ҳисобга олган ҳолда “Касалланиш қиймати таҳлили” усулида ҳисоблаш.

Стационар даволашда касалликни дори воситалари билан даволаш қиймати 630 мингни ташкил қилди. Бош суяги-миясида жароҳати бўлган беморни амбулатор даволаш қиймати 541,5 мингни ташкил қиласди.

Бош суяги-миясида жароҳати бўлган беморни даволашнинг умумий қиймати ўз ичига бевосита ва билвосита харажатларнинг ҳисоб-китобини қамраб олади ҳамда у бир неча босқичда амалга оширилади:

*I. Бевосита харажатларни (DC) ҳисоблаш. У қўйидагиларни ўз ичига олади.*

Стационар шариотда даволаниш қийматини ҳисобга олиш.

1. Мутахассис шифокорлар маслаҳатлари, консультацияларининг қиймати  $= 60 \times 3 + 50 \times 2 + 40 = 320$  минг сўм.

2. Ташхис қиймати  $= 90 \times 2 + 60 \times 2 + 75 \times 2 + 24 + 24 = 498$

минг сўм.

3. Стационар шароитда бўлиш қиймати = $120 \times 7 = 840$  минг сўм.

4. Транспорт харажатлари = 60 минг сўм.

5. Касалликни дори воситалари билан даволаш қиймати = 630 минг сўм.

Беморнинг стационар шароитда даволаниш қиймати =  $320 + 498 + 840 + 60 + 630 = 2\ 348$  минг сўм.

Амбулатор даволаниш қийматини ҳисобга олинганда 541,5 минг сўм.

$DC = 2\ 348 + 541,5 = 2\ 889,5$  минг.

#### *II. Билвосита харажатларни (IC) ҳисоблаши.*

Билвосита харажатларни (IC) ҳисоблаш учун ижтиомий харажатлар, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича тўловлар, ногиронлик бўйича пенсиялар ва иш жойида ишчи, (унинг оила аъзолари ёки bemorni кўришга борган ўртоқлари) бўлмаганида ишлаб чиқаришда кўрилган йўқотишларни инобатга олиш керак. Ишлаб чиқаришда кўрилган йўқотишларни ҳисоблаш учун икки усул, “Инсон капитали” ва “Фракцион қиймат” усуллари кўлланилади.

Ушбу усуллар кўп меҳнат талаб қилгани боис баъзида фармақиқтисодий таҳлилни ўтказишда амалий соғлиқни сақлаш тизимида билвосита харажатлар инобатга олинмайди.

Хуллас, мазкур топшириқда бош суюги-миясида жароҳати бўлган bemorni даволашнинг умумий қийматини ҳисоблаш қуидаги формула ёрдамида амалга оширилади.

Бош суюги-миясида жароҳати бўлган битта bemorni даволашнинг умумий қиймати – 2 889,5 минг сўм.

*Ўтказилган фармақиқтисодий ҳисоб-китоблар натижаларини таҳлил қилиши.*

Олинган натижалар тарифини ҳисоблаш, замоннинг маълум даври давомида мазкур касалликка чалинган bemorlarning ўртacha статистика миқдорини инобатга олиб, бош суюги – мия жароҳатини даволаш учун муайян даволаш-профилактика муассасаларига ажратилган пул маблағлари ҳажмига оид бошқарув қарорларини соғлиқни сақлаш тизимида қабул қилиш учун қўлланиши мумкин.

Мисол учун, таҳлилда турли хил нархларга асосланиб, левоцетиризин халқаро номдаги дори воситасининг тиббиёт амалиётида қўлланишини ўргандик. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказида поллиноз касаллигининг ўртача оғир шакли билан амбулатор шароитда даволанган, ёши 18 дан 68 гача бўлган 62 нафар bemор турли хил аллергияга қарши дори воситалари билан даволанган. Поллиноз касаллиги билан даволанган “Беморнинг амбулаториядаги тиббий варақаси”дан қўчирмалар икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳдаги 27 нафар bemор халқаро номи левоцетиризин, савдо номи «Аллерцетин®» 5 мг, 10 та дона, маҳаллий фармацевтика корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларини шифокор тавсиясига кўра қабул қилган. Иккинчи гуруҳдаги 35 нафар bemор халқаро номи левоцетиризин, савдо номи «Л-Цет®» 5 мг, 10 та дона, хорижий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларини шифокор тавсиясига кўра истеъмол қилган.

12-жадвалда поллиноз касаллигини даволашнинг “Касалланиш қиймати таҳлили” бўйича сарф-харажатлари берилган.

### **Поллиноз касаллигини даволашнинг “Касалланиш қиймати таҳлили”**

**12-жадвал**

Сарф-харажатлар таҳлили	Даволаш усуллари	
	Биринчи усул	Иккинчи усул
	«Аллерцетин ATM®» (левоцетиризин) 5 мг, 10 дона Ўзбекистон	Л-Цет® (левоцетиризин) 5 мг, 10 дона Ҳиндистон
Бевосита харажатлар	727 000	732 000
Билвосита харажатлар	650 000	650 000
Жами	1 377 000 сўм	1 382 000 сўм
Фарқи		5 000

Таҳлиллар давомида “Беморнинг амбулаториядаги тиббий варақаси”дан қўчирмалардан олинган маълумотларга кўра, иккала

гурухда ҳам ножўя таъсир кузатилмади. Ҳар иккала кузатув гурухида ижобий самара кузатилди.

Тадқиқотимизда сарф-харажатларни ҳисоблаш учун “Касаллик қиймати таҳлили” формуласидан фойдаланилди.

$$\text{COI} = \text{DC} + \text{IC},$$

бу ерда, COI – касаллик қиймати кўрсаткичи;

DC – бевосита харажатлар;

IC – билвосита харажатлар.

Аллерцетин® (левоцетиризин) 5 мг, 10 та дона таблеткалари билан даволаш сарф-харажатлари эса қуидагига тенг:

$$\text{COI} = \text{DC} + \text{IC} = 727\,000 + 650\,000 = 1\,377\,000 \text{ сўм.}$$

Л-Цет® (левоцетиризин) 5 мг, 10 та дона таблеткалари билан даволаш сарф-харажатлари қуидагиларни ташкил этди:

$$\text{COI} = \text{DC} + \text{IC} = 732\,000 + 650\,000 = 1\,382\,000 \text{ сўм.}$$

Фармакоиктисодий таҳлиллар натижаларига кўра, поллиноз касаллигида қўлланадиган левоцетиризин дори воситасининг ўрнини босувчи генерик маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилганини қўллаш маълум тежамкорликка эришиш имконини берди ва бевосита харажатлар қисқарди.

Поллиноз касаллигини даволашда “Касалланиш қиймати таҳлили” маҳаллий дори воситаси «Аллерцетин®» (левоцетиризин) 5 мг, 10 та дона таблеткалари билан даволаш сарф-харажатлари 1377000 сўмни ташкил қилди. Хорижий «Л-Цет®» (левоцетиризин) 5 мг, 10 та дона таблеткалари билан даволаш дори воситаси сарф-харажатлари 1382000 сўмдан иборат бўлди.

#### **8. 4. Касалланиш қийматида зарур клиника амалиёти (GCP). Дори воситаларини клиника текширувидан ўтказишнинг халқаро қоидалари ва стандартларининг ўрни**

*Тегишили клиника амалиёти (GCP – Good Clinical Practice). ICH GCPнинг асосий тамойиллари.*

Милоддан аввалги III асрдаги клиника текширишлари: Птоломей жазога хукм этилганларда дори воситаларини текшириш учун уларнинг розилиги олиниши кераклигини таъкидлайди. Амирдовлат Амасиаци XV асрда дори воситаларининг клиника текширишига риоя қилиниши керак бўлган 7 та асосий шартларни баён қилган. XVIII асрда дори препаратларининг қиёсий синашларига бағишланган ишлар пайдо бўлган.

*Дори воситаларини излаш услублари:*

1. Янги моддаларни идентификация қилишга эмпирик ёндашиш.

2. Молекуляр генетика.

3. Замонавий компьютерда моделлаштириш.

Мисол учун, 261 та янги молекулалар синтезланади (6,7%), 200 таси (0,67 %) клиника текширишларининг I босқичигача етиб келади.

40 таси (0,13%) клиника текширишларининг II босқичигача етиб келади.

12 таси (0,04%) клиника текширишларининг III босқичигача етиб келади.

8 таси (0,027 %) фармацевтика бозорига тушади.

1 таси (0,003%) бир неча йилдан кейин эгаллаган ўрнида қолади.

Инновацион дори препаратини яратиш.

Клиника тадқиқотлари. Текширилаётган дори препаратларини инсонларда синаб кўриш жараёнида дори воситаларининг хавфсизлиги, самарадорлигини аниқлаш мақсадида клиник, фармакологик ёки фармакодинамик самараларни аниқлаштириш ёки текширилаётган дори препаратларига нисбатан ножўя реакцияларни аниқлаш ёки дори препаратларининг сўрилиши, тақсимланиши, метаболизми, организмдан чиқарилишини ўрганишга қаратилган ҳар қандай тартибли текшириш ўтказилади.

Инсонларда текшириш қўйидаги талабларга жавоб берганда олиб борилади. Клиника олди текширишлари маълумотлари ушбу дори воситасини касалликни даволашда қўлланилиши мумкинлигини тасдиқлайди. Клиника текширувлари адекват ишлаб чиқилган бўлиб, дори воситасининг самарадорлиги ва хавфсизлиги

ҳақида ишончли маълумот бериши мумкин. Дори воситаси одамларда синаш учун етарижа хавфсиз.

Таклиф этилаётган клиника синовлари текширилаётганларни кераксиз хавфга солмайди.

Клиника синовларини тартибга солувчи маъмурий органлар, яъни Давлат фармакология маркази, Европа давлатлари фармакология маркази – дори воситаларини баҳолашда Европа агентлиги (ЕМЕА) Европа – АҚШ – озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори препаратларини назорат қилувчи бошқармалар (FDA) мавжуд.

Клиника текширувлари таснифи. Клиника тадқиқотлари, обсервацион, экспериментал, тавсифий, аналитик, ҳодисаларни тавсифловчи, ҳодисалар сериясини текшириш, бир лаҳзали тадқиқотлар, сўровномалар ўтказилади. Клиника тадқиқотлари, Мета-таҳлил, “Ходиса-назорат”, когортли. Экспериментни кузатиш олиб борилади.

Исботловчи тиббиёт (evidence-based medicine). Ҳар бир клиника қарори жиддий исботланган илмий фактларга асосланган бўлиши керак.

### *Исботланиши даражалари*

I – йирик, яхши ишлаб чиқилган, рандомизирланган, иккитали тасодифий, плацебо назоратланувчи тадқиқотлар – “Олтин стандарт”.

II, III – унча катта бўлмаган рандомизирланган ёки катта рандомизирланмаган тадқиқотлар.

III, IV – чекланган сондаги ёки айрим беморлардаги ретроспектив рандомизирланмаган тадқиқотлар.

Амалий тавсияномалар рейтинги I – A, II – B, III – C, IV – D.

### *Клиника тадқиқотлари турлари*

I босқич (A; B), II босқич (A; B).

III босқич, IV босқич (постмаркетингли). Биоэквивалентлик текширишлари.

Клиника тадқиқотларининг I босқичи касалликларни дори воситалари билан даволашдаги тадқиқотлари, тиббий биология синовлари дори препаратининг бир марталик дозасини кўтара олишликни – фармакокинетиканинг парметрларини – фармакодинамиканинг самараларини текширади.

### *Клиника синовлари босқичлари.*

Клиника тадқиқотларининг I босқичини бажаришнинг муҳимлилиги кейинчалик таҳлилларни яна давом эттириш ёки

тўхтатиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши мақсадида дори препаратининг хавфсизлигини ва организм томонидан қабул қилинишини тасдиқловчи маълумотларни олишдан иборат. Мақсад дори препаратининг хавфсизлиги ва организм томонидан қабул қилина олиниши ҳақидаги дастлабки маълумотларни олиш, дори препаратининг одамдаги фармакодинамика ва фармакокинетика кўрсаткичларининг бирламчи тавсифини яратиш, баъзида эса инсонларда текширишда самарадорликнинг бирламчи кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Клиника тадқиқотларининг II босқичи. Мақсад – беморларнинг маълум бир гуруҳида дори воситасининг клиника самарадорлигини тасдиқлаш – фаол ингридиентнинг қисқа вақтли хавфсизлигини баҳолаш – дори препаратининг терапевтик дозаси даражасини аниқлаш – дозалаш схемаси.

Клиника тадқиқотларининг III босқичи. Мақсад – дори шаклларининг фаол компоненти учун қисқа вақтли ва узоқ вақтли хавфсизликка, самарадорликка нисбатини, унинг умумий ва нисбий даволаш қийматини, дори препаратининг специфик тавсифни аниқлаш, энг кўп учрайдиган ножӯя таъсиrlарнинг профили ва турли -туманлигини текшириш.

Клиника тадқиқотларининг IV босқичи. Дори препарати билан даволашнинг турли муддатларини, дори препаратини дозалаш схемасини такомиллаштириш, овқат ёки бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсиrlашиши, дори препаратини ёш гуруҳларда ёки бошқа тоифадаги bemorларда бошқа стандарт даволаш курслари билан қўлланилишининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш, дори препаратининг узоқ муддатли самарасининг яшовчанликка, ўлим даражасининг камайиши ёки ошишига таъсири, турли гуруҳдаги bemorларда дори препаратини узоқ муддат қўллаш натижаларига таъсирини ўрганиш учун қўлланилиши мумкин.

*Генерик ва табиий дори препаратларининг ўзаро ўҳшишилиги ва фарқлари*

**Ўҳшишиликлари:**

Субстанция.

Доза.

Дори шакли.

**Фарқлари:**

Ёрдамчи моддалар.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш технологиялари.

Биоэквивалентлик.

Фармацевтика эквивалентлиги фармакокинетика  
эквивалентлигини кафолаттай олмайды.

Диклофенак натрий таблеткалари биоэквивалентлигини текшириш. Вақт, соат, мкг/мл. Фармацевтика фирмаси X томонидан ишлаб чиқарилган диклофенак натрий таблеткалари (энг юқори максимал концентрация С max). Фармацевтика фирмаси Y томонидан ишлаб чиқарилган диклофенак натрий таблеткалари (энг паст максимал концентрация С max, ярим чиқарилиш вақтининг анча узун даври). Фармацевтика фирмаси Z томонидан ишлаб чиқарилган диклофенак натрий таблеткалари (максимал концентрациянинг ўртача қиймати С max, дори препаратининг қондаги концентрациясининг анча кескин камайиши).

### **Good clinical practice (GCP) (Яхши клиника амалиёти).**

Текширилаётган маълумотнинг сирлари ва ҳуқуқларини кафолотловчи ҳамда ҳисботларнинг ишончлилигини таъминловчи клиника тадқиқотларини режалаштириш, бошқариш, амалга ошириш, мониторинглаш, аудит ва қайд этиш, таҳлил ва тадқиқотлар ҳисботларини тайёрлаш лозим.

ICH GCPнинг асосий тамойиллари.

1. Клиника тадқиқотлари Хельсинка Декларациясига асосланган этика тамойилларига мос ҳолда амалга оширилиши керак ва GCPга ҳамда амалдаги қонунларга мос келиши лозим.

2. Тадқиқотлар бошланишидан олдин бир томондан у билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган хавф ва ноқулайликларни, бошқа томондан эса текширилаётган ва жамият учун юзага келадиган фойдани ҳам ҳисобга олиш керак. Агар кутилаётган фойда хавфни оқласагина тадқиқотни бошлаш ва давом эттириш мақсадга мувофиқ.

3. Текширилаётларнинг ҳуқуқи, хавфсизлиги ва саломатлиги энг муҳим масалалар ҳисобланади ва фан ҳамда жамият манфаатларидан устун бўлиши зарур.

4. Текширилаётган дори воситалари ҳақидаги мавжуд клиника ва ноклиникасиз маълумотлар бажарилиши кутилаётган клиника тадқиқотларини адекват асослаш учун етарлича бўлиши керак.

5. Клиника тадқиқотлари илмий асосланган ва аниқ, батафсил баённомада ёзилган бўлиши лозим.

6. Тадқиқотлар Муассаса тафтиш кенгаши (IRB) ва Этика бўйича мустақил Кўмита (IEC)ларидан ижобий баҳолангандан баённома ва қўшимчаларга мос ҳолда бажарилиши керак.

7. Текширилаётганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларга нисбатан тиббий қарорлар қабул қилиниши квалифицирланган шифокорлар томонидан амалга оширилиши керак.

8. Тадқиқотни бажаришда иштирок этадиган шахсларга мос маълумотга, уларга қўйилган масалаларни бажариш учун тайёргарлик ва тажрибага эга бўлиши лозим.

9. Текширилаётган шахснинг тадқиқотга қўшилиши ҳақидаги ихтиёрий розилиги олдидан олиниши керак.

10. Клиника тадқиқотларида олинган ҳамма маълумотлар қайд қилиниши, қайта ишланиши ва сақланиши керак, бунда маълумотларни тўғри тақдим этиш, интерпретация ва верификация қилиш имкони бўлиши лозим.

11. Текширилаётган шахсни идентификациялашга имкон берувчи маълумотлар махфийлигига мос бошқарув талабларига тўғри келадиган шахсий сирларни таъминловчи қоидалар билан ҳимоя қилинган бўлиши лозим.

12. Ўрганилаётган дори препаратлари яхши ишлаб чиқарувчи (Good Manufacturing Practice (GMP)нинг амалдаги талабларига биноан ишлаб чиқарилиши, олиб келиниши ва сақланиши керак. Улар қабул қилинган баённома ва тўғриланишларга мос равища қўлланилиши лозим.

13. Тадқиқотнинг барча жиҳатлари сифатли бажарилиши стандарт операцион тизими (СОП) билан таъминланган бўлиши керак.

### **GCP клиника текширишларини ташкиллаштириш қоидалари**

Дори воситалари фақат лаборатория текширувлари синовидан ўтганидан кейингина клиника тадқиқотларида текширилишга рухсат берилиши мумкин.

GCP қоидаларида bemorlar va қўнгиллилар ҳуқуqlari ёзилган:

– текширилаётганлар уларга янги дори препарати берилаётгани ва дори препаратининг хоссалари ҳақидаги маълумотни олиши керак;

– bemorlar moliajvij mukoфot ҳуқуqiga эга;

– шифокорлар томонидан текширув кечиши назорат қилиниши лозим.

Европада, АҚШда ва Россияда дори воситаларини клиника текшириши бўйича назорат қилувчи жамоавий қўмиталар жорий қилинган. Бу қўмиталарга руҳонийлар, милиция ва прокуратура, тиббий жамоат намояндалари киритилган, улар дори воситалари синовларини кузатишади.

Клиника тадқиқотларнинг мақсади – ишонарли натижаларни олиш, касалликларни дори воситалари билан даволашда унинг хавфсизлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш ва ҳоказо.

## **Хулоса**

1. Фармақиқтисодий таҳлилнинг таърифи, соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамияти, касалликларни дори воситалари билан даволаш ўтказиш босқичлари, асосий фармақиқтисодий таҳлил усуллари тузатиб чиқилди.

2. Касалланиш қиймати таҳлили (Cost of illness analysis – COI), фармақиқтисодий усулининг таърифи, мақсади, ўтказишни ўзига хос жиҳатлари, афзаллик-камчиликлари ва қўлланиш соҳаси назарий ёритилди.

3. Касалланиш қиймати таҳлилиниң ҳисоблаш методологияси, тиббий хизматлар учун тарифларни ҳисоблашда касалланиш қиймати таҳлили, фармақиқтисодий таҳлил усулини қўллашга мисоллар берилди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Фармақиқтисодий таҳлил, таърифи, соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамиятини таърифланг.

2. Фармақиқтисодий таҳлилни ўтказиш босқичларини санаб беринг.

3. Асосий фармақиқтисодий таҳлил усулларини таҳлил қилиб беринг.

“Касалланиш қиймати таҳлили” (cost of illness analysis – COI) формуласини ёзиб беринг.

5. Фармақиқтисодий усул, таърифи, мақсади, таҳлил ўтказишнинг ўзига хос жиҳатларини шарҳлаб беринг.

6. Фармақиқтисодий усулдаги афзаллик ва камчиликлар ҳамда

қўлланиш соҳасини таърифланг.

7. “Касалланиш қиймати таҳлили”нинг ҳисоблаш методологиясини тушунтириб беринг.

8. Тиббий хизматлар учун тарифларни ҳисоблашда “касалланиш қиймати таҳлили” фармакоиктисодий таҳлил усулини қўллаш йўлларига мисоллар келтиринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

2. Клинические испытания лекарств / В.И. Мальцев, Т.К. Ефимцева, Ю.Б. Белоусов, В.Н. Коваленко, А.Г. Румянцев, А.П. Викторов, И.А. Зупанец и др. ; под ред. В.И. Мальцева, Т.К. Ефимцевой, Ю.Б. Белоусова, В.Н. Коваленко. – 2-е изд., перераб. и доп. – Киев : Морион, – 456 с. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.

3. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа”, 2007, 335 с.

4. Побочное действие лекарств: Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация» / Л. В. Яковлева, Н. В. Бездетко, О. А. Герасимова и др. – Харьков, 2008, 5 с.

5. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

6. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

7. Рузиев К.Р. Кон босими ошиши касаллигига қўлланадиган дори воситаларининг фармакоиктисодий тадқиқотлари // 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш: Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019 йил, 92 б.

8. Яковлева Л.В., Бездетко Н.В., Герасимова О.А., Мищенко

О.Я., Ткачева О.В., Беркало Н.Н. Побочное действие лекарств / Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация». – Харьков: НФау, 2008, 5 с.

9. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

10. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446 p.

11. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

12. <http://www.Lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

13. <http://www.ziyonet.uz>

14. <http://www.ispor.org>

15. <http://www.minizdrav.uz>

## **IX БОБ** **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАРМАКОЛОГИК** **НАЗОРАТ ТИЗИМИ**

9.1. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатини назорат қилиш ишларининг таҳлили.

9.2. Дори воситаларининг қўлланилишида ножўя таъсирлар кузатилиши таҳлили.

9.3. “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонаси таркибидаги Фармакология қўмитаси фаолиятининг таҳлили.

9.4. Дори воситаларининг қўлланилишида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисидаги низом таҳлили.

### **1. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатини назорат қилиш ишларининг таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” маъruzасида таъкидланганидек: “...соҳада қиммат дориларнинг 45 фоизини импорт дорилар, бунинг устига, нархи ҳаддан ташқари ошириб юборилган дорилар ташкил этади. 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чегараланган нарх бўйича сотилишини назорат қилувчи органлар билан бирга қатъий тартибга солиш зарур. Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак”<sup>3</sup>.

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг (Янги қонун) 3-бобида

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи. 2017 йил 18 январь, № 243 (6678). 2-б.

“Дори воситалари. Тиббий буюмлар. Тиббий техника”нинг 13-моддасида, Фармакологик назорат бўйича таъкидланганидек: Фармакологик назорат дори воситасидан унинг қўлланилишига доир йўриқномага мувофиқ фойдаланилганда одамда кузатиладиган, организм учун бехосдан ва нохуш таъсир кўрсатадиган ножўя реакцияларни аниқлашга, баҳолашга ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятдир.

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг (Янги қонун) 1-боби, Умумий қоидалар, 3-моддаси, Асосий тушунчаларда “дори моддалари, субстанциялар – фармакологик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухsat этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар” деб келтирилган. “Фармакологик воситалар – муайян дори шаклига, клиника олди тадқиқотларида аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиника тадқиқотлари объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси” ҳисобланади.

6-моддада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари, “фармакологик назоратни амалга оширади” деб келтирилган.

Шунингдек, даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхонаси, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситаларини ва тиббий буюмларнинг савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ва қўлловчи шифохоналар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситаларининг ишлатилишида аниқланган ножўя реакцияларга баҳо беради, баҳолаш жараёнида ножўя реакциянинг клиника кўринишлари ва дори воситасининг қўлланилиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишлари, шунингдек, кутилаётган фойданинг дори воситаларини қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбати аниқланади.

Кутилаётган фойданинг дори воситалари қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбатининг ўзгаришига таъсир этувчи

далиллар аниқланган тақдирда ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг вакиллари салбий оқибатларни бартараф этишга, одамнинг ҳётига ёки соғлиғига зарар етказилишининг олдини олишга, бундай дори воситаларининг қўлланилишидан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши шарт.

Дори воситаси қўлланилганда дори воситасининг хавфсизлиги ва самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги тўғрисидаги далиллар аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бундай дори воситасини муомаладан чиқариш ёки унинг қўлланилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 2016 йил 27 октябридаги 365-сонли қарорида дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент иловага мувофиқ тасдиқлансан ва у расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ойдан кейин амалга киритилсин деб белгиланган. “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ техник регламентларнинг амалга киритилиши билан уларда кўрсатилган дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, ишлар ва хизматларни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мажбурийлик тусини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўллашнинг ихтиёрийлигига эга бўлиши маълумот учун қабул қилинган. “Ўзстандарт” агентлиги ваколатли органлар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Умумий техник регламент белгиланган тартибда амалга киритилган кундан бошлаб дори воситаларининг хавфсизлигини стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни қўллашда мажбурийлик тусини бекор қилиш ва ихтиёрийликни таъминлаш чораларини кўрсин деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзфармсаноат” АҚ, “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон телерадио компанияси билан биргаликда аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари тасдиқланган Умумий техник регламентнинг мақсадлари, мазмuni ва уни қўллаш тартиби тўғрисида кенг хабардор қилиниши белгиланган. 2016 йил ноябрь ойида дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, маркалаш, ўраб-жойлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ва йўқ қилишда

уларнинг хавфсизлигига қўйиладиган белгиланган талабларни тушунтириш бўйича республика семинари ўтказилиши таъминласин, деб белгиланган.

## **2. Дори воситаларининг қўлланилишида ножўя таъсиrlар кузатилиши таҳлили**

Сўнгги йилларда ноқулай экологик вазият, турмуш тарзининг изчил ривожланиши, дори воситаларининг хилма-хиллиги ва уларнинг ўринсиз тайнланиши, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида турли хил касалликларнинг қўпайишига сабаб бўлмоқда. Кенг тарқалган касалликларнинг ривожланишида атроф-муҳит, касалликларнинг этиологияси ва патогенетикаси бўйича омилларнинг аҳамиятини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий тадқиқот институтининг статистика маълумотларига кўра, 550 дан ортиқ касалликлар қайд этилган. Ушбу касалликларга тўғри ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларида маълум бир хато ҳамда камчиликларга йўл қўйилишига олиб келмоқда. Бу касалликларнинг ўсиш суръатига мос равишда уларни даволашда қўлланадиган дори воситалари истеъмолининг ҳажми ҳамда ножўя таъсири ҳам ортиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дори воситалари арсеналининг кенглигига қарамасдан, депрессияга учраган bemорларнинг 40 фоизи, ошқозон яраси касаллигининг 70 фоизи, гиперлипидемиянинг 75 фоизи, қандли диабетнинг 75 фоизи, артериал гипертензиянинг 75 фоизи, мигреннинг 60 фоизи, артроз ҳолатларининг 50 фоизи, шизофрения касаллигининг 75 фоизида замонавий дори воситалари ўз самарасини йўқотмоқда. Фақатгина бу дори воситаларининг бор-йўғи 25–60 фоизигина bemорларда ўз самарасини қўрсатаётгани ачинарли ҳол. Ўпкаларнинг сурункали обструктив касаллигида қўлланадиган дори воситалари ассортиментининг кенглигига қарамасдан, уни даволашда самара берадиган дори воситаларининг миқдори кам. Худди шу каби, бронхиал астмани даволашда 75 % дори воситалари самарасиз ҳисобланмоқда.

Мисол учун, касалликнинг тарқалиши ва дори воситаларининг истеъмоли бўйича қуидаги маълумотлар мавжуд. Нафас аъзолари касалликларига боғлиқ ўлим кўрсаткичи юрак-қон томир тизими касалликларидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, тўғри ташхис қўйиш ва даволаш учун юқори малакали пульмонологларнинг етишмовчилиги, ташхислаш ва даволаш жараёнларида маълум бир хатоликларга олиб келмоқда. Бундай хатоликлар катта ёшдаги беморларда 30–35% ва болаларда 40–45%ни ташкил этади.

Статистика маълумотларига кўра, 4–29 % беморларда дори воситаларининг ножўя таъсири натижасида келиб чиқадиган нохуш ҳолатлар кузатилмоқда. АҚШ ҳар йили 8,76 миллион аҳоли дори воситаларининг нотўғри тайинланиши оқибатида госпитализация қилинади, 200 мингга яқин инсонларнинг қисмати эса ўлим билан тугайди. Натижада ҳар йили 80 миллиард доллар ушбу нохуш ҳолатларни бартараф этишга сарфланади. Яна бир муаммо, дори воситаларининг хавфли комбинацияларири. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, дори воситаларининг тайинланиши натижасида 25% хавфли комбинациялар инсон умрига зомин бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан халқаро пилот тадқиқот лойиҳаси тузилди. Лойиҳанинг мақсади дори воситаларининг ножўя таъсирини ўрганиш бўлиб, бунга Австралия, Буюк Британия, Канада, Янги Ирландия, Нидерландия, АҚШ, ФРГ, Чехословакия, Швеция каби қатор давлатлар аъзо бўлдилар. Лойиҳа натижалари шуни кўрсатдики, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қошидаги халқаро марказга ҳозирги кунда 100 дан ортиқ иқтисодий ривожланган давлатлар аъзо бўлиб, 2005 йили Ўзбекистон ҳам ушбу ассоциацияга қабул қилинди ва 2006 йилдан буён унинг 80 нчи тўлиқ хукуқли иштирокчисига айланди.

Бронхиал астма касаллигига чалинган беморларда, бронхолитик фармакологик гуруҳга мансуб теофиллин халқаро номидаги дори воситасини ёғлар ва кофе ичимлиги билан истеъмол қиласалар, юрак аритмияси, кучли бош оғриғи ва уйқунинг бузилиши каби нохуш ҳолатларга учрайдилар. Юқори углеводли диета теофиллиннинг таъсирини кўпайтиради, баҳтга қарши, юқори оқсил таркибли диета эса таъсирини камайтириш хусусиятига эга.

Ушбу касалликларни даволашда умумий амалиёт шифокорлари томонидан қўйилаётган нотўғри ташхис, дори воситаларининг асоссиз тавсия этилиши кузатилмоқда.

## **Дори воситаларининг ножўя таъсирлари**

*Дори воситаларининг ножўя таъсирларини мониторинг қилиши  
(хусусий маълумотлар ва халқаро фармакологик назорат  
маълумотлари)*

Дори воситаларининг ножўя таъсирларини мониторинг қилиш ва дори воситаларининг хавфсизлиги инсон соғлиғига зарар етказиши эҳтимолига қаратилган хавфнинг олдини олишга қаратилган. Дори воситаларининг ножўя таъсирини мониторинг қилиш Дори воситаларининг миллий экспертиза маркази ишининг муҳим йўналишларидан биридир.

Дори воситаларининг хавфсизлиги беморни ҳимоя қилишнинг ажралмас қисмидир. Бу дори воситаларини истеъмол қилишни рад этиш эмас, балки тегишли дори воситаларининг маълум бир bemor учун мос келадиган дозада ва қулай вақтда тўғри ишлатилишидир. Фармацевтика тизими дори воситаларининг хавфсизлиги масалалари, шу жумладан, тегишли тартибга солиш чораларини кўриш учун уларни тиббий мақсадларда ишлатишда дори воситаларининг зарарли реакциялари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, илмий баҳолаш билан шуғулланади. Фармакология назорати тизимининг ташаббускори Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу дастурда 80 дан ортиқ мамлакат қатнашмоқда. Мамлакатимизда фармацевтика назорати давлат тизими 2004 йилдан бери жорий қилинган бўлиб, дори воситаларининг ножўя таъсирлари мониторинги барча тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларида олиб борилмоқда. Ножўя таъсирлар ҳақида хабардор қилиш тизими қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

### *Салбий таъсирлар ҳақида сигналлар*

Аниқланган салбий таъсирлар ҳақида сигналлар шифокорлар, фармацевтлар, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларига, сўнгра Фармацевтик назорат қўмитасининг ҳудудий бўлимларига ёки уларнинг филиалларига юборилади. Ундан сўнг улар фармакологик марказ қошидаги мониторинг бўлимига юборилади, у ерда таҳлил,

баҳолаш ва ножўя таъсирнинг пайдо бўлиши билан дори препаратини қабул қилиш ўртасидаги сабаб ва боғлиқликни аниқлаш амалга оширилади.

Фармацевтик назорат қўмитаси Фармакологик марказнинг хуносалари асосида тегишли меъёрий қарор қабул қиласди. Ушбу орган фойдаланиш бўйича кўрсатмаларга қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатларни киритиш орқали дори препаратини қўллашни чеклаш ёки рўйхатдан ўтганлик гувоҳномасини бекор қилишга ҳақлидир. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик Упсалада шахридағи (Швеция) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дори воситаларининг салбий таъсирини мониторинг қилиш маркази орқали амалга оширилади.

Марказий асаб тизимидағи ножўя таъсирларнинг хусусияти: нейролептик синдром (66 та ҳолат), мушакларнинг таранглашиши (53), бош айланиши ва бош оғриғи (47), эшитиш ва қулоқдаги шовқин - тиннитус (14), талваса - конвульсив синдром (12), уйқу бузилиши (11), визуал ва эшитиш галлюцинациялари (5), ҳущдан кетиш (5), психоз (2), бошқалар (80). Маҳаллий оғриқсизлантирувчилар (2 та ҳолат), рисперидон (1), пананггин (1), КБҚ вакцинаси (1), цефтриаксон (2), капреомицин (5 та ҳолат) қўлланиши билан ривожланган талваса - конвульсив синдром ҳолатлари қайд этилган.

Умуман олганда, бутун беш йиллик кузатув даврида оғриқ қолдирувчиларнинг ножўя таъсири ҳақида 53 та хабар олинди, шу жумладан, 28 та хабар лидокаинни қўллаш билан боғлиқ бўлган. Ушбу дори препаратининг қуидаги ножўя таъсири кузатилди: титроқ (22 та ҳолат), таъсирнинг йўқлиги (2), конвульсив синдром (1), бош айланиши, ориентацияни йўқотиш, кўнгил айниши ва қусиш. Бошқа оғриқсизлантириш воситаларига ножўя таъсирлар қуидагилардан иборат эди: терапевтик самаранинг етишмаслиги (8 та ҳолат), ўлим (2 та ҳолат), касалхонага ётқизиш (13 та), ҳаётга хавф солиш (5 та ҳолат), шунингдек, бош айланиши, атроф-мухитда ориентация йўқотиш, беқарор гемодинамика, кўнгил айниши ва қусиш.

Ножўя таъсирлар ҳақида ҳисобот:

Буторфанолнинг ножўя таъсирлари (конвульсиялар, қорин ва бош оғриғи, ҳущдан кетиш) ҳақида 8 та хабар бўлган.

“European Medicines Agency” (EMEA) – Европа дори воситалари агентлиги, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш

ташкилотининг доривор моддаларнинг ножўя таъсиrlарини мониторинг қилиш бўйича Халқаро Дастури, Австралияning даволовчи воситалар бўйича бошқармаси (англ. Therapeutic Goods Administration – TGA), Озиқ-овқат ва дорилар бошқармаси (англ. Food and Drug Administration, FDA / MedWatch USA) ташкилотлари шу соҳада иш олиб борадилар.

Дори воситалари хавфсизлиги муаммоси бутун дунёда долзарбдир. Шундай қилиб, АҚШда 2008 йилнинг I чорагида дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида 825 та ўлим ва 21000 та оғир асоратлар қайд этилди.

Бу 2007 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 38 фоизга кўпдир. Клозапин дори препаратини қўллашнинг ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган ножўя таъсиrlари (дори препаратининг холинергик ва серотонергик рецепторларга таъсири билан боғлиқ ичак тутилиши) ҳақида халқаро фармаконазоратнинг далиллари мавжуд. Дори препарати гемотоксик таъсирга ҳам эга. Беморларнинг 1% ида бу агранулоцитозни келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун уни ишлатишда нейтрофиллар миқдори вақти-вақти билан назорат қилиб борилиши керак.

Канада ва АҚШда страттера (атомоксетин) қабул қилган bemорларда ўз жонига қасд қилишга уринишлар ҳақида 55 та хабар мавжуд, шу жумладан, 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда 41 та худди шундай ҳолат қайд этилди. Ушбу дори воситалари, шунингдек, эшитиш галлюцинацияларига, шубҳаларга ва талvasага олиб келиши мумкин.

Халқаро фармакологик назоратнинг маълумотларига кўра, рецептсиз бериладиган энг хавфли дори воситалари болалардаги йўтал ва шамоллашни даволаш учун қўлланадиган мураккаб дори воситаларидир. Улар болаларда нафас олишнинг қийинлашиши, нейропсихик салбий таъсиrlарни ҳатто тавсия этилган дозаларда ҳам келтириб чиқаради. Дозанинг ошиб кетиши боланинг тана оғирлиги камлиги туфайли ҳам содир бўлиши мумкин. Америка Кўшма Штатларида ушбу дори воситалари 2 ёшгача бўлган болаларда, Буюк Британия ва Канадада – 6 ёшгача бўлган болаларда, уларнинг самарадорлиги ва кузатилган ножўя таъсиrlари ҳақида маълумотлар (аллергик реакциялар, уйқучанлик ва галлюцинациялар) йўқлиги сабабли таъкиқланган. Таркибидан қатъи назар, барча грипп ва шамоллашга қарши мураккаб дори воситалари учун рухсат этилмаган кўрсатмалар:

пастки нафас йўлларининг касалликлари (инфекциялар ва астма), бронхит, синусит, бурун дренажини енгиллаштириш, грипп, аллергияда уйқу чақиравчи дори сифатида қўллаш таъкиқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу дастурга аъзо мамлакатларда «VigiFlow» маҳсус ахборот тизимини жорий қилмоқда, ушбу давлатлар улар ёрдамида Уппсалада жойлашган марказга ҳар ойда дори воситаларининг ножӯя таъсиrlари тўғрисида ҳисбот юборадилар.

Молдовада йўталга қарши дори воситаларининг яна бир гуруҳи таъкиқланган.

Таркибида фенспирид сақлаган дори препаратлари сотувдан чиқарилади. Дори воситалари ва тиббий буюмлар агентлиги фенспирид фаол моддаси бўлган дори воситаларини тарқатиш ва сотишни тўхтатган.

Қуйидаги дори воситалари энди сотилмайди: Эпистат 80 мг. (таблеткалар), Фенспирид-ЛФ 80 мг. (қобик билан қопланган таблеткалар), Сиресп 2 мг/мл (сироп), Тирфенс 80 мг. (қобик билан қопланган таблеткалар). Фенспирид сақлаган дори воситалари болалар ва катталарда ўпка касалликларидан келиб чиқсан йўтални енгиллаштириш учун ишлатилади. Мусодара қилиш тўғрисидаги қарор фармакологик назорат соҳасидаги хавф-хатарни баҳолаш қўмитасининг Pharmacovigilance Risk Assessment Committee – (PRAC) тавсияси билан қабул қилинди. Ушбу чора PRAC томонидан беморларни химоя қилиш учун юрак ритмининг бузилиши хавфини ўрганаётган даврда киритилган. Дорихоналардаги эреспал 2 мг/мл (сироп) ва эреспал 80 мг. (таблеткалар) партиялари сотувдан олиб ташланди, улар таркибида худди шундай фаол модда – фенспирид мавжуд. Янги (олдин ҳайвонларда) ўтказилган клиникагача бўлган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юрак ритмининг бузилиши хавфи мавжуд экан.

**Валериана ва корвалол дори препаратларини қўллашдаги ножӯя таъсиrlар**

#### **Ўқтин-ўқтин келган ахборотлар таҳлили**

Доривор валериананинг илдизлари ва илдизпоялари, монопрепаратлари ва улар асосида яратилган комплекс ўсимлик доривор воситалари, шунингдек, α-бромизовалериан кислотаси (этилбромизовалерианат)нинг кимёвий синтез қилинган этил эфирини ўз ичига олган корвалол кўп компонентли дори воситаси рецептсиз бериладиган препаратлар бўлиб, ахоли томонидан ўз-

ўзини даволаш учун кенг қўлланилади. Шу билан бирга, Росздравнадзорнинг “Фармаконадзор” АИС маълумотлар базасида 2009 йилдан 2018 йилгача валериана илдизлари ва илдизпоялари ва корвалол препаратини қабул қилишда ножўя таъсирлар пайдо бўлиши ҳақида 147 та кутилмаган ахборот рўйхатдан ўтказилган.

Бундай хабарларда асаб тизимида пайдо бўлган ўзгаришлар (летаргия, уйқучанлик, заифлик, апатия, бош оғриғи, бош айланиши, онг тушкунлиги, миянинг тормозланиши, нейротоксиклик, токсик энцефалопатия), ошқозон-ичак йўлида пайдо бўлган ўзгаришлар (кўнгил айниши, оғиздаги аччиқлик, шиллиқ қаватнинг ачишиши, кекириш, жигилдон қайнаши, иштаҳанинг бузилиши), юрак-қон томир тизимида пайдо бўлган ўзгаришлар (тахикардия) ва аллергик реакциялар (терининг қичиши, тери гиперемияси, тошма, макулопапулёз тошма, эшакеми, дерматит, хейлит, афтоз стоматит, ангионевротик шишиш) қайд этилган.

Валериана ўсимлигининг илдизлари ва илдизпоялари валериана кислотасининг етакчи биологик фаол таркибий қисмидир. Валериана кислотаси тинчлантирувчи ва анксиолитик таъсирга эга ва унинг таъсири γ-амин-мой кислота функциясини модуляция қилиш йўли билан амалга оширилади.

Тажрибалар шуни тасдиқлаганки, валериана кислотасининг таъсир этиш механизмиベンゾдиазепин гуруҳига мансуб дори воситаларининг таъсир қилиш механизмига ўхшаш бўлиб, бу хабарларда қайд этилган бир қатор ножўя неврологик реакцияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо, ҳисботларда тасвирланган беморлардаги ножўя реакциялар диапазони ушбу дори воситаларини тиббий қўллаш бўйича кўрсатмаларда кўрсатилган ножўя реакциялардан анча кенгроқдир. Шу сабабли, хабарларнинг кейинги мониторинги, олинган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, валериана ўсимлигининг илдизлари ва илдизпоялари, шунингдек, корвалол препаратидан тиббий фойдаланиш бўйича кўрсатмаларга қўшимчалар киритиш ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини тақозо этади.

### **9. 3. “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонаси таркибидаги Фармакология қўмитаси фаолиятининг таҳлили**

Фармакологик воситалар – муайян дори шаклига, дозасига, клиника олди тадқиқотларида аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиника тадқиқоти объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси.

З-моделда “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонасининг таркибий тузилмаси берилган.

#### ***Фармакология қўмитаси***


Фармакология қўмитаси доривор, диагностика ва профилактика воситаларини тиббиёт амалиётида қўллаш мақсадида уларнинг клиникагача ва клиника синовларини ўтказиш, дори воситаларининг тиббиёт амалиётига татбиқи учун тавсиялар ишлаб чиқиш каби йўналишлар бўйича фаолият юритувчи орган ҳисобланади. Шунингдек, Фармакология қўмитаси самарадорсиз ва эскирган дори воситаларини Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестридан чиқаришга тавсия этиш вазифасини ҳам бажаради.

Дори воситасининг **клиникагача синови** унинг фармакологик таъсирини (дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятларини) ўрганиш, шу жумладан, тажриба ҳайвонларида синаш ва дори шаклини яратиш мақсадида ўтказилади. Клиникагача синовнинг асосий мақсади дори воситасининг етарли равишда самарадорлигини ва организмга заҳарлилик даражаси йўқлигини аниқлашдир.

**Клиника синови** – дори воситаси самарадорлигининг ва хавфсизлигининг bemорларда аниқланиши ёки тасдиқланишидир, бу синовлар фармакология қўмитасининг клиника базаларида шартнома асосида ўтказилади.

Фармакологик назорат (Pharmacovigilance) – бу дори препаратларини қўллаш натижасида юзага келадиган ножўя оқибатларни аниқлаш, баҳолаш, тушуниш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолият туридир.

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонаси



### **З-модель. “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонаси таҳлили.**

Фармакологик назорат бўйича давлат тиббиёт муассасалари ва турли фирмалар ҳам беморлар ҳамда уларнинг хавфсизлигига нисбатан ўз мажбуриятларини масъулият билан бажармоқда. Тиббиётда фармакологик назорат тизими жорий этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатяпти. Фармакологик назорат дори воситалари билан даволаш хавфсизлигини ошириш бўйича чора-

тадбирларни ўз вақтида кўриш ва натижада, дори препаратларининг сифатини яхшилаш имконини беради.

Маълумки, ҳар қандай дори воситасини қўллаганда ножўя реакциялар юзага келиши мумкин. Агар истеъмол қилинган дори воситалари bemorларда ножўя реакцияларни юзага келтирса, албатта, шифокорга мурожаат этиш лозим.

### **Фармакологик назорат (фармаконазорат)**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган таърифиға асосан, фармаконазорат дори воситаларини қўллаш мобайнида вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар, нохуш кимёвий жараёнларнинг олдини олиш, топиш, баҳолаш ва аниқлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

### **Дори воситалари муомаласи**

Дори воситалари бўйича услубий ёндашиш, таҳлиллар олиб бориш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қадоқлаш, ташиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, сифатини баҳолаш ва стандартлаш, сотиш, маркировкалаш, ўраш, реклама қилиш, шу жумладан, яроқсиз ҳолга келган ёки яроқлилик муддати тугаган дори воситаларини йўқотиш каби ва яна бошқа ҳолатлар дори воситалари муомаласидаги жамланган фаолият тушунчасидир.

Дори воситалари муомаласи субъектлари – дори воситалари муомаласини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, яъни даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситаларини ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳисобланади.

**Ёқимсиз (кутилмаган) ҳолатлар** – маълум дори препарати билан даволаш жараёнида юзага келадиган bemor, пациент ёки клиника тадқиқоти субъектининг клиника ҳолатидаги тиббий нуқтаи назаридан нохуш ҳисобланган ҳолат бўлиб, бу ҳолат даволаниш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиши шарт эмас.

**Нохуш ҳолат (ножўя реакция)** – касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, маълум физиологик вазифаларни ўзгартириш мақсадида дори воситалари доимий дозада қўлланилганда келиб чиқадиган (нохуш) ҳолатлар ҳисобланади.

### **Жиддий нохуш ҳолатлар**

Маълум дори воситасини қандай дозада қўлланилишидан қатъи назар bemor, пациент ахволида ёки клиника тадқиқоти субъектида тиббий нуқтаи назаридан нохуш ҳисобланган ва жиддий

оқибатларга олиб келадиган ҳолатлар мавжуд. Булар:

- ўлимга олиб келадиган;
- инсон ҳаётига хавф туғдирувчи (дори воситасининг самараасизлиги оқибатида бемор ҳаётига хавф туғдирувчи);
- беморнинг шифохонага ётқизилишига ёки шифохонада даволаниш қунларининг узайиши;
- қисман ёки бутунлай меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ногиронликка олиб келиши;
- туғма аномалия ёки туғма касалликларни келтириб чиқариш ҳолатлари.

Тиббий нуқтаи назардан муҳим ҳисобланиб, бемор ҳамда клиника субъекти ҳаётига хавф туғдирмаган, шифохонада даволанишга мажбур қилмаган ёки ўлимга сабабчи бўлмаган, аммо жиддий хавф туғдирувчи ва маълум нохуш натижанинг олдини олиш мақсадида алоҳида аралашув талаб этиладиган ҳолатлар ҳам жиддий нохуш ҳолатлар ҳисобланади.

**Кўзда тутилмаган (фавқулодда) ҳолат** – дори воситаси тўғрисидаги ахборот манбалари билан умуман мос келмайдиган нохуш ҳолатлар, масалан, рўйхатдан ўтмаган дори воситаси учун ахборотнома ёки рўйхатдан ўтган дори воситаси учун жамловчи тавсифнома, илова варақаси билан мос келмаслик ҳолатлари.

**Фармакологик назорат** – дори воситасидан унинг қўлланилишига доир йўриқномага мувофиқ қўлланилганда инсонда кузатиладиган, организм учун бехосдан, нохуш таъсир кўрсатадиган ножўя реакцияларни аниқлашга, баҳолашга ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятдир.

*Тиббиёт амалиётида қўллагандо дори воситасининг ножўя таъсири ёки самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги ҳақидаги спонтан хабар* – даволаш-профилактика муассасалари, дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳамда қўлловчи шифохоналар томонидан дори воситаларининг ножўя реакциялари ҳақида спонтан хабар берувчи шакл, илова қилинади.

*Самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги* – касалликнинг кечиши ва давомийлигига дори воситасининг даволовчи самарааси йўқлиги ҳисобланади.

*Тиббиётда қўлланилиши учун рухсат берилган дори воситасининг хавфсизлиги бўйича мунтазам янгилаб бориладиган даврий ҳисобот – дори воситасининг хавфсизлиги бўйича ишлаб чиқарувчilar ва уларнинг вакиллари томонидан мунтазам янгилаб бориладиган ёзма даврий ҳисоботлардир.*

*Даволаи-профилактика муассасаларида дори воситаларининг ножўя реакцияларини баҳолаш – шифохонада беморларга буюрилган барча дори воситаларининг ножўя реакцияси, самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги, уларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш, гумон қилинган ва ривожланиши мумкин бўлган ножўя реакцияларини баҳолашдир.*

*Бирламчи тиббий ҳужжатлар – касаллик тарихи, амбулатория картаси, боланинг ривожланиш тарихи ва касалхонадан чиқиб кетган беморнинг статистика картаси.*

*Гумон қилинаётган дори воситаси – буюрилганда ҳар қандай ножўя реакцияларнинг клиник кўринишлари ва тиббиётда қўлланилиши билан сабаб-оқибат боғланишлари мавжуд бўлган дори воситаси.*

*Ножўя реакция – дори воситасини касалликнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволаш учун ёки организмнинг физиологик фаолиятларини модификация қилиш учун тавсия этилган, одатдаги дозада қўлланилганда пайдо бўладиган ҳар қандай нохуш салбий реакция.*

*Кутимаган ножўя реакция – характери ёки оғирлиги дори воситаси ҳақидаги мавжуд маълумотларга, масалан, давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаси учун тадқиқотчи брошюраси ёки давлат рўйхатидан ўтказилгани учун илова-варақа, тиббиётда қўлланилиши бўйича йўриқнома, мос келмайдиган ножўя реакция.*

*Кутилган ножўя реакция – характери ёки оғирлиги дори воситаси ҳақидаги мавжуд маълумотларга, масалан, давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаси учун тадқиқотчи брошюраси ёки давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаси учун илова-варақа, тиббиётда қўлланилиши бўйича йўриқнома, мос келадиган ножўя реакция.*

*Жиддий ножўя реакция – дори воситасининг дозасидан қатъи назар: ўлимга олиб келган; ҳаёт учун хавф туғдирувчи; госпитализацияни ёки уни узайтиришни талаб қилувчи; барқарор*

ёки аҳамиятли меҳнатга лаёқатсизликка ёки ногиронликка олиб келувчи; туғма аномалия ёки туғилиш нуқсонини чақиравчи ҳар қандай нохуш тиббий ҳодиса.

*Таснифлаб бўлмайдиган ножўя реакция* – ножўя реакция ҳақидаги маълумот етарли бўлмаганлиги сабабли ножўя реакция ҳақидаги хабарни баҳолаб бўлмаслик ёки унинг зидлиги.

*Хавф ёки фойда нисбати* – bemorlarda касалликнинг жиддийлиги ва оғирлик даражасига дори воситасининг ижобий таъсирини миқдорий ҳамда сифат нисбатини баҳолаш.

*Ишлаб чиқарувчи* – дори воситаларини ишлаб чиқаришга, жумладан, тўлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, шунингдек, қадоқлаш, жойлаш ва ёрлиқлашнинг турли жараёнларини амалга оширишга лицензия эгаси.

*Давлат рўйхатидан ўtkазилганлик гувоҳномасининг эгаси* – дори воситасининг самарадорлиги, сифати ва хавфсизлиги жавобгар юридик шахс.

*Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситаларининг ножўя реакциялари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олишга бўлган асосий талаблар*

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситаларининг ножўя реакцияларни аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олишни амалга ошириш Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонасининг Фармакология қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Фармакология қўмитаси даволаш-профилактика муассасаларида bemorlarга буюрилган барча дори воситаларининг ножўя реакцияси, самарадорлиги доир белгиланган талабларга унинг мувофиқлиги, уларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қиласи, гумон қилинган ва ривожланиши мумкин бўлган ножўя реакцияларини баҳолайди.

Даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, улгуржи воситачилар ва чакана савдо билан шуғулланувчилар ҳамда қўлловчи шифохоналар дори воситаларининг қўлланилиши вақтида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Фармакология қўмитасини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси дори воситасининг хавфсизлигига, сифатига ҳамда самарадорлигига тааллуқли янги маълумотлар тўғрисида Фармакология қўмитасини хабардор қилиши шарт.

*Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситаларининг ножӯя реакциялари ҳақидаги маълумотнинг келиб тушиши манбалари ва маълумот алмасиши*

Дори воситаларининг ножӯя реакциялари ҳақидаги маълумотлар Фармакология қўмитасига қуидаги манбалардан келиб тушади.

Даволаш-профилактика муассасалари, дori воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дori воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳамда қўлловчи шифохоналар.

Халқаро ташкилотларнинг вакиллари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Европа Иттифоқи тиббий ахборот манбаалари ва илмий нашрлар билан маълумот алмашади.

Фармакология қўмитаси давлат рўйхатидан ўтказилган дori воситалари ножӯя реакцияларининг ҳолатлари бўйича қуидагиларга маълумот беради.

Беморларнинг ўлимiga олиб келган барча жиддий ножӯя реакциялар, шунингдек, гумон қилинаётган дori воситасининг номи, ишлаб чиқарувчиси, ножӯя реакциянинг таърифи, ножӯя реакцияларнинг асорати кўрсатилган дori воситасининг барча ножӯя реакциялари ҳақидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонасига ва дori воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дori воситаларини ва тиббий буюмларни савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ва қўлловчи шифохоналар маълумот беради.

Дори воситаларининг ножӯя реакциялари ҳақидаги маълумотни халқаро базага киритиш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг дori воситаларининг безарарлиги мониторинги халқаро марказига беради.

*Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситаларининг ножўя реакциялари ҳақидаги маълумотни Фармакология қўмитасига юбориши тартиби*

Дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситаларини, тиббий буюмларни савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳамда қўлловчи шифохоналардаги фармакологик назорат бўйича масъул ходимлар. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча даволаш-профилактика муассасалари шифокорлари Фармакология қўмитасига барча ножўя реакциялар ёки дори воситасининг самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги ҳақидаги спонтан хабарни юбориши керак.

Ножўя реакция ёки дори воситасининг самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги ҳақидаги спонтан хабар масъул ходимлар ёки шифокор томонидан тўлдирилади ва Фармакология қўмитасига юборилади. Спонтан хабар ёзма ёки электрон шаклда тақдим қилиниши мумкин. Спонтан хабарнинг нусхаси дори воситалари ҳақидаги ножўя реакцияларни Фармакология қўмитасига етказиб берадиган шахсда қолади.

Дори воситаси қўлланганида жиддий бўлмаган реакция пайдо бўлганда ёки самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги, тахмин қилинган дори воситасини қабул қилиш билан сабаб-оқибат боғланишлари бўлганида, даволаш-профилактика муассасаси, дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситаларини, тиббий буюмларни савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳамда қўлловчи шифохоналардаги фармакологик назорат бўйича масъул ходимлар Фармакология қўмитасига 15 кун давомида тўлдирилган спонтан хабарни тақдим этади.

Дори воситасига жиддий ножўя реакция ривожланганда, агар у бемор ўлимига сабаб бўлса, шифокор бу борада бош шифокорга хабар қиласи. Бош шифокор гумон қилинган дори воситаси ҳақидаги маълумотни ёзма равишда Фармакология қўмитасига ва жойлашган жойига қараб Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига, вилоят ёки шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига юборади.

Дори воситасига жиддий ножўя реакция ривожланганда ёки унинг сифатига гумон қилинган ҳолда, уларнинг ножўя реакциясини клиникадаги кўринишлари ва дори воситасининг қўлланилиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишлари ҳақидаги маълумотни, спонтан хабар фармакологик назорат бўйича масъул ходим 48 соат давомида Фармакология қўмитасига тақдим қиласди.

Дори воситасининг ножўя реакцияси ҳақидаги маълумотни даволаш-профилактика муассасалари шифокори бирламчи тиббий ҳужжатларга киритиши керак.

Фармакология қўмитаси даволаш-профилактика муассасалари шифокорлари томонидан олинган дори воситаларининг жиддий ножўя таъсирлари ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида бирламчи тиббий ҳужжатларни таҳлил қиласди ва баҳолайди.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси берилган дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг вакиллари томонидан қўллашдан кутилган фойда ҳамда эҳтимол тутилган хавф баҳоланган ҳамда ўрнатилган муддатда тақдим этилади ва хабарлардан олинган аниқ дори воситасининг хавфсизлиги ҳақидаги маълумотни сақловчи дори воситасининг хавфсизлиги тўғрисидаги даврий ҳисботлар Фармакология қўмитасига дори воситасини тиббиёт амалиётида қўлланилишига биринчи марта рухсат берилган давлатда рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб қўйидаги муддатларда электрон ёки ёзма тақдим этилади.

Дори воситаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин дастлабки икки йил ичида – ҳар 6 ойда, дори воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган учинчи ва тўртинчи йили – ҳар 12 ойда, дори воситаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин бешинчи йилидан бошлаб – ҳар уч йилда бир марта, даврий ҳисботлар муддати тугаганидан кейин 30 кун ичида тақдим этилиши шарт.

*Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситаларининг ножўя реакциялари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиши, баҳолаш ва чора кўриши*

Фармакология қўмитаси дори воситаларининг қўлланилиши вақтида аниқланган ножўя реакцияларга баҳо беради. Баҳолаш жараёнида ножўя реакциянинг клиникадаги кўринишлари ва дори воситасининг қўлланилиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишлари, шунингдек, кутилаётган фойданинг дори воситалари қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбатини аниқлайди.

Дори воситасининг ножўя реакциялари ҳақидаги маълумотларнинг таҳлили ва баҳолаш натижаларига кўра Фармакология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонасига қарор қабул қилиш учун тавсия беради.

Тиббиётда кўллаш бўйича йўриқномага аниқлик киритиш, тўлдириш ёки қўшимча киритиш, шунингдек, дори воситасининг хавфсизлиги бўйича тадқиқотларни ўтказиш юзасидан ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг вакилларига тавсия беради.

Кутилаётган фойданинг дори воситаларини қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбатининг ўзгаришига таъсир этувчи далиллар аниқланган тақдирда ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг вакиллари салбий оқибатларни бартараф этишга, инсоннинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилишининг олдини олишга, бундай дори воситаларининг қўлланилишидан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши шарт.

Дори воситалари қўлланилганда уларнинг хавфсизлигига ва самарадорлигига доир белгиланган талабларга номувофиқлиги тўғрисидаги далиллар аниқланган тақдирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги бундай дори воситасини муомаладан чиқариш ёки унинг қўлланилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

#### **9. 4. Дори воситаларининг қўлланилишида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисидаги низом таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 мартдаги 13-сон “Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди (рўйхат рақами 3000).

Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Конунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ буйруқ тайёрланган ва тасдиқланган.

Буйруқда дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланган.

Мазкур Низомга мувофиқ дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхонаси, даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси, дори воситалари, тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳамда дори воситаларини қўлловчи шифохоналар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилиш тартиби белгиланган.

1-боб, Умумий қоидаларда Низомнинг талаблари даволаш-профилактика муассасалари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ва қўлловчи шифохоналарга нисбатан татбиқ этилади.

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига асосан дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳамда қўлловчи шифохоналар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт деб белгиланган.

2-бобда дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилишда Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ, ёзма шаклда Дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножўя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги хабарнома расмийлаштирилади ва у мазкур Низомда белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади.

Даволаш-профилактика муассасасида даволанаётган, шу жумладан, стационар ёки амбулатор шароитда даволанаётган шахсга нисбатан дори воситасини қўллаш чоғида ёки дори воситаси қўлланилгандан кейин унда ножўя реакциялар кузатилган ёки аниқланган ҳолларда ушбу ҳолатни кузатган ёки аниқлаган шифокор бу ҳақда зудлик билан даволовчи шифокорга хабар бериши зарур.

Даволовчи шифокор қўлланилган дори воситасининг ножўя реакцияси кузатилганлиги ёки аниқланганлигига ишонч ҳосил қиласа, ушбу ҳолат бўйича 10 кун ичида дори воситасининг қўлланилиши чофида ножўя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги хабарномани расмийлаштиради ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигига юборилишини таъминлайди.

Уй шароитида даволанган бемор ўзи истеъмол қилган дори воситасининг ножўя реакцияси юзасидан даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилганда, беморни қабул қилган шифокор унда кузатилган ёки аниқланган ножўя реакциянинг айнан у қўллаган дори воситасининг қўлланилиши оқибатида юзага келганлигига ишонч ҳосил қиласа, ушбу ҳолат бўйича 10 кун ичида хабарномани расмийлаштиради ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигига юборилишини таъминлайди.

Бунда дори воситасининг қўлланилиши чофида ножўя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги хабарноманинг мурожаат қилган шахсга қирқиб берилиши лозим бўлган қисми тўлиқ тўлдирилган ҳолда мурожаат қилган шахсга бериб юборилиши лозим.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ўзи томонидан сотилган дори воситасининг қўлланилиши чофида ножўя реакция аниқланганлиги, кузатилганлиги ҳақида маълумот олганда, улар бу ҳақда 10 кун ичида хабарномани расмийлаштиради ва унинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигига юборилишини таъминлайди.

Бунда дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ходимига ушбу ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотилган дори воситасининг қўлланилиши чофида ножўя реакция кузатилганлиги ёки аниқланганлиги ҳақида хабар берилганда, у бу ҳақда зудлик билан фармацевтика ташкилоти раҳбарига, у бўлмагандан эса, унинг ўрнини босувчи шахсга маълум қиласи.

13-жадвалда дори воситаларининг қўлланилиши чофида ножўя реакция аниқланган ҳолат тўғрисида хабарнома бериш ва расмийлаштириш берилган.

**Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги  
Хабарнома**

13-жадвал

<b>Дори воситаларининг ножўя реакциясини кузатган ёки аниқлаган шахс:</b>	
Ф.И.Ш.: _____	Лавозими: _____
Ташкилот манзили: _____	Телефон: _____
Дори воситаларининг ножўя реакцияси қузатилган ёки аниқланган сана: _____	
<b>Дори воситасининг ножўя реакцияси қузатилган шахс ҳақидаги маълумотлар:</b>	
Ф.И.Ш.: _____	
Амбулатор карта ёки касаллик тарихи рақами: _____	
Жинси: <input type="checkbox"/> Эркак <input type="checkbox"/> Аёл <input type="checkbox"/> Туғилган вақти: “ ____ ” йил Тана вазни (кг): _____ Бўйи: _____	
<input type="checkbox"/> Ҳомиладорлиги: <input type="checkbox"/> Ҳомиладорлик муддати . _____ ҳафта	
Аллергиянинг мавжудлиги: <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/> ха	
Аллергия ҳақида маълумот: _____	
Даволаниш: <input type="checkbox"/> амбулатор <input type="checkbox"/> стационар <input type="checkbox"/> уй шароитида	

13-жадвалнинг давоми

**Қўлланилиши чоғида ножўя реакция кузатилган ёки аниқланган дори воситаси ҳақида маълумотлар:**

Т-р	Дори воситасининг номи	Ишлаб чиқарувчиси	Серияси	Қўллаш усули	Дори воситасининг қўлланилган дозаси	Даволаниш бошланган сана	Даволаниш тугаган сана
1							
2							
3							
4							

**Дори воситасининг қўлланилиши бўйича**

**кўрсатмалар:**

---



---



---

**Ножўя реакция ҳақида қисқача маълумот:**

**Ножўя реакция бошланган сана:**  
“ ” 20 йил

**Ножўя реакция ҳақида тўлиқ маълумот (лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар):**

---



---



---

**Ножўя реакциянинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар:**

---



---



---

13-жадвалнинг давоми

**Ножўя реакциянинг олдини олиш бўйича қўрилган чоралардан кейинги ҳолат:**

- |  |  |
|--|--|
| <input type="checkbox"/> Касалликнинг асоратсиз тузалиши | <input type="checkbox"/> Инсон ўлимни            |
| <input type="checkbox"/> Ҳолатнинг яхшиланиши            | <input type="checkbox"/> Номаълум                |
| <input type="checkbox"/> Ҳолатнинг ўзгаришсизлиги        | <input type="checkbox"/> Асоратлар билан соғайиш |

**Дори воситасини қўллашни бекор қилиниши билан ножўя реакциянинг йўқолиши кузатилганми?**

- Ҳа  йўқ  дори воситаси бекор қилинмаган

**Ножўя реакциянинг клиника қўриниши билан дори воситаси орасидаги сабаб-оқибат боғлиқлиги**

- Аниқ  эҳтимол  гумонли  таснифлаб бўлмайди

Хабарномани расмийлаштирган шахснинг имзоси

**Ножўя реакция ҳақидаги хабарни қабул қиласан шахс ҳақидаги малумотлар:**

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Лавозими: \_\_\_\_\_

Ташкилот манзили: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_

Маълумот қабул қилинган сана: “ \_\_\_\_ ”

20 \_\_\_\_ йил. Хабарни қабул қиласан шахснинг имзоси:

*Изоҳ:* мазкур Дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножӯя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги хабарнома даволаш-профилактика муассасасининг шифокори томонидан тўлиқ тўлдирилади, дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари, тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар ҳамда дори воситаларини қўлловчи бошқа шифохоналар томонидан эса мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс дори воситасининг ножӯя реакцияси кузатилганлиги ёки аниқланганлиги ҳақида хабарга асосланиб, хабарнома расмийлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилишини таъминлайди.

Қўлланилган дори воситасининг ножӯя реакцияси анафилактик реакция, Лайелл синдроми ёки Стивенс-Джонсон синдроми билан боғлиқ деб хулоса қилинса ёхуд бу ҳақида маълумот келиб тушса, шунингдек, унинг оқибатида инсон вафот этганлиги аниқланса, хабарнома 1 кун ичida расмийлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилиши лозим.

Даволаш-профилактика муассасаси томонидан юбориладиган дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножӯя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги хабарнома шифокор томонидан, дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар томонидан юбориладиган хабарнома эса ушбу ташкилот раҳбари томонидан имзоланган бўлиши шарт.

Дори воситасининг қўлланилиши чоғида ножӯя реакция аниқланган ҳолат тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда унинг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва юборилиши учун хабарномани имзолаган шахс масъул ҳисобланади.

Дори воситаларини қўлловчи бошқа шифохоналар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида фаолиятининг хусусиятига кўра мазкур Низомда тегишлича дори воситаларини ишлаб чиқариш фармацевтика корхоналари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари, дори воситалари, тиббий буюмлар савдоси билан шуғулланувчи улгуржи ва чакана дорихоналар учун белгиланган тартибда хабар беради.

З-боб, Якуний қоидаларда белгиланганидек, мазкур Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

## **Хуноса**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонаси тизимдаги дори воситаларининг сифатини назорат қилиниш ҳамда ножўя таъсири, меъёрий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинди.

“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонаси таркибидаги фармакология қўмитаси фаолияти, фармакологик назоратнинг вазифалари, фармакологик воситаларни клиника синовларидан ўтказиш тартиби ёритиб берилди.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика фаолияти бўйича давлат тизимларини таърифланг.
2. Давлат унитар корхонаси таркибидаги Фармакология қўмитаси вазифаларини таърифланг.
3. Фармакологик назоратнинг вазифаларини таҳлил қилиб беринг.
4. Фармакологик воситаларни клиника синовларидан ўтказиш қоидасини таърифланг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами = Собрание законодательства Республики Узбекистан: Расмий нашр. Официальное издание. – Тошкент, 2016 йил 11 Январь. – № 1. 30-43 с.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи. 2017 йил 18 январь, № 243 (6678). 2 б.

3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 365 от 27 октября 2016 г. «Об утверждении Общего технического регламента о безопасности лекарственных средств» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами = Собрание законодательства Республики Узбекистан. Расмий нашр. Официальное издание. – Тошкент, 2016 йил 31 октябрь. – № 43. 174–217 с.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 марта (13-сон) “Дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножӯя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди (рўйхат рақами 3000). <http://www.minizdrav.uz>

5. Юнусходжаев А.Н., Шаисламов Б.Ш., Алиходжаева М.И. Осложнения лекарственной терапии. Издательство «Fan va texnologiya», – Ташкент, 2014, 355 с.

6. Побочное действие лекарств: Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация» / Л. В. Яковлева, Н. В. Бездетко, О. А. Герасимова и др. – Харьков, 2008, 5 с.

7. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

8. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа”, 2007, 335 с.

9. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

10. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

11. Побочные действия лекарственных средств // Фармацевтический вестник Узбекистана: Научно-практический фармацевтический журнал. – Ташкент, 2018. – № 4. 107-109 с.

12. Побочные действия лекарственных средств // Фармацевтический вестник Узбекистана: Научно-практический фармацевтический журнал. – Ташкент, 2019. – № 2. 94 с.

13. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

14. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle. Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446 p.

15. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehrth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

16. <http://www.Lex.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

17. <http://www.ziyonet.uz>

18. <http://www.ispor.org>

19. <http://www.minizdrav.uz>

## **Х БОБ**

### **ФАРМАКОИНФОРМАТИКА АСОСЛАРИ**

1. Ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикасида фармацевтика ахбороти тизими.
2. Дори воситалари тўғрисидаги ахборот, унинг ўзига хос томонлари, ахборотнинг шакл ва усуллари, ахборотни қайта ишлаш ва тарқатиш.

10.3. Фармакоинформатика асосларининг ривожланишида давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ва омиллар таҳлили.

#### **1. Ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикасида фармацевтика ахбороти тизими**

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида Оммавий ахборот воситалари: газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситалари деб белгиланган.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

2-моддада Оммавий ахборот воситалари эркинлиги: оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўzlари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар, деб белгиланган.

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Янги қонун) 2-боби, Давлат органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари тўғрисидаги 7-моддасига кўра: маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатларида Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти

масалалари бўйича аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этади.

11-модда, “Этика экспертизаси”да: этика экспертизаси жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Этика қўмитаси томонидан ўтказилади, унинг таркибига тиббиёт, илмий тадқиқот ташкилотларининг, олий таълим муассасаларининг, оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари киритилади, дейилган.

3-боб, “Дори воситалари. Тиббий буюмлар. Тиббий техника” ҳақидаги 14-моддада дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника тўғрисидаги ахборот ва дори воситаларининг рекламаси тўғрисида берилган.

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри, кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатида, Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатида, Асосий дори воситалари рўйхатида, шунингдек, Тиббий буюмлар рўйхатида кўрсатилган ахборот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади, деб белгиланган.

Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда берилиши мумкин.

Рецепт бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ва тиббий буюмлар ҳақидаги ахборот фақат тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимлари учун мўлжалланган ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда берилади.

Дори воситаларининг рекламаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **2. Дори воситалари тўғрисидаги ахборот, унинг ўзига хос томонлари, ахборотнинг шакл ва усуллари, ахборотни қайта ишлаш ва тарқатиш**

Хозирги замон жамияти илм-фан олдига бир қатор муаммолар қўйди, улар орасида энг зарурларидан бири ахборот ҳисобланади.

Дорихона тизими ишларининг муҳим бўлимидан бири бу фармацевтика ахбороти тизимини яхши йўлга қўйилишидир. Ушбу муаммонинг долзарблигига дori воситалари захирасини муттасил ўсиб, ошиб бориши, фармакотерапевтик жиҳатдан таъсири бирбирига яқин бўлган дori препаратлари сонининг кўплиги, анъанавий дori воситаларини фармакология ва фармацевтика жиҳатидан ўзига хослиги тўғрисида янги маълумотларни пайдо бўлиши ва бошқалар мавжуд.

Фармацевтика ахбороти – фармацевтика фаолиятини тўла-тўқис амалга ошириш учун статистика, меъёрий, ҳуқуқий, иқтисодий, бошқарув ва бошқа, шунингдек, илмий фармацевтика соҳасида ҳамда дori воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника тўғрисидаги ахборотлар, маълумотлар мажмуаси.

Дори воситалари тўғрисидаги ахборот – илмий жиҳатдан асосланган, дori воситалари чоп этилган тиббий, фармацевтика, истеъмол хусусиятини таърифловчи фармацевтика, тиббиёт мутахассислари амалиётида ҳамда аҳоли томонидан ишлатишга мўлжалланган маълумот.

Дори воситалари тўғрисидаги ахборот илмий, амалий, илмий-оммабоп, даврий, доимий, нодаврий нашрларда, маълумотларда (справочник) оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

Дори воситаларини тўғри ишлатишни таъминловчи ҳужжатлар синаш, рўйхатга олиш, сифатини назорат қилиш, ташиш, сақлаш, бериш, сотиш, ишлатиш, қўллаш, шунингдек, дori воситаларини сотишга кўмаклашувчи нашрлар ва тадбирларда, фирма проспектлари, реклама хабарлари, кўргазмалар тақдимотлари ва намуналарида тарқатилиши лозим.

*Дори воситалари тўғрисида қуйидаги турдаги ахборотларни ажратиш мумкин*

1. Дори воситалари тўғрисидаги расмий ахборот – меъёрий, ҳуқуқий ва топшириқ шаклидаги давлат муассасалари, ташкилотлари, корхоналари томонидан ёки уларнинг топшириқлари бўйича тегишли ҳужжат ҳамда нашрларда тарқатилаётган ахборотлар ҳисобланади.

2. Дори воситалари тўғрисидаги илмий ахборот – назарий, амалий, лаборатория, клиника ва бошқа изланишларнинг натижалари ҳақида илмий ахборот ўз таркибида илмий тахминлар, таклифлар, муҳокама материаллари ва ҳоказоларни сақлаши мумкин. Дори воситалари тўғрисидаги илмий ахборот

мутахассислар учун мўлжалланган нашрларда чоп этилиши лозим.

3. Дори воситалари тўғрисидаги амалий ахборот – қўллаш усуллари тўғрисидаги ахборот бўлиб, дори воситаларини муомалада бўлишини ҳисобга олиб, турли соҳа мутахассисларига мўлжалланган. У мутахассислар учун мўлжалланган нашрларда чоп этилиши лозим.

4. Дори воситалари тўғрисида ўқув ахбороти – ўзлаштириш учун қулай бўлган шаклда баён этилган, тизимлашган илмий ва амалий маълумотлар мажмуаси.

5. Дори воситалари тўғрисида маълумотномадаги ахборот – тез ташиб учун қулай бўлган тартибда жойлашган қисқа илмий ёки амалий маълумотлар.

6. Дори воситалари тўғрисидаги тижорат ахбороти – иқтисодий тавсифлар сақловчи, фармацевтика бозорида дори воситаларини сотишга ёрдам берадиган ахборот ҳисобланади.

7. Дори воситалари тўғрисида оммабоп, илмий оммабоп ахборот – мутахассис бўлмаган кенг аҳоли қизиқишини қондирадиган шаклда берилган маълумотлар.

8. Дори воситалари тўғрисидаги ахборот илмий-тиббий ахборотнинг бир қисми бўлиб, у икки бўлимдан иборат, бир-бирини тўлдириб турувчи илмий ва амалий фармацевтика ахборотидир.

9. Илмий фармацевтика ахбороти – илмий эгаликни тасдиқлаш ёки бошқа олимлар ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаши, шунингдек, соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш учун мўлжалланган бўлади.

10. Илмий фармацевтика ахбороти асосан мутахассислашган, маҳсуслаштирилган даврий, серияли ва даврий бўлмаган нашрларда чоп этилади.

11. Фармацияда ахборот жараён ва технологиялар тушунчасига, фармацевтика ахборотига оид воситалар мажмуасига услубларни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш киради.

12. Фармацевтика ахбороти воситалари – бу ахборот ташувчилар мажмуаси, қофоз, магнит ва бошқалар, техника, алоқа воситалари, телефон, телефакс, электрон ҳисоблаш ҳамда кўпайтириш – нусха олиш техникаси ва ҳоказолар.

13. Амалий фармацевтик ахборот воситалари – бу воситалар, усуллар тизими бўлиб, унинг асосий мақсади фармацевтика ахбороти маълумотларини, кўрсаткичларини йиғиши, сақлаш, қидириш ҳамда истеъмолчиларга тарқатишидир. У ўз таркибига

дори воситалари, фармацевтика хизмати фаолиятини изоҳловчи ҳуқуқий ҳужжат ва қоидалар, илмий изланишлар ҳақида ахборот сақлайди.

14. Шифокорлар учун дори воситалари тўғрисидаги ахборот дори воситалари тўғрисида тўла-тўкис маълумотни намоён этиши лозим, бунда беморга унинг организми ҳолатига мос ҳолда дори воситалари берилиши мумкинлиги ҳақида маълумот бўлади.

15. Фармацевтлар учун ахборот – дори воситаларини фармакотерапевтик таъсири, қўллашга кўрсатмалар, қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар, чинлиги, миқдорини аниқлаш усуllibарининг тўлиқ тавсифи, дори шакли, қадоқланиши, дозага бўлиниши ва жиҳозланиши тўғрисидаги тавсифлар, уларнинг нархи, сақлаш тартиби, берилиши ва қўлланилиши ҳисобланади.

Дори воситалари тўғрисидаги аҳоли ўртасида, улар учун мўлжалланган ахборот ўз-ўзини даволашни зарари, уй шароитида дори воситаларини тўғри сақлаш, қўллаш тартиби ва ҳоказоларга қаратилган бўлиши керак. Бунинг учун турли шаклдаги ахборот воситалари ва рақалар, ёзувлар, радио ёки магнитофон орқали эълонлар, сан-бюллетенларни чиқариш ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Фармацевтика ахбороти услублари – ахборот истеъмолчиларига маълумот узатиш шакли: оғзаки, саволга жавоб, машваратлар, тавсиялар, маъruzалар ва ҳоказолар, ёзма ёки босма, электрон услугда, электрон почта, дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника тўғрисидаги босма ахборотнинг электрон шакли, маълумотлар манбанини автоматлаштириш, Интернет ва бошқалар, фонетика ва чизма шакллари, расм, фотосурат, кино, видео, аудиоплёнкалар ва бошқа шаклларнинг қўшилган турлари. Тушунчалар мажмуасини таҳлил қилишда энг асосий қисм – бу фармацевтика ахбороти манбалари бўлиб, у фармацевтика фаолиятини юритиш учун керак бўлган маълумотлар сақловчи ҳужжатлар; улар бирламчи ва иккиламчи ҳужжатларга тавсифланади.

Фармацевтика ахборотининг бирламчи манбалари – бу илк бор чоп этилган, янги, асл маълумотлар сақлайдиган ҳужжатлар, иккиламчи ҳужжатлар – бу бирламчи ахборот манбаларидан олинган ва сўзлаб берилган ва таҳлил қилиниб умумлаштирилган маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелидаги ПҚ-2863-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиши кучайтириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига юқори технологияли сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хусусий тиббиёт соҳасига хориждан инвестициялар, юқори малакали мутахассислар жалб этишини кенгайтириш, шунингдек, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш белгиланган.

### **10. 3. Фармакоинформатика асосларининг ривожланишида давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ва омиллар таҳлили**

Охирги йилларда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида тиббиёт соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳага юртимиз соғлиқни сақлаш тизимининг давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатилаётган кенг турдаги тиббиёт хизматларини сифат жиҳатидан юксалтириш ва янада тўлдиришга хизмат қиласидан муҳим таркибий қисм сифатида қаралмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонунида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусан, хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш, лицензиялаш тизими фаолият юритмоқда. Уларга барча турдаги солиқлар ва қатор мажбурий тўловлар, шунингдек, четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод этиш бўйича имтиёзлар берилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасалари сони ошмоқда. Уларни юқори технологияли тиббиёт техникаси билан жиҳозлаш даражаси яхшиланмоқда. Айниқса,

стоматология, лаборатория ташхиси, терапия, физиотерапия, неврология ва бошқа соҳаларга ихтисослашган хусусий тиббиёт муассасалари ривожланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларда соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантиришга ҳамон етарлича эътибор қаратилмаётгани ҳақида фикр билдириди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини янада кенгайтириш лозим.

Рухсат этилган тиббий хизмат турларига кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, микрожарроҳлик, онкология, анестезиология, реаниматология, гельминтология, интервацион кардиология, иммунобиологик ва иммунофермент ташхис қўйиш, қон-томир, торакал ва абдоминал жарроҳлик, тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар киритилди.

Ушбу фаолият турлари аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган, жумладан, ўта юқумли, хавфли, карантин касалликларга ташхис қўйиш, даволаш, токсикологик, венерик, руҳий хасталиклар, чақалоқлар, 1 ёшгача бўлган болалар касалликлари, касалликни даволаш, туғруқни қабул қилиш, ҳомиладорликни тўхтатиш, органларни кўчириш, қон донорлигини ташкил этиш ва бошқа ўзига хос йўналишлар билан боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, қарорда қишлоқ жойларда ва чекка туманларда тиббиёт соҳасида хусусий секторни жадал ривожлантиришга эътибор қаратилган. Шу мақсадда қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этиладиган янги микро фирмалар, кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилиши кўзда тутилган.

Қарорда 2017 йил 1 майдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар ходимларининг йиллик ўртacha чекланган сонини 25 кишидан 100 кишигача кўпайтириш тўғрисидаги тасдиқланган норма тиббиёт соҳасининг хусусий секторида бандликни кенгайтиришни рағбатлантириш имконини беради, хусусий тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатадиган аҳоли сонини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия беришни сезиларли даражада соддалаштириш, муддатларини тезлаштириш, жумладан, лицензия бериш түғрисидаги қарорни 30 кундан 20 кунгача қисқартириш, лицензия бериш учун давлат божини энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 5 баробаригача камайтириш назарда тутилган.

Шу билан бирга, кичик тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хусусий тиббиёт муассасаларига давлат мулкини ижарага олишнинг максимал муддатини амалдаги меъёрларга мувофиқ 5 йилдан 10 йилгача узайтириш қўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг давлат мулкидан фойдаланиш учун ижара тўловининг энг кам ставкасини 20 фоизга қисқартириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 29 майдаги (343-сон) “Фармакологик ва дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ҳамда клиник тадқиқот материалларининг экспертизасини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги буйруғининг 1-иловасида “Фармакологик ва дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ҳамда клиник тадқиқот материалларининг экспертизасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом берилган.

Низомнинг I бобидаги “Умумий қоидалар”да мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 марта (213-сон) “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, Хельсинки декларациясининг этика тамойиллари, O’zDSt 2765:2013 “Яхши клиник амалиёти – GCP” Ўзбекистон Давлат стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида беморларда фармакологик ва дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ҳамда клиник тадқиқотнинг усуллари, ташкил этилиши, боришини таърифловчи ва олинган маълумотларининг сифатини баҳолашга имкон берувчи клиник тадқиқот материалларининг экспертизасини, шу жумладан, биокираолишлик / биоэквивалентлик тадқиқотларини ўтказиш тартибини белгилайди.

Низомга кўра, фармакологик ва дори воситаларининг клиник тадқиқотларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхати тасдиқланган клиник тадқиқотлар ўтказиладиган даволаш-профилактика муассасалари ҳамда фармакологик, дори воситаларини клиник базаларга тақдим этувчи ва тадқиқотларни ташкил этишга масъул юридик ёки жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Фармакологик ва дори воситаларининг ёки давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаларининг янги кўрсатмалари ҳамда қўллаш усулларини қайд этиш учун ўтказиладиган клиник тадқиқотлар материалларининг экспертизаси “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ҳамда стандартлаштириш давлат маркази” давлат унитар корхонасининг Фармакология қўмитаси зиммасига юклатилди.

Низомнинг II бобида “Асосий тушунчалар” берилган.

III бобида “Фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш учун материалларни Фармакология қўмитасига тақдим этиш тартиби” баён этилган. Унда клиник тадқиқотларни ўтказиш тўғрисидаги қарор кабул қилинган ҳолларда, Фармакология қўмитаси клиник тадқиқотнинг тури, дизайни, клиник базани ва беморларнинг сонини белгилайди, хусусан, фармакологик воситанинг клиник тадқиқотларини ягона клиник тадқиқот протоколини тузган ҳолда, кўп марказли клиник тадқиқот кўринишида, камида 3 та клиник базада, камида 90 нафар bemor иштирокида, тўлиқ дастур бўйича ўтказиш тавсия этилади. Бундай ҳолларда, агар қиёслаш учун мувофиқ аналогик дори воситаси бўлмаса, клиник тадқиқот қиёсий бўлмаган тадқиқот кўринишида ўтказилади ва назорат гуруҳи танланиб, улар таъсири, фармакологик хусусиятлари бўйича энг яқин дори воситаси ёки плацебо ёхуд умумқабул қилинган, анъанавий даволаш усули билан даволанадилар.

Генерик дори воситасининг клиник тадқиқотларини чекланган қиёсий дастур бўйича ўтказиш тавсия этилади ва дори препарати сифатида Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан

ўтказилган ва сифат сертификатига эга бўлган етакчи, таниқли хорижий фармацевтика корхоналарининг дори воситалари, агар булар Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса ёки фармацевтика бозорида бўлмаса, маҳаллий корхоналарнинг дори воситалари қўлланилади.

Низомнинг IV бобида “Клиник тадқиқотларни ўтказиш учун Фармакология кўмитасига тақдим қилинадиган материалларнинг экспертизасини ўтказиш тартиби”, V бобида “Клиник базада клиник тадқиқотни ўтказиш тартиби”, VI бобида “Клиник тадқиқотлар ҳисоботининг экспертизаси” берилган.

“Фармакологик ва дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ҳамда клиник тадқиқот материалларининг экспертизасини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга 1-иловада “Тўлиқ ёки чекланган дастурлар бўйича ўтказиладиган клиник тадқиқот протоколининг структураси”, 2-иловада “Бемор учун ахборот”, 3-иловада “Беморнинг клиник тадқиқотда ихтиёрий иштирок этишга ёзма розилиги шакли”, 4-иловада “Тадқиқот учун рисола”, 5-иловада “Клиник базада ва буюртмачида сақланиши керак бўлган тўлиқ ёки чекланган дастур бўйича клиник тадқиқот ҳужжатларининг рўйхати”, 6-иловада “Фармакологик ёки дори воситасининг клиник тадқиқот ҳисботи” берилган.

6-иловага кўра муҳокама ва умумлаштирилган хulosалар, ножуя ҳолатлар, агар улар бўлган бўлса, қайд этиш шаклларини тўлдириш 14-15-жадвалда келтирилган.

### **Касаллик тарихининг таҳлили**

**14-жадвал**

Тр	Ф. И. Ш.	Касаллик тарихи / боланинг ривожланиш тарихи ёки амбулатория карта, рақами	Жинси	Ёши	Асосий ташхиси	Йўлдош касалликлар
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						

15-жадвалда беморнинг касаллик кўрсаткичининг дастлабки ва кейинги ҳолатлари берилган.

### **Касаллик кўрсаткичининг дастлабки ва кейинги ҳолатлари**

15-жадвал

Т р	Ф.И.Ш.	Кўрсаткич		Кўрсаткич		Кўрсаткич	
		дастлабки	кейин	дастлабки	кейин	Дастлабки	кейин
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 майдаги (349-сонли) “Этика Кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 майдаги 349-сонли буйруғининг 1-иловасида “Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Этика Кўмитаси таркиби” тасдиқланган.

Буйруқнинг 2-иловасида “Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Этика Кўмитаси экспертлар таркиби” тасдиқланган.

“Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Этика Кўмитаси Низоми”га кўра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Этика Кўмитаси тиббий ва клиник синовлар ўтказиш даврида bemorlarning xukouqlari, соғликлари ва xavfizilik kafolatlarini himoya қилиш учун ташкил қилинган.

Этика Кўмитаси ўз фаолиятида дори воситаларининг клиник синовини ўтказиш бўйича асосий халқаро қоидаларга ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланади.

Этика Кўмитаси томонидан изланувчининг маълумотномаси, дори воситалари, тиббиёт техникаси, тиббий буюмларнинг клиник синови баённомаси мазмуни, пациент учун ахборот ва билдирилган розилик шакллари, изланувчилар, тадқиқот марказларининг касбий тажрибалари, тадқиқот ўтказилувчилар соғлиғини суғурталаш бўйича ҳужжатлар ва бошқа материалларни эксперт баҳоланиши 30 кунгача бўлган муддатда амалга оширилади.

Маҳаллий, ташкилот, муассасаларнинг Этика Кўмитаси таркиби, унинг вазифалари, функциялари ва иш тартиби тиббий ёки илмий тадқиқот муассасаси тавсияси асосида Этика Кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Этика Кўмитаси фаолияти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Кўмита низомлари, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳужжатлар, меъёрлар ҳамда биоэтиканинг умумэътироф этилган принцип ва меъёрларига асосланади.

Маҳаллий, ташкилот, муассасалар Этика Кўмитаси клиник синовлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қадр-қимматларини ҳимоя қилган ҳолда, ушбу тадқиқотларни сифатли клиник синовларини ўтказиш қоидаларига мос этика меъёрлари бўйича амалга ошириш учун жорий этилган.

## **Хулоса**

1. Фармацевтика ахборотининг воситалари, фармацевтикада инновацион бозор шаклланиши шароитида Ўзбекистон Республикасида фармацевтика ахбороти тизими, дori воситалари тўғрисидаги ахборот, дori воситалари тўғрисидаги ахборотнинг ўзига хос томонлари назирий таҳлил қилинди.

2. Дори воситалари тўғрисидаги ахборотнинг шакл ва усуллари, дori воситалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш, илмий ахборотнинг ҳужжат манбалари, ахборот қидирув тизими тўғрисида тушунча, Тиббиёт амалиётида қўлланишига рухсат этилган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри таҳлил қилинди.

## **Назорат ва мұхокама учун саволлар**

1. Ахборот ва фармацевтика ахбороти воситаларининг фарқини таърифланг.

2. Фармацевтика бозорини шаклланиши шароитида Ўзбекистон Республикасида фармацевтика ахбороти тизимини шарҳлаб беринг.

3. Дори воситалари тўғрисидаги ахборотнинг ўзига хослигини тушунтириб беринг.

4. Дори воситалари тўғрисидаги ахборотнинг ўзига хос томонларини таърифланг.

5. Дори воситалари тўғрисидаги ахборотнинг шакл ва усулларини санаб беринг.

6. Дори воситалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш усулларини таърифланг.

7. Илмий ахборотнинг хужжат манбаларини таҳлил қилиб беринг.

”Ахборот қидирув тизими” тўғрисида тушунча беринг.

9. Тиббиёт амалиётида қўлланилишига руҳсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат Реестри ҳақида.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мусина Н.З. Фармацевтическая информация // Учебное пособие: Под редакцией Р. Н. Аляутдина. Медпрактика. – Москва, 2012, 131 с.

2. Новиков Д. А., Новочадов В. В. Статистические методы в медико-биологическом эксперименте (типовые случаи). Издательство ВолГМУ. – Волгоград. 2005, 84 с.

3. Прикладная фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Петрова. –М. Издательская группа «ГЭОТАР-Медиа», 2007, 335 с.

4. Фармакоэкономика. Учебное пособие. Под редакцией Л. В. Яковлевой. – Харьков. Издательство НФаУ, – 2009, 158 с.

5. Сводный прайс лекарственных средств и изделий медицинского назначения: Информационное издание. – Ташкент, 2018. – №6/03. 6-230 с.

6. Суюнов Н. Д. Фармакоэкономический анализ и оптимизация лекарственного обеспечения пациентов с заболеваниями органов дыхания / Монография. – Ташкент. Фан, 2013, 240 с.

7. Яковleva L.B., Бездетко Н.В., Герасимова О.А., Мищенко О.Я., Ткачева О.В., Беркало Н.Н. Побочное действие лекарств / Учеб. пособие для самостоятельной работы студентов специальностей «Фармация». – Харьков: НФау, 2008, 5 с.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 майдаги 349-сонли “Этика Қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи. <http://www.minizdrav.uz>

9. Dimitris Polygenis, Kirsten Hall Long, John McCormick. ISPOR

Taxonomy of Patient Registries: Classification, Characteristics and Terms Published by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 217 p.

10. Dominick Esposito, Kristen Migliaccio-Walle, Elizabeth Molsen. Reliability and Validity of Data Sources for Outcomes Research & Disease and Health Management Programs. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2013, 446 p.

11. Stacey J. Marilyn Dix Smith, Jenifer Ehreth, Randa Eldessouki, Erin Sullivan. Therapeutic and Diagnostic Device Outcomes Research. 2001 by International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research. All rights reserved. Printed in the United States of America. – LAWRENCEVILLE, NJ. – 2011, 331 p.

12. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.

13. <http://www.Lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

14. <http://www.catback.ru> научные статьи и учебные материалы по экономике.

15. <http://www.ziyonet.uz>

16. <http://www.ispor.org>

17. <http://www.minizdrav.uz>

## ГЛОССАРИЙ

**Анатомо-терапевтик кимёвий (АТС) классификация** (Anatomical Therapeutic Chemical) – дори препаратларини кимёвий ва терапевтик хоссаларига кўра, аниқ анатомик органга фармакологик таъсири бўйича бешта гурухларга ажратилиши.

**Аудит** – клиник тадқиқотлар, таҳлилларга оид фаолиятни, шунингдек, протокол бўйича маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, тақдим қилиш, буюртмачининг стандарт операцион процедуralарига, яхши клиник амалиётга (GCP) ва меъёрий талабларга мувофиқликни тасдиқлаш учун ўтказиладиган клиник тадқиқотларга тааллуқли фаолият ҳамда ҳужжатларнинг комплекс, мустақил текшируви.

**Бемор** – клиник тадқиқотда иштирок этишга ихтиёрий асосда, ёзма розилик берган инсон.

**Беморнинг ёзма розилиги** – bemor ёки унинг қонуний вакили томонидан клиник тадқиқотларнинг томонлари ва ўтказилиши тўғрисидаги барча маълумотларни олгандан кейин, муайян клиник тадқиқотда қатнашишга ўз розилигини ихтиёрий равишда беришини тасдиқловчи bemor, шифокор-тадқиқотчи ҳамда гувоҳ томонидан имзоланган, санаси кўрсатилган ҳужжат.

**Бирламчи ҳужжатлар** – дастлабки ҳужжатлар, маълумотлар, ёзувлар, жумладан, касаллик тарихи, боланинг ривожланиш тарихи, амбулатор карталар, лаборатория маълумотлари, қайдлар, кундаликлар, сўровномалар, дори воситаларини bemorларга беришни қайд этиш журнали, автоматик қурилмаларнинг қайдлари, верификация қилинган ва тасдиқланган нусхалар ёки қўчирмалар, микрофишлар, фотонегативлар, микроплёнкалар, магнит ташувчилар, рентген суратлари, bemorга тааллуқли ҳар қандай ёзувлар ҳамда дорихонада, лабораторияларда, инструментал диагностика бўлимларида сақланадиган, клиник тадқиқотларда ишлатиладиган қайдлар.

**Генерик дори воситалари** – генериклар патент берилганларидан қолишмайдиган, лекин бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган ва ишлаб чиқилган дори препаратлари.

**Гистограмма** – бу турли хил нашрда рақамли тасвир элементларининг статистика тарқалиш графиги, бунда горизонтал ўқ ёрқинликни англаради, вертикал ўқ эса маълум ёрқинлик қийматига эга пикселларнинг нисбий сонини кўрсатади.

**Гомеопатик воситалар** – гомеопатик қоидаларга биноан қўлланиладиган ва давлат реестрининг махсус бўлимига киритилган дорилар.

**Диаграмма** – чизма, расм, шакл, чизиқли кесмалар шаклида ифодаланувчи турли дори воситаларининг микдорлари ўртасидаги муносабатни тасвирловчи чизма, график тасвир. Дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг йилма-йил ўсиш диаграммаси.

**Дори воситалари** – касалликлар профилактикасига ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек, инсон организмининг ҳолати ҳамда функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари, субстанциялар, ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, яъни дори моддалари, субстанциялар, дори препаратлари.

**Дори моддалари, субстанциялар** – фармакологик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган ва тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ҳамда синтетик моддалар.

**Дори препаратлари** – дозаланган, идишга жойланган, ўралган ва қўлланилиш учун тайёр дори воситалари.

**Доривор ўсимлик хомашёси** – дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш учун фойдаланиладиган ва таркибида биологик фаол моддалар бўлган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари.

**Дорихона** – дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек, даволаш, касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ҳамда сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасаси. Дорихона муассасалари жумласига дорихоналар ва уларнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда касалликнинг олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради.

**Жиддий ножӯя реакция** – фармакологик ёки дори воситаси тавсия қилинган дозаларда қўлланилганда ёки дозаси ошириб юборилганида юз берувчи шифохонадаги ёки шифохона муддатини, койка кунини ошишига, bemornining ногиронлигига, ўлимига олиб келувчи ҳаёт учун хавфли реакция.

**Иммунобиологик препаратлар** – биологик материаллардан, “Микроорганизмлар, қон ёки бошқа тирик түқималарни ишлатиш билан” тайёрланган, касалликларга ташхис қўйиш, уларни олдини олиш ва даволаш учун мўлжалланган дори воситалари.

**Индивидуал қайд қилиш шакли** – ҳар бир бемор бўйича протоколда кўзда тутилган барча маълумотларни киритишга ва буюртмачига беришга мўлжалланган, қоғоз ёки электрон ташувчидаги ҳужжат.

**Касалланиш қиймати таҳлили** – муайян касалликни ташхис қилиш ва даволаш жараёни билан боғлиқ барча, бевосита тиббий ҳамда нотиббий, билвосита харажатларни ҳисобга олишни назарда тутувчи фармақоқтисодий таҳлил усули.

**Клиник база** – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, рўйхатга киритилган, фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиши мумкин бўлган даволаш-профилактика муассасаси.

**Клиник олди тадқиқоти** – фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини ўрганиш мақсадидаги кимёвий, физик, биологик, микробиологик, фармакологик, токсикологик тадқиқотларни, таҳлилларни назарда тутувчи ҳамда инсоннинг иштирокисиз ўтказиладиган биотиббий тадқиқот.

**Клиник тадқиқот** – фармакологик воситалар ёки дори воситаларининг хавфсизлигини ҳамда самарадорлигини аниқлаш мақсадида, уларнинг фармакологик хоссаларини, ножӯя таъсирлари ва бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсир самараси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш учун, инсон иштирокида ўтказиладиган клиник тадқиқот. Клиник тадқиқотлар кўп марказли клиник тадқиқот кўринишида, тўлиқ ва чекланган дастурлар бўйича ўтказилиши мумкин.

**Клиник тадқиқот материалларининг экспертизаси** – буюртмачи томонидан тақдим қилинган клиник тадқиқот материалларини ҳамда клиник таҳлиллар якунланганидан кейин уларни тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик учун асосли хулосаларни тайёрлаш мақсадидаги экспертиза.

**Клиник тадқиқот протоколи** – клиник тадқиқотнинг мақсади, дизайни, методологияси, статистикаси томонлари ва уни молиялаштиришни, ташкил қилинишини, натижаларини чоп этилиши ҳамда текширилишини таърифловчи ҳужжат. “Протокол”

атамаси клиник тадқиқот протоколининг ўзини ва унга киритиладиган ўзгартиришларни назарда тутади.

**Клиник тадқиқот протоколига тузатиш киритиш** – клиник тадқиқот протоколига киритилган ўзгартиришларниг ёзма изохи.

**Клиник тадқиқот раҳбари** – клиник базада клиник тадқиқотни ўтказишига масъул бўлган, барча тадқиқотчи-шифокорларниг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва шу соҳанинг етакчи шифокор-мутахассиси.

**Клиник тадқиқот ҳисоботи** – клиник база томонидан буюртмачига тақдим қилинадиган ёзма шаклдаги клиник тадқиқот натижалари.

**Клиник тадқиқотнинг буюртмачиси** – фармакологик ёки дori воситаларининг клиник тадқиқотлари учун керакли хужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш, клиник тадқиқотларни молиялаштириш, унинг мониторинги, аудитини ўтказиши, клиник тадқиқот ҳисоботини тақдим этиш ва клиник тадқиқотнинг ўтказилишини текширишда бирламчи хужжатларни кўришни ташкил этишига масъул юридик ҳамда жисмоний шахс.

**Клиник тадқиқотнинг ўтказилишини текшириш** – клиник тадқиқотлар ўтказилишининг сифатини ва олинган маълумотларниг ишончлилигини баҳолаш имкониятини берувчи клиник тадқиқотлар хужжатларини расмий текшириш.

**Клиник текширувлар** – дori воситаси самарадорлиги ва хавфсизлигининг bemорларда аниқланиши ёки тасдиқланиши, ушбу синовлар фармакология қўмитасининг клиник базаларида шартнома асосда ўтказилади.

**Контракт-тадқиқот ташкилоти** – буюртмачи ҳамкорлигига шартнома асосида клиник тадқиқотни ўтказиши билан боғлиқ, унинг бир ёки ундан ортиқ вазифалари, функцияларини бажарувчи жисмоний шахс ёки ташкилот, тижорат, илмий тадқиқот ва бошқа ташкилотлар.

**Кўп марказли клиник тадқиқот** – фармакологик воситалар ёки дori воситаларининг биттадан ортиқ даволаш-профилактика муассасасаларида ва биттадан ортиқ тадқиқотчи томонидан ягона протокол бўйича ўтказиладиган клиник тадқиқотлар.

**Кутилмаган ножӯя реакция** – тадқиқотчи учун рисола, тиббиётда қўлланишига доир йўриқнома, фармакологик ёки дori воситаларининг қисқа тавсифномасида берилган, фармакологик,

дори воситаси бўйича мавжуд маълумотга характери ва яққоллик даражаси бўйича жавоб бермайдиган ножўя реакция.

**Қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлар** – таркиби ёки хусусияти тўғрисида ёхуд ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон ахборот илова қилинган дори воситалари ва тиббий буюмлар.

**Қонуний вакил** – бемор номидан клиник тадқиқотда ихтиёрий иштирок этишга розилик бериш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс, яъни ота-оналар, фарзандликка қабул қилиб олувчилар, тутинган ота-оналар, тарбиячилар, васийлар, ҳомийлар ёки юридик шахс.

**Мониторинг** – буюртмачи томонидан амалга ошириладиган клиник тадқиқотларнинг бориши, уни ўтказиш, маълумотларни йиғиш ва натижаларни тақдим қилишни таъминлашнинг протокол, стандарт операцион процедуralар, Яхши клиник амалиёти (GCP) ва меъёрий талабларга мувофиқлигини назорат қилишдан иборат бўлган фаолият.

**Ножўя қўринишилар** – дори воситасини қўллашда бемордаги ҳар қандай ноxуш тиббий қўриниш, лаборатория маълумотларининг ўзгариши, тадқиқ этилаётган фармакологик, дори воситасини қўллаш билан юз бериш вақти жиҳатидан тўғри келувчи симптом ёки касаллик.

**Ножўя реакциялар** – дори воситасидан касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш, даволаш мақсадида ёки физиологик фаолиятни тиклаш, мувофиқлаштириш, модификация учун қўлланилишига доир йўриқномага мувофиқ фойдаланилганда инсонда кузатиладиган ҳар қандай салбий реакция.

**Плацебо** – клиник тадқиқотлар вақтида назорат учун ишлатиладиган дори шакли ва физик хусусиятлари бўйича таҳлил этилаётган фармакологик ёки дори воситасига тақлид тарзида тайёрланган фармакологик нофаол модда.

**Рецепт** – шифокорнинг фармацевт ва фармацевт-ассистентига дори воситаларини тайёрлаш ҳамда бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси бўлиб, унда дори воситаларини қўллаш усули қайд этилган бўлади.

**Сезувчанлик таҳлили** – фармакоиқтисодий ҳисоблашларда бошланғич кўрсаткичларнинг ўзгаришини баҳолашда қўлланиладиган қўшимча фармакоиқтисодий усул.

**Стандарт ёзув** – дори препаратларининг даволаш хусусиятлари самарадорлиги текширилганидан сўнг тузилган таркиби.

**Тадқиқ этилаётган дори воситалари** – касалликларнинг профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек, инсон организмининг ҳолати ҳамда функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари, субстанциялар, ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, яъни дори моддалари, субстанциялар, дори препаратлари.

**Тадқиқ этилаётган фармакологик восита** – муайян дори шаклига, клиник олди тадқиқотларда аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиник тадқиқот объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси.

**Тадқиқотчи-шифокор** – клиник базада фармакологик ёки дори воситаларининг бевосита клиник тадқиқотини ўтказувчи шифокор мутахассис.

**Тиббий буюмлар** – касалликларнинг профилактикасида ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек, инсон организмининг ҳолати ҳамда функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган буюмлар.

**Тиббий техника** – касалликлар профилактикасида ташхис қўйиш, уларни даволаш учун, шунингдек, инсон организмининг ҳолати ва функцияларини аниқлаш, ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар ҳамда мажмуалар.

**Тўлашга тайёрлиги** – ўлим хавфининг олдини олиш мақсадида bemорлар билан ўтказилган сўровномалар асосида улар тўлаши мумкин бўлган тиббиёт аралашувларининг микдорини баҳолаш.

**Тўлиқ дастур бўйича клиник тадқиқотлар** – янги фармакологик воситани Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ёки давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситасининг қўлланилишига доир йўриқномасига янги кўрсатмаларни киритиш учун ўтказиладиган, уч ва ундан ортиқ клиник базаларда ўтказиладиган клиник тадқиқотлар.

**Фармаconiқтисодиёт** – замонавий фан бўлиб, даволаш-профилактика муассасаларида аксарият ҳолларда қандай дори воситаларидан фойдаланиш заруратини, bemор учун берилган энг

яхши, самарали ва хавфсиз дори воситасини аниқлаш имконини беради.

**Фармакоиқтисодий таҳлил** – фармакоиқтисодий таҳлил алоҳида инсон, беморлар, соғлиқни сақлаш тизими ва бутун жамият учун афзалликларни аниқлаш мақсадида икки ҳамда ундан кўп муқобил тиббий технологияларнинг харажатлар самарадорлигини тадқиқ қилиш ва қиёслашнинг мураккаб, комплекс жараёни.

**Фармақоинформатика** – фармацевтика ахбороти, фармацевтика фаолиятини тўла-тўқис амалга ошириш учун статистика, меъёрий, ҳуқуқий, иқтисодий, бошқарув ва бошқа, шунингдек, илмий изланишлар соҳасида ҳамда дори воситалари тўғрисида ахборот ва маълумотлар мажмуаси.

**Фармакологик воситалар** – муайян дори шаклига, дозасига клиник олди тадқиқотларда аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиник тадқиқот объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси.

**Фармақопея** – дори воситаларининг сифатини, уларни тайёрлаш, сифати, микдори жиҳатидан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номланишини белгилайдиган давлат стандартлари тўплами.

**Фармақопея қўмитаси** – дори воситалари, тиббий буюмлар сифатига ва уларни назорат қилиш усулларига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган норматив-техник ҳужжатларни тасдиқловчи расмий эксперт органи.

**Фармақопея мақоласи** – дори воситаси учун фармақопея қўмитаси томонидан тасдиқланган норматив-техник ҳужжат.

**Фармақоэпидемиология** – фармақоэпидемиология дори воситаларининг истеъмоли, самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганишда эпидемиологик ёндашишларни қўллади.

**Фармацевтика фаолияти** – дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ҳамда сифатини назорат қилиш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани сотишни қамраб оладиган фаолият.

**Харажатлар** – касалликнинг олдини олиш ва даволаш билан боғлиқ бўлган моддий ҳамда номоддий сарф-харажатлар.

**Харажатлар самарадорлик таҳлили** – самарадорликни қиймат, нарх жиҳатдан баҳолаш, аниқроғи – харажатлар самарадорлигини баҳолаш, яъни у ёки бу тиббий технологиялар

учун самарадорлик бирлигининг қийматини аниқлаш усули.

**Харажатлар фойда таҳлили** – ҳам харажатлар, ҳам натижалар пул эквивалентида ифодаланиши шарти билан муқобил тиббий технологияларни ва тиббиёт дастурларини қўллаш усули.

**Харажатларни минималлаштириш таҳлили** – минимал харажатли дори препарати ёки касалликни даволаш усулини танлаш билан боғлиқ фармакоиқтисодий таҳлил усули. Ушбу усул бир хил терапевтик самарадорликка эга бўлган муқобил даволаш усуллари ёки дори препаратларининг қийматини қиёслашни назарда тутади.

**Ҳаёт сифати** – ҳаёт сифати бу беморнинг субъектив қабул қилиш жараёнига асосланган, унинг жисмоний, психологик, эмоционал, ҳис-туйғулари билан боғлиқ ва ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи интеграл кўрсаткичdir.

**Ҳисоблашнинг имкони бўлмаган харажатлар** – касалликнинг хусусиятлари ва унинг жамиятда намоён бўлиш шакли, масалан, ўтказилган даволаш курси сабабли, бемор ўзида ҳис қилган оғриқ ва азиятлар билан боғлиқ, пул бирликларида, кўрсаткичларида аниқлашнинг имкони бўлмаган харажатлар, сўз билан ёзилади ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларида баҳоланади.

**Чекланган дастур бўйича клиник тадқиқотлар** – генерик дори воситаларини Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказиш учун беморларнинг чекланган миқдорида ўтказиладиган, мақсади – давлат рўйхатидан ўтказилаётган генерик ва ўхшаш қиёсий дори воситаларининг терапевтик самарадорлиги ҳамда ўзлаштирилишини қиёсий баҳолашни амалга оширишдан иборат клиник тадқиқотлар.

**Этика қўмитаси** – таркибига тиббиёт, илмий тадқиқот ташкилотларининг, олий таълим муассасаларининг, оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти ва бошқа институтларининг вакиллари киритилган, низоми ҳамда таркиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисида хулоса берувчи мустақил ташкилот. Ташкилот миқёсида, ҳудудий, миллий ва халқаро миқёсда фаолият юритувчи эксперт кенгаш ёки қўмита.

**Яхши клиник амалиёти** (GCP) – клиник тадқиқотларни режалаштириш, ташкил қилиш, ўтказиш, хужжатлаштириш, шунингдек, олинган маълумотлар ва тақдим қилинган натижаларнинг ишончлилигига, аниқлигига кафолат берувчи уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда тақдим этиш, шунингдек, клиник тадқиқотларда ихтиёрий асосда иштирок этаётган bemорларнинг хуқуқи, соғлиғи, клиник тадқиқотдаги иштирокининг махфийлигини таъминловчи стандарт.

**DALY** – меҳнатга лаёқатсизлик ҳолати бошлангунгача бўлган сифатли ҳаёт йилларининг миқдори.

**QALY** – тиббий хизмат ва даволаш натижасида юқори ҳаёт сифатига эришилган, сақлаб қолинган ҳаёт йилларининг миқдори.

## Мундарижа

	<b>Кириш .....</b>	4
<b>I боб</b>	<b>ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ ФАНИГА КИРИШ.</b>	
	<b>ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ МЕЗОНЛАРИ</b>	
1.1.	Соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши бўйича иқтисодий сарф-харажатлар ва олиб борилаётган чора-.....	8
1.2.	Фармакоиқтисодиёт фанига кириш, фаннинг мақсади ва вазифалари ҳамда ишлаб чиқаришдаги аҳамияти.....	10
1.3.	Фармакоиқтисодиёт бўйича ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида бажарилган ишлар таҳлили.....	15
1. 4.	Фармакоиқтисодиёт фанининг ишлаб чиқаришдаги ўрни.....	24
<b>II боб</b>	<b>ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ ВА УНДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР МЕЗОНЛАРИ</b>	
2.1.	Фармакоиқтисодёт фанининг ривожланиш даври ва босқичлари таҳлили.....	27
2.2.	Дори воситалари истеъмолида ва касалликларни даволаш жараёнида фармакоиқтисодиётда қўлланиладиган харажатлар.....	31
2.3.	Беморларни даволашда бевосита ва билвосита харажатлар таҳлили .....	39
<b>III боб</b>	<b>ХАРАЖАТЛАР ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТОИФА СИФАТИДА</b>	
	Соғлиқни сақлаш тизимида фармакоиқтисодий харажатлар релевантлиги, харажатлар таснифининг таҳлили .....	44
	Харажатлар фармакоиқтисодий тоифа сифатида, фармакоиқтисодий харажатлар релевантлиги .....	46
	Касалликларни даволашда бевосита нотиббий харажатларни и, турлари .....	48
	Фармакоиқтисодий таҳлил усулларидан тиббиёт ва фармацевтикада фойдаланиш таҳлили ва уни тизимли олиб.....	51
<b>IV боб</b>	<b>ХАРАЖАТЛАРНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ТАҲЛИЛИ</b>	
4. 1.	“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”нинг мақсади, ўтказиш босқичлари ва афзалиги .....	59
4. 2.	“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули асосида ҳисоблаш методологияси .....	61
4. 3.	“Харажатларни минималлаштириш таҳлили”да H <sub>2</sub> -рецептор антагонистлари гуруҳидаги дори воситаларини ҳисоблашга мисоллар .....	67
4. 4	“Харажатларни минималлаштириш таҳлили” усули асосида риносинусит касаллигига қўлланиладиган дори воситалари таҳлили.....	69

<b>V боб</b>	<b>ХАРАЖАТЛАР – САМАРАДОРЛИК ТАҲЛИЛИ</b>	
5. 1.	“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулининг мақсади, ўтказиш босқичлари ва шарт-шароитлари, турли тиббий ар .....	81
5. 2.	“Харажатлар – самарадорлик таҳлили” усулини ўтказиш учун ахборот олиш манбалари, устувор муқобиллик, афзаллик ва камчиликлари .....	87
5. 3.	“Харажатлар – самарадорлик таҳлили”ни ўтказишга мисоллар	89
<b>VI боб</b>	<b>“ХАРАЖАТЛАР – ФОЙДАЛИЛИК ТАҲЛИЛИ” УСУЛИ. ҲАЁТ СИФАТИ КЎРСАТКИЧИ</b>	
	“Харажатлар – фойдалилик таҳлили” усулининг афзаллик ва камчиликлари, тиббий технологияларнинг фойдалилигини	
	Ҳаёт сифатининг таркибий қисмлари, ҳаёт сифатига тиббий аралашув таъсирини аниқловчи асосий омиллар .....	98
	Ҳаёт сифати кўрсаткичини аниқлаш методологиясининг асослари, ҳаёт сифатини аниқлаш учун сўровномаларга	100
	Ҳаёт сифатининг таркибий қисмлари, ҳаёт сифатига тиббий аралашув таъсирини аниқловчи асосий омиллар .....	107
<b>VII боб</b>	<b>“ХАРАЖАТЛАР – ФОЙДА ТАҲЛИЛИ” УСУЛИ. ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ-НИНГ СЕЗУВЧАНЛИК КЎРСАТКИЧИ</b>	
	“Харажатлар – фойда таҳлили” усулнинг мақсади, афзаллик иликлари, қўлланиш соҳаси .....	113
	Тиббий технологияларни қўллаганда эришиладиган наф-фойда турлари, пул эквивалентида натижаларни ҳисоблаш	115
	Фармакоиқтисодий таҳлил натижаларининг сезгирилигини таҳлил қилиш, мақсади, таснифи, ўтказиш босқичлари.....	118
	Фармакоиқтисодий таҳлилдан фойдаланган ҳолда ҳисоб-обларни амалга оширишга мисоллар .....	120
<b>VIII боб</b>	<b>КАСАЛЛАНИШ ҚИЙМАТИ ТАҲЛИЛИ</b>	
8.1.	Фармакоиқтисодий таҳлилнинг соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамияти ва ўтказиш босқичлари .....	127
8.2.	“Касалланиш қиймати таҳлили” ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, афзаллик ва камчиликлари, қўлланиш соҳаси, етодологияси .....	130
8.3.	“Касалланиш қиймати таҳлили” усулида ҳисоб-китобларни қўллашга мисоллар .....	133
	Касалланиш қийматида зарур клиника амалиёти (GCP) – дори воситаларини клиника текширувидан ўтказишнинг халқаро қоидалари ва стандартларининг ўрни .....	137

<b>IX боб</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАРМАКОЛОГИК НАЗОРАТ ТИЗИМИ</b>	
	Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатини қилиш ишларининг таҳлили .....	145
	Дори воситаларининг қўлланилишида ножўя таъсирлар	148
9. 3.	“Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” давлат унитар корхонаси таркибидаги Фармакология қўмитаси фаолиятининг таҳлили .....	155
9. 4.	Дори воситаларининг қўлланилишида ножўя реакциялар аниқланган ҳолатлар тўғрисидаги низом таҳлили .....	164
<b>X боб</b>	<b>ФАРМАКОИНФОРМАТИКА АСОСЛАРИ</b>	
	Ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикасида тика ахбороти тизими .....	174
	Дори воситалари тўғрисидаги ахборот, унинг ўзига хос томонлари, ахборотнинг шакл ва усуллари, ахборотни қайта	175
10. 3.	Фармакоинформатика асосларининг ривожланишида давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ва омиллар таҳлили .....	179
	<b>ГЛОССАРИЙ</b> .....	188

## **Н. Д. СУЮНОВ**

# **ФАРМАКОИҚТИСОДИЁТ I қисм**

**Тошкент – «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» – 2020**

**Мұхаррир: М. Ҳайитова, М. Муминкулова**

**Сағифаловчи: А. Нарманов**

**Техник мұхаррир: С. Аширова**

**Нашр.лиц. А1№009. 20.07.2018.**

**Босишға рухсат этилди: 02.03.2020. Формат: 60x84 1x16**

**Гарнитура: Times. Офсет қоғози. Ризограф босма усули.**

**Шартлы босма табоғи 12.44. Нашр босма табоғи 8.6.**

**Адади 100. Буюртма №14**

**“Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи” ДУК,  
Тошкент шаҳри. Олмазор кўчаси, 171.**

**"Тошкент фармацевтика институти "  
Таҳририй нашриёт бўлими босмахонаси  
Тошкент шаҳри, Ойбек кучаси, 45.**

